O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Постда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 30 июнь, пайшанба • 26 (3607)-сон

ОНАЛАРНИНГ ҚАЛБ ҒУРУРИ

Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юртида лейтенантлар битирувига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда иштирок этиш учун фахрийлар, битирувчиларнинг ота-оналари, ёру дўстлари ташриф буюришди.

Билим юртининг энг ҳурматли меҳмонлари орасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилояти Хива шаҳридаги Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак ҳам бор эди. Лекин бу гал у бу ерга жамоат арбоби сифатида эмас, балки битирувчи – лейтенант Бобомурод Ўрозовнинг онаси сифатида юзлаб километр йўл босиб келди. Зиёли, камтарин ва бағри кенг бу аёл суҳбат давомида биз бехосдан айтиб юборган "тарбияланувчи" сўзини нозиклик билан тўғрилади. Вера Пак бундай тушунча унинг учун мавжуд эмаслигини, барча тарбияланувчилар унинг фарзандлари эканини айтди. У ҳам ҳар қандай она сингари ўғли Бобомуроднинг ҳаётидаги ушбу муҳим воқеадан фахрланади.

– Қаранг, Бобомурод норғул ва ўктам йигит бўлибди, унга офицерлик либоси бирам ярашиб турибдики, – дейди Вера Борисовна.

Дарвоқе, ўтган йили унинг ўғилларидан яна бири, лейтенант Ҳамза Мадалиев ҳам Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетини муваффақиятли битирган, Вера опа ўшанда ҳам битирув маросимида қатнашган эди. Яқинда эса Хивага Ҳамза хизмат қилаётган қисм қўмондонлигидан миннатдорлик хати келди. Бу хатда лейтенант, ёш мутахассис Ҳамза Мадалиевнинг хизматга масъулият билан ёндашиб, олдига қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажараётгани ҳақида ёзилган эди.

– Биласизми, ўз ўғилларинг билан фахрланиш, уларни оёққа турғизиш учун сарфлаган меҳнатинг ва ғамхўрлигинг ўзини оқлаганини ҳис қилишкишини қанчалик қувонтиради, – дейди Вера Борисовна. – Энди уларнинг ўзи эртанги кунга ишонч ва умид билан қарайди. Энг асосийси, ёш давлатимизда шахснинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча шарт-шароит яратилган. Бола хоҳ ота-онаси бағрида, хоҳ меҳрибонлик уйида вояга етсин, ҳамма жойда унга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилади.

Ушбу ҳаяжонли онларда, айниқса, оналарнинг қувончи чексиз бўлди. Улар ўзларининг шодлик, севинч ва фахрланиш кўз ёшларини яширмадилар. Негаки, улар ўз Ватанига муносиб ўғлонларни вояга етказишди, тарбиялашди. Фарзандлари она-Ватанни ҳимоя қилишдек мураккаб, айни пайтда шарафли йўлни танлаганидан ҳар қанча фахрлансалар арзийди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Маннобжон Аҳмедов, Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти бошлиғи, генерал-майор Қосимали Аҳмедов, курсантнинг бобоси Ғанишер ота Ширинов, маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ёш лейтенантларни қизғин табриклади. Лейтенант Ҳамза Қаландаров битирувчилар номидан сўзга чиқиб, офицерларнинг янги отряди бутун касбий салоҳиятини Ватанга муносиб хизмат қилишга сарфлашини изҳор этди.

Ҳасан МИРЗАЕВ,
катта лейтенант.

Суратда: *Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак лейтенант Б. Ўрозов билан.*

Камолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.

УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА 3

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ 6

ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ 8

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА 19

ЯГОНА ГУВОҲ – СВЕТОФОР 21

«КЎЧА БОЛАСИ»НИНГ САРГУЗАШТЛАРИ 23

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Кун ёруғ, қуёш ёруғ, ёруғ ҳилол дейдилар,
Барчасидан чароғон отамнинг кошонаси.
Қанд ширин, шаккар ширин, ҳам ширин бол дейдилар,
Барчасидан ширини фарзандим пешонаси.

«Постда» gazetasining ilovasi

TV + UCHINCHI OLAM

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ЖУРНАЛИСТЛАР БАЙРАМИ

Мамлакатимизда миллий матбуот ривожига, унинг том маънода эркин фикр минбарига айланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш борасидаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма йиғилишидаги маърузасида Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти бу – оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир, дея таъкидлаган эди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилган анжуманда шу ҳақда сўз борди.

Давлатимиз раҳбарининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Бугунги кунда жаҳонда кечаётган турли жараёнлар, шу жумладан, тинч мамлакатлар барқарорлигини издан чиқариш йўлида ахборот хуружи авж олаётгани юртимиз оммавий ахборот воситалари ходимларидан янада ҳушёр, огоҳ ва фаол бўлишни талаб этаётир.

Айни пайтда бугунги шиддатли замон мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим таркибий қисми бўлмиш оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштиришни, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини тўлароқ таъминлашни, журналистларнинг касб маҳоратини замон талаблари даражасида муттасил ошириб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан ҳар йили ташкил этиб келинаётган "Йилнинг энг фаол журналисти" кўрик-танлови ҳам айнан шу мақсадларга хизмат қилади. Тадбирда мазкур танлов ғолибларига мукофотлар топширилди.

Йиғилишда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этган "Аёл омон бўлса..." республика танлови, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг "Энг фаол спорт журналисти" танлови ғолиблари ҳам тақдирланди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Муҳитдин ИНОҒОМОВ

Шафқатсиз ўлим Тошкент вилояти ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Муҳитдин Иноғомовни орамиздан олиб кетди.

М. Иноғомов 1927 йилда Қибрай туманининг Дўрмон қишлоғида туғилган. У болалигидан меҳнатсевар, инсонпарвар, зийрак ва қатъиятли эканлиги билан тенгдошларидан фарқ қилар, бошлаган ишини ниҳоясига етказишга одатланганди. 1948 йили Тошкент юридик институтини муваффақиятли тугатган М. Иноғомов дастлабки фаолиятини терговчи лавозимида бошлади. Шу йилдан 1952 йилга қадар Туркманистоннинг Чоржўй вилоятида самарали меҳнат қилди. 1952 йилдан 1959 йилгача Тошкент темир йўли қўриқлаш бошқармасининг терговчиси, катта терговчи лавозимларида, кейинчалик Тошкент темир йўли тармоқ милицияси бўлимида тезкор вакил лавозимида хизмат қилди. 1966 йилдан республика ИИВ Тергов бошқармаси 2-бўлими бошлиғи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 1972 йилдан Тошкент вилояти ИИБ котибияти бошлиғи, профилактика хизмати бўлим бошлиғи, 1974 йилдан 1982 йилга қадар вилоят ИИБ жиноят-қидирув бўлими бошлиғи лавозимларида ишлади. У раҳбарлик қилган даврда деярли барча жиноятлар ўз вақтида очилишига шахсан ўзи бошчилик қилди. Унинг касбга бўлган садоқати ва фидойилиги ҳукуматимиз, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланган.

М. Иноғомов 1982 йилда нафақага чиққан бўлса-да, ички ишлар соҳасидан узоқлашгани йўқ. У шу кунгача вилоят ИИБ фахрийлар кенгашига раҳбарлик қилиб келди. Фаолияти давомида ички ишлар идораларида катта тажриба тўплаган фахрийларнинг маҳоратини ёшларга сингдириш, уларда касбга меҳр, Ватанга муҳаббат уйғотишда жонбозлик кўрсатди. Шаҳар, туман ИИБларида фахрийлар иштирокида учрашув ва суҳбатлар уюштириб, шахсий таркиб ўртасида хизмат интизоми, қонунчиликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди. Шунингдек, фахрийларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, саломатликларини тиклаш, ижтимоий масалаларни ҳал этишга яқиндан ёрдам берди.

Олижаноб ва камтарин инсон, кўплаб шогирдлар етиштирган устоз-мураббий М. Иноғомовнинг ёркин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади. Марҳумнинг оила аъзолари, яқинлари ва сафдошларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши.

ҚЎШ АЙЁМ

Самарқанд вилояти ИИБ Ўқув марказида бошланғич тайёргарлик бўйича уч ой таҳсил олган қўриқлаш хизмати ходимларининг битирув маросими бўлиб ўтди. Тантана Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ижроси билан бошланди. Шундан сўнг ёш ички ишлар ходимлари Ватанга, халққа, Президентга содиқ қолиш ва ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга қасамёд қилишди. Ўқув маркази бошлиғи, подполковник М. Раҳмонов ўқиш ва хизмат интизомида ўрнак кўрсатган тингловчиларга Фахрий ёрлиқлар топширди.

Шу куни тўпланганлар ўқув маркази бошлиғи ўринбосари, подполковник Акбар Ташмановни 50 ёши билан қизғин қутлашди. Вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Х. Худойқулов уни раҳбарият номидан самимий муборакбод этиб, совға тақдим этди.

Анвар ҒУЛОМОВ,
подполковник.

ЎҚУВ-СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасида икки кунлик ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда вилоятлар ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ХЧК ва ФРБ ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирни бошқарма бошлиғи, полковник Б. Шорихсиев кириш сўзи билан очди ва чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатимизга келиши, кетиши бу ерда бўлиши, шунингдек, уларни ўз мамлакатларига кузатишда хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳақида маъруза қилди.

Ўқув-семинар давомида бошқарма бўлим бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, ИИВ ҲООББ вакиллари республика Вазирлар Маҳкамасининг "Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида"ги ва бошқа Қарорлари талабларини бажариш тартиб-қоидалари ҳақида маъруза қилдилар. Бундан ташқари қатнашчиларга доимий яшовчи чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва МДҲга аъзо давлатлар фуқароларининг мамлакатимизда яшаш гувоҳномаларининг амал қилиш муддатини узайтириш, ҳисобот карточкаларининг юборилиши, иш жилдларининг сақланиши, турар жойларда қонуний яшашлари устидан профилактика инспекторларининг назорат қилиш тартиби, қонунбузарларга нисбатан қўлланиладиган маъмурий чоралар тўғрисида йўл-йўриқлар берилиб, меъёрий ҳужжатлар билан таништирилди. Юқорида айтиб ўтилганлар бўйича ҳисобот карточкаларининг тўлдирилиши ва манзил маълумотлар бюросига юборилиши борасидаги янгиликлардан хабардор қилинди.

– Ўқув-семинар қатнашчилари ҳукуматимиз томонидан тизимга киритилган янгиликлар, хусусан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга виза муддатларини узайтириш, уларга чегара ҳудудларига киришлари учун рухсатномалар бериш, у ерларда бўлишларини назоратга олиш тартиби хусусида ҳам анчагина янгиликлардан хабардор бўлдилар, – дейди бошқарма бўлим бошлиғи, подполковник Қ. Зокиров. – Республика ИИВ ЖҚ ва ТҚББ ходимлари эса чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар билан боғлиқ жиноятлар содир этилганда ЖҚБ вакиллари билан ҳамкорликда иш олиб бориш қоидалари ҳақида тўхталдилар. Ходимларга, шунингдек, Андижонда бўлиб ўтган воқеаларга боғлиқ ҳолда паспорт-виза тадбири ўтказилаётган пайтда портловчи моддалар тайёрланаётганлиги аниқланган объектда хавфсизлик чораларини кўриш, ҳозирги вақтда террорчилар томонидан қўлланилаётган портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари тўғрисида ҳам умумий тушунчалар берилди.

Тадбир қатнашчилари Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ да бўлиб, ходимлар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Абу КЕНЖАЕВ.

Суратда: *ўқув-семинар пайти.*

Муаллиф олган сурат.

«Ғалла – 2005»

ҲАМИША КАМАРБАСТАМИЗ

Андижон вилояти ғаллакорлари жорий йилда 74262 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил яратдилар. Айни кунларда вилоятда ўрим-йиғим ишлари қизғин олиб борилмоқда. Пишиб етилган ҳосилни нобудгарчиликларсиз йиғиштириб олиш ҳамда омборларга етказишда хавфсизликни, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишни таъминлашда ЙПХ ходимларига катта масъулият юкланди.

Вилоят бўйича бу йилги мавсумга 1200 дан ортиқ автотранспорт, 244 та ўрим комбайнлари жалб этилган. Бугунгача мазкур транспорт воситаларининг техник ҳолати йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан текширувдан ўтказилди.

Мавсумда иштирок этадиган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари техника ва механизмларни носоз ҳолда бошқармаслиги, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиши, ҳосилни қабул пунктларига ташишда нобудгарчилик ҳамда талон-торожликка йўл қўймасликлари тўғрисида огоҳлантирилди. Шунингдек, вилоятдаги ҳар бир хўжаликда ғалла нобудгарчилигининг олдини олиш ва ҳосилни давлат омборларига беталофат етказиш мақсадида автоназорат машиналари ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, асосий мақсад-ғалла ҳосилини тез кунларда ўриб-йиғиб олиш экан биз, ички ишлар ходимлари бу хайрли ишда ғаллакорларга ҳамиша камарбастамиз.

Бахтиёр АҲМАДОХУНОВ,
вилоят ИИБ ЙҲХБ бошлиғи, полковник.

Мамлакатимизда ғалла ўрим-йиғими мавсуми қизғин давом этаяпти. Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари деҳқонлари давлатга ғалла топшириш мажбуриятини бажариб, маррага биринчилардан бўлиб етиб келдилар.

РИЗҚИМИЗ МЎЛ БЎЛАДИ

Қашқадарё вилояти Қамаши туманида ўрим-йиғим ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаётир. Туманда 20 та хўжаликка ғалла экилган бўлиб, 27108 тонна ҳосил йиғиштириб олиш кўзда тутилган.

Мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш, ёнғин ҳолатларига йўл қўймаслик, доннинг исроф бўлиши, ўғирлик ва талон-торож қилинишига қарши кураш, йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда туман ички ишлар бўлими тегишли хизматлари ходимлари саъй-ҳаракатини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Улар кечаю кундуз ғаллакорлар билан елкадош бўлиб, фаолият юритишмоқда.

Туманнинг ҳар бир ҳудудида мунтазам ЙПХ масканлари ташкил этилган. Битта ҳаракатдаги ЙПХ маскани ходимлари ғаллани даладан дон қабул қилиш пунктига ҳеч бир нобудгарчиликсиз етказиб берилишини таъминлашаётир.

Ҳозиргача улар биронта нохуш ҳолатга йўл қўйгани йўқ. Кўпгина хўжаликларда ҳосил ўриб-йиғиб олинди. Ишлар шу зайлда давом этса давлат режаси ортиғи билан бажарилади, мажбурият ҳам албатта уддаланади.

Соҳибжамол АМИНОВА.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



АҚЛДАН ОЗГАН БЎЛИШИ МУМКИН

Шимолий Италиянинг Богоньо шаҳрида фожиа юз берди, дея хабар қилади "Spiegel" журнали. Компьютер бўйича мутахассис Анжело Сакко уйини баррикадага айлантириб, полициячиларга қарши ўқ узган.

Воқеа қуйидагича тарзда юз берди. Суд ижрочиси бир неча полициячи ҳамроҳлигида унинг уйига келиб, эшик қўнғироғини жиринглатишади. Шунда Сакко эшикка қарата ўқ ота бошлаган. Журналнинг маълумотларига қараганда, суд ижрочиси ва икки полициячи ўлган. Яна олти полициячи ва икки оддий фуқаро яраланган.

Аниқланишича, хусусий фирмаси инқирозга учрагач, Сакко қарзга ботади. Суд кредиторларга товон пули тўланиши учун унинг хонадонини кимошди савдосида сотиш ҳақида ҳукм чиқаради.

Анжело бир пайтлар тоғ ўқчилари бўлинмасида хизмат қилган, тажрибали овчи экан. Унинг уйида милтиқлар ва карабинларнинг бутун бошли коллекцияси сақланар, қуролларнинг ҳаммаси мойланган, жанговар шай ҳолатда эди.

Полициячилар билан Сакко ўртасида отишма бошлангач, унинг оила аъзолари ертўлага тушиб беркинишди. Отишма тўққиз соат давом этди. Фақат ярим тундан сўнггина махсус бўлинма жангчилари уйни забт этишга муваффақ бўлишди. Полициячиларнинг сўзларига қараганда, улар хонага киришганида Сакко диванда хомуш ўтирар эди. У ортиқ қаршилик кўрсатмаган.

КОНМИСАН КОН

Ҳиндистоннинг Андра Прадеш штатида Кришна ва Годавари дарёлари оралиғида улкан газ кони топилди. Захира 50 миллиард доллар миқдорида баҳоланаяпти. Унинг ишга туширилиши мамлакатда қазиб олинаётган газ ҳажми икки баробарга кўпайиши имконини беради.

Сўнгги пайтларда мамлакатда жиддий энергия танқислиги сезилаётган эди. Шунинг учун Эрон билан суюлтирилган газ сотиб олиш борасида битим имзоланган, шунингдек, транснационал газ қувури қурилиши масаласи кўриб чиқилаётган эди. Бу газ қувури ишга тушгач, Эрон Ҳиндистон ва Покистонга ҳар йили 2,8 млн тонна суюлтирилган табиий газ етказиб бериш имкониятига эга бўлади. Янги кон 2007 йилда ишга туширилиши режалаштириляпти.

ИССИҚ ЗАБТИГА ОЛЯПТИ

Олимларнинг ер юзида иқлим ўзгараётгани ҳақидаги фаразлари тўғри, шекилли. Италияда ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиши оқибатида 15 киши оламдан ўтди. Улар асосан меъёридан ортиқ иссиқни кўтара олмаган кексалардир. Мамлакатнинг айрим ҳудудларида ҳавонинг ҳарорати +45 даражага етди. Натижада Милан шаҳрида тўрт қария, Виченца провинциясида беш киши, яна олти одам эса Венеция, Пистойа, Тренто, Алессандрия ва Падуя шаҳарларида вафот этишди. Сўнгги пайтларда Италия шимолида ҳарорат деярли эллик даражага кўтарилиб кетди.

Метеорологларнинг огоҳлантиришича, бундай об-ҳаво шароити ҳафтанинг охиригача сақланиб қолиши мумкин. Шунинг учун кексалар ва хаста кишиларга вақтини иложи борича салқин хоналарда ўтказиш тавсия этилмоқда.

Ҳавонинг исиши нафақат кишилар саломатлигига, балки электр таъминотига ҳам салбий таъсир этиши мумкин. Энергетиклар аксар аҳоли кондиционер (совуткич)лардан фойдаланиши оқибатида, электр қуввати сарфи кескин ортиб, станциялар иши қийинлашишидан хавотирда.

Россияда шунга ўхшаш ҳодиса қайд этилди. Кеча эрталаб Амур вилоятининг Благовешенск шаҳрида аҳоли яшайдиган ҳудуднинг катта қисми электр таъминотисиз қолди.

Кунчиқар мамлакатда ҳам иссиқ забтига оляпти. Ўтган яқин кунлар ичида биргина Токио шаҳрида 48 кишини офтоб уриб касалхонага ётқизилди. Улардан икки нафарининг аҳволи оғир. Иссиқ ҳаводан ҳаммадан ҳам кўра Ҳиндистон аҳолиси кўпроқ жабр кўрди. Мамлакатнинг жануби-шарқида сўнгги ўн кун ичида ҳаво ҳарорати 50 даража атрофида бўлаяпти. Офтоб уриши натижасида бу ерда ўлганлар сони 370 кишига етди.

УЧУВЧИЛАР ҲАЛОК БЎЛИШДИ

Ўтган куни кечқурун Бразилия Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли вертолёт Рио-де-Жанейро университети биноси устига қулаб тушди. Ҳар иккала учувчи ҳам ҳалок бўлган. Таълим муассасаси ходимлари ва талабаларига зиён етмаган.

"Вертолёт бино бурчагига урилиб, бир қисмини вайрон қилиб, портлаб кетган, – дейди қутқарувчилар бригадаси матбуот котиби Рони Азеведо. – Бу пайтда бинонинг ичида ҳеч ким йўқ эди. Афсуски, учувчилар ҳалок бўлишган. Уларнинг таналари ёнғин пайтида шу даражада куйганки, ҳозирча жасадларни топишнинг имкони бўлмаяпти".

Мамлакат ҳарбий прокуратураси мазкур ҳалокат юзасидан тергов ишлари олиб бораяпти.

ЯНГИЧА «УСУЛ»

Непалда айирмачилик ҳаракатлари тез-тез турли кўринишларда намоён бўлиб туради. Маълумки, ушбу мамлакатда конституцион монархия ҳукм суради. Маочилар партияси аъзолари мавжуд тузумга қарши кураш олиб боришади. Улар ўз ташвиқот-тарғиботларини олиб боришнинг янгича "усул"ини ўйлаб топишди. Яъни, сўнгги пайтларда тинч аҳоли вакилларини, айниқса, ўқувчиларни ўғирлаб, ўзларининг яширин лагерларига олиб бориб, ўз мафкуралари бўйича маъруза ўқишиб, бир неча кунлик сабоқлардан сўнг асирларини қўйиб юборишади.

Яқинда маочи исёнчилар Непалнинг Канчанпур штатидаги Катманду шаҳрида бир йўла икки юз элликка яқин кишини ўғирлашди. Улардан 90 нафари юқори синф ўқувчиларидир. Ҳозиргача асрлар қаерда сақланаётгани номаълум. Баъзан тутқинликда сақланганларни ноқонуний ҳарбийлашган бўлинмаларда хизмат қилишга ҳам мажбурлашар экан.

Непал мунтазам армияси расмий вакилларининг маълумотларига қараганда, айирмачилар сафларида 10 минг нафарга яқин қуролланган жангари бор. Канчанпурда юз берган отишма чоғида камида 28 киши ҳалок бўлди. Уларнинг 12 нафари мамлакат хавфсизлик хизмати ходимларидир. Расмий маълумотларга қараганда тўқнашув шанба куни юз берган.

Хавфсизлик кучлари гуруҳи ҳудудни кўздан кечириб юрганида уларга йирик маочилар тўдаси ҳужум қилиб қолган. Гувоҳларнинг айтишича, исёнчилар бир неча юз киши бўлган. Бир неча соат давом этган жанг чоғида кўплаб жангарилар йўқ қилинди. Айирмачилар 1996 йилдан буён қонуний ҳокимиятни ағдариб ташлаш йўлида кураш олиб боришяпти. Ўтган давр мобайнида турли тўқнашувлар чоғида жами 11 мингга яқин киши ҳалок бўлди. Ҳокимият вакилларининг тинч музокаралар олиб бориш йўлидаги барча уринишлари зое кетмоқда. Чунки исёнчилар ўз мақсадларига қурол кучи билан эришишни маъқул кўришмоқда.

МУҲИМ БАЁНОТ

ХХР ҳукумати Матбуот котиби Хитой раҳбари Ху Цзиньтао ва Тайвань Президенти Чэнь Шуйбянь ўртасида учрашув фақат Хитой ҳудудидагина бўлиши мумкинлиги ҳақида баёнот берди. У шунингдек Хитой ҳукумати 1992 йилда эришилган консенсусда мустаҳкамлаб қўйилган "ягона Хитой" тамойилини қўлловчи оролдаги ҳар қандай сиёсий куч ва ҳар қандай сиёсатчи билан музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини таъкидлади.

Эслатиб ўтамиз, Чэнь Шуйбянь Хитой раҳбарига Тайванга ташриф буюришни таклиф қилган ва ХХР ҳукуматини орол маъмурияти билан бевосита музокаралар олиб боришга чақирган эди.

СУВ ТОШҚИНИ

Покистонда Қобул ва Сват дарёларининг тошиши сабабли тўрт мингдан зиёд аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчиришга тўғри келди. Қутқарув ишларига армия бўлинмалари ҳам жалб этилди. Мамлакат Бош вазирининг айтишича, сув тошқинидан жабр кўрганларга 100 миллион рупий миқдорида ёрдам ажратилган. Дарёларнинг тошишига бир неча кун давомида ҳаво ҳарорати кўтарилиб, тоғлардаги қор ва музликларнинг эриши сабаб бўлган.

Маърифат дарси

ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИДИР

Мана, қарийб 14 йилдирки, Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси ва халқаро ташкилотларнинг ўзаро тенг ҳамкорлик қилаётган фаол иштирокчисига айланди. Ана шу ўтган давр мобайнида мамлакат парламенти БМТ талабларини бажариб, инсон ҳуқуқларига оид асосий халқаро ҳужжатларни ратификация қилди.

Зеро, XXI асрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар фаолиятининг диққат марказида инсон, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари турибди. БМТ Низомининг 55-моддасига мувофиқ, БМТ халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойилини ҳурмат қилишга асосланган миллатлар ўртасида тинчлик ва дўстона муносабатлар учун зарур барқарорлик ва фаровонлик шароитини вужудга келтириш мақсадида "Инсон ҳуқуқларига, кишиларнинг ирқи, жинси, тили ва динидаги тафовутлардан қатъий назар, ҳамманинг асосий эркинликларига ялпи ҳурмат билан қараш ва уларга риоя қилишга кўмаклашади". Бу жаҳонда давлатлар ўртасида халқаро муносабатларни ривожлантиришнинг стратегик йўлидир. Бугунги кунда халқаро ташкилотлар иштирокчиси бўлган давлатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳам бевосита инсон ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик меъёрларини қабул қилмоқда ва такомиллаштирмоқда.

Хўш, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғоялар қачондан шаклланган? Бугун хорижий оммавий ахборот воситалари билиб-билмай Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари топталмоқда, деб бутун дунёга жар солаётган бир пайтда, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг узоқ тарихи ва ўтмишига бир назар ташласак. Маълумки, туркий халқлар, уларнинг ўзагини ташкил қилган ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан аллома ва мутафаккирлар жаҳон илм-фани ва маданиятининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшганлар. Инсонни қадрлаш, ҳурмат қилиш ҳамда уни маънавий етукликка чорловчи илмий, ахлоқий, диний ва ҳуқуқий қадриятлар халқимиз турмуш тарзи, урф-одати ва миллий маданиятимизда муҳим ўрин олган. Жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Ибн Умар Аз-Замаҳшарий, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Муҳаммад Нақшбандий ва бошқа буюк алломаларнинг кўпгина асарлари бугунги кунда ҳам жаҳоннинг кенг илмий жамоатчилигини ўзига жалб этиб келмоқда. Айниқса, уларда илгари сурилган инсонни қадрлаш, эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фикр-мулоҳазалар таҳсинга лойиқдир. Масалан, Абу Наср Форобий ўзининг "Маданиятли шаҳар аҳолисининг қарашлари" асарида "Фозил жамиятда адолат ва ҳақиқий саодат бўлиб, у жамият билимдон ҳукмрон томонидан бошқарилиши, у жамиятда тартиб-қоида ўрнатилган бўлиб, жамият аъзолари орасида бирлари билан ёрдамлашиш руҳи кучли бўлиши" таъкидланган.

Натижада одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиб, зарарли ишлардан узоқ юрилган. Бундай жамиятда инсонлар тинч ва бахтиёр ҳаёт кечириши эътироф этилган. Шунингдек, буюк мутафаккир, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ўз даврида қонун олдида инсонлар ижтимоий ўрни, мансаби ва мавқеидан қатъий назар тенг бўлишини алоҳида таъкидлаган. Ўтмишдаги улуғ аллома ва донишмандларимизнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шу каби фикрларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Тарихий манбалардан маълумки, Ўрта Осиё олиму уламолари ҳамда донишмандлари мусулмон ҳуқуқига алоҳида эътибор қаратиб, унинг мислсиз ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Улар Ислом дунёси саҳнасида мусулмон ҳуқуқининг тенгсиз билимдонлари – Қуръон шарҳловчилари ва муҳаддислар сифатида ном қозониб, улар яратган асарлар, шарҳлари Ислом маданияти ва ҳуқуқшунослиги ривожига катта таъсирини ўтказган. Ушбу асарларда инсонни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари, жиноят ва жазо билан боғлиқ муносабатлар ҳақидаги қоидалар ҳар томонлама ва мукаммал тартибга солинган.

Мовароуннаҳрда ёзилган ҳуқуқий асарлар ва улар асосида тузилган ҳужжатлар инсоф, диёнат, ҳалоллик, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, келишувга қатъий риоя қилиш, етимесирлар, ногиронлар, кексалар, фақир-мискинлар ҳақида ғамхўрлик қилиш, адолат, инсонпарварлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат ғоялари билан суғорилганлиги алоҳида диққатга сазовордир.

Ғаразгўйлик, ҳасадгўйлик, ҳақсизлик, алдамчилик, фирибгарлик, фоҳишабозлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, порахўрлик, шуҳратпарастлик, бировнинг ҳақидан уриб қолиш, тарозидан кам тортиш ва кам ўлчаш кабилар кескин қоралланган ва бундай хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари қўллаш белгиланган. Бундан ташқари, уларнинг асарларида фақат ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этишда айбдор бўлиб, айби исботланган шахсларнигина жавобгар қилиш, жиноятчига нисбатан жазо тайинлашда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш, қасддан оғир жиноят содир этганларга нисбатан жамоат таъсир чораларини қўллаш, жиноятчиликка қарши курашда жамоатчилик ўрнининг мақомини ошириш, жазонинг ижросини халқ кўзи олдида амалга ошириш каби қоидалар ўз аксини топган. Ҳуқуқбузарларнинг хулқ-атвори жамоа ўртасида, турли йиғинларда муҳокама қилинган. Бу эса аҳолининг ҳуқуқий қоидалардан хабардорлик даражасини ошириш, ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш, кишиларни мавжуд қонун-қоидаларга ҳурмат ва шариат меъёрларига итоатгўйлик руҳида тарбиялаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутган.

Бундан хулоса шуки, бугунги кунда баъзи бир хорижий оммавий ахборот воситалари, халқаро нодавлат ташкилотлар вакилларига Ўзбекистоннинг узоқ тарихига бир назар ташлаб, ўтмишда ва бугунги кунда ҳам бу заминда инсон доим улуғланган, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши, инсонлар орасида тенг ҳуқуқлилик, тинч-тотув яшаш ғоялари доимо тарғиб қилиб келинаётганини эслатиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, Ўзбекистон кўҳна ва бой тарихга эга бўлган мустақил давлатдир. Чунки, ўзбек давлатчилиги тарихи ўз илдизлари билан уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади.

Мустақил ўзбек давлатчилиги пойдеворига буюк аждодларимиз бўлмиш олиму донишмандлар, давлат арбоблари, буюк саркардалар тамал тошини қўйган бўлишса, Ўзбекистон раҳбари И. А. Каримов томонидан 1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилиниши, ўзбек халқининг асрий орзуси ва олиб борилган машаққатли курашининг маҳсулидир.

Ана шундай халқнинг ва отабоболаримизнинг асрий орзуси бўлган мустақилликни кўз қорачиғидек асраб авайлаш ҳар бир Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг муқаддас бурчидир.

Муҳтарам Президентимиз Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида "Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад, тенгсиз олий неъмат-мустақилликни бундан буён ҳам асраб авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади" деб таъкидлаган эди.

Шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, инсон ҳуқуқларига давлат аҳамиятига молик масала сифатида эътибор берила бошланди.

Демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақиллигимиз қомуси бўлмиш Конституциянинг асосий тамойили, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий сиёсий тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши ва асосий мақсадидир.

Тарихдан маълумки, инсоният ўз ривожланиши жараёнида демократия ва инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратган. Демократия ва инсон ҳуқуқлари ғояларининг қарор топиши мустақил Ўзбекистонда ҳам истиқлол йилларида яққол намоён бўлмоқда. Бугунги кунда республикамизда ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий, ташкилий, маънавий-мафкуравий ва халқаро ҳуқуқий асослари яратилган. Булар:

а) Ҳуқуқий асослар – инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчилик тизими барпо этилди. Жумладан, парламентимиз томонидан Асосий Қонун – Конституция, 15 та кодекс ва 400 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ана шу қонунлар, энг аввало, инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, ҳозирги кун талаблари ва бозор инфраструктурасини шакллантириш манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Булардан 100 дан ортиғи инсон ҳуқуқларига тааллуқлидир.

б) Ташкилий асослар – инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) шуғулланади. Бугунги кунда Омбудсман билан бирга бошқа демократик институтлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Булар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтидир.

Бугунги замон талабидан келиб чиқиб, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нодавлат ташкилотлар ва уюшмалар сони кўпаймоқда. Булар турли жамғармалар, марказлар, бошқа нодавлат ташкилотлардир. Жумладан, "Соғлом авлод учун", "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маънавият ва маърифат" маркази, Аёллар қўмиталари, Судьялар, Адвокатлар уюшмалари, Касаба уюшмалари Марказий Кенгаши, Тошкент Давлат юридик институти қошидаги Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланаётган қўмита ва бошқаларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

в) Маънавий-мафкуравий асослар – инсон ҳуқуқлари бўйича таълим тизими шаклланди. Бир қанча илмий адабиётлар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар чоп этилди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини илмий-мафкуравий "изм"лардан ҳоли тадқиқ этиш асосан XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида бошланди. Айниқса, 1996 йил 29 августда бўлиб ўтган Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидан сўнг инсон ҳуқуқларини ўрганиш ва уни тадқиқ этиш масаласига эътибор янада кучайди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан барча мактаб ва олий ўқув юртларига инсон ҳуқуқлари бўйича махсус ўқув курслари киритилди.

г) Халқаро-ҳуқуқий асослар – инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик, халқаро шартномаларга қўшилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш тизими яратилди. Жумладан, инсон ҳуқуқларига оид кўпгина халқаро ҳужжатлар парламентимиз томонидан ратификация қилинди.

Мамлакатимизда қонун устуворлиги, ислоҳотларни босқичма-босқич жорий этиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш айнан фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсади йўлида амалга оширилмоқда ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришни кун тартибига қўймоқда. Шунинг учун ҳам Иккинчи Чақириқ Олий Мажлиснинг I сессиясида сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларни эркинлаштиришга қаратилган стратегик дастур қабул қилинди. Ушбу Дастур асосида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш ва бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш бўйича ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Хусусан, инсон ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича миллий мониторинг тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Албатта, демократиянинг барпо этилиши мураккаб жараён, унинг қад ростлаши фақат сиёсий ўзгаришларга эмас, балки мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий ўзгаришлари ва ривожланишига ҳам боғлиқ. Демократияга ўтиш бутун сиёсий корпусга, уни ташкил этган барча индивидларга ҳам, улар ўртасидаги ижтимоий муносабатларга ҳам бирдек тегишлидир. Шунинг учун Ўзбекистонда демократия кимгадир ёқиш, кимгадир ҳисоб бериш учун эмас, балки у ўзбек халқининг мақсадларига жавоб бериши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган бўлишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Лекин демократияни бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга экспорт қилиб бўлмайди. У ҳар қайси халқнинг минг йиллик анъаналари, миллий қадриятлари ва замонавий дунёқараши негизида, табиий равишда вужудга келиши лозим. Тарих ва ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, демократияга ҳар қандай жамият босқичма-босқич эришган тақдирдагина у самара бериши мумкин.

– Демократия – бу халқ хоҳиш-иродасининг ҳукмронлигидир, – деб таъкидлади Ислом Каримов. – Шу боис ҳам бугун мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг маъ-

но-моҳияти, мезони битта – у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.

Демократик фуқаролик жамияти қуришнинг муваффақияти аҳоли кенг қатламларининг энг аввало Ватанга ва демократия ғояларига содиқлигига, улар иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётининг барча жабҳаларида фаол қатнашишига, кўпчилик фикрини ҳурмат қилишга, демократик институтлар ва доно сиёсий раҳбарият мавжудлигига боғлиқдир. Демократияни ҳеч бир давлатда тезда қуриб бўлмайди. Айниқса, собиқ Иттифоқ даврида ҳукм сурган тоталитаризмнинг кўп йиллик ҳукмронлигидан сўнг бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий-ҳуқуқий тизимларни ўзгартириш суръати одамларнинг онги ва қарашлардаги ўзгаришлардан тезроқ кечади.

Афсуски, 12 майдан 13 майга ўтар кечаси Андижонда бўлиб ўтган фожиали воқеалар баъзи бир фуқароларимиз, айниқса, енгил-елпи яшаш иштиёқида бўлган ёшларимизнинг онги ва қарашларининг замон талаби даражасида ўзгармаётганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда маҳаллий ҳокимият вакиллари, фуқаролар йиғинлари, маҳалла оқсоқоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларидан тортиб, оддий фуқарогача замон билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлиши, иш услубларини бугунги кун талабларига мослаши лозим. Шу билан бирга, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросида ватанпарварлик туйғуси ва миллий ғурур бўлиши зарур. Ўз юртимизни, ўз уйимизни асраш учун ҳар биримиз масъулмиз. Шундай экан, маҳалла ва ҳар бир меҳнат жамоасида соғлом муҳит масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Чунки қаерда соғлом муҳит бўлмаса самарали ютуқларга эришиш мушкул. Соғлом муҳит бор жойда ҳар бир инсонда миллий ғоя, ҳуқуқий маданият, ўз халқини ҳурмат қилиш ва она-Ватанни севиш туйғуси тезда шаклланади.

Жон азиз, аммо жондан ҳам азиз буюк неъмат бор. Бу она-Ватандир. Биз учун энг олий мақсад – бу халқимиз ва она-Ватанимиз манфаатидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, серқуёш Ватанимиз, халқимиз осойишталигини таъминлаш учун ҳар биримиз Юртбошимиз атрофига жипслашиб, Ўзбекистон мустақиллигини кўз қорачиғидек авайлаб асраш ва унинг сарҳадларини ёвуз кучлардан қўриқлашда доимо сергак туришимиз керак.

Муҳтарам Президентимиз айтганларидек, биз учун энг катта бойлик юртимизнинг тинчлиги ва халқимизнинг омонлигидир. Зеро, бунинг учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўз она-Ватани ва халқи учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр турмоғи лозим.

А. САТТОРОВ,
юридик фанлари доктори.

МАЪРИФАТ ДАРСЛАРИ МАВЗУЛАРИ РЕЖАСИ

Маълумки, республика ички ишлар идоралари шахсий таркиби ўртасида ўтказиладиган Маърифат дарслари мавзулари "Постда" газетаси саҳифаларида бериб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида ички ишлар ходимларининг маънавий-маърифий савиясини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаяпти. Шу боис, ортиқча қоғозбозликнинг олдини олиш ҳамда тингловчиларга қулайлик яратиш мақсадида мазкур дарсларнинг тахминий мавзуларини ҳар чорак олдидан газета саҳифаларида бериб бориш лозим топилди.

Эътиборингизга республика ички ишлар идоралари шахсий таркиби билан 2005 йил III чораги давомида ўтказиладиган Маърифат дарсларининг намунавий мавзулари режасини ҳавола этаяпмиз.

т.р.	Мавзунинг номи	Ўтказиш вақти
1.	Ватан ва халқ манфаати – давлат сиёсатининг устувор йўналишидир.	4 июль
2.	11 июль – Жаҳон халқлари куни. Ўзбекистон – аҳил оила.	11 июль
3.	Огоҳлик, ҳушёрлик ва зийраклик – осойишта турмуш асоси.	18 июль
4.	Бошқарув тизими ва суд ислоҳотлари.	25 июль
5.	1 август – Маҳаллалар куни. Маҳалла – тарбия мактаби.	1 август
6.	Дунёвийлик-даҳрийлик эмас, ёхуд "Ҳизб-ут-таҳрир"нинг даъволари хусусида мулоҳазалар.	8 август
7.	А. Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асари – миллий романчилигимиз асоси.	15 август
8.	А. Орипов шеъриятида Ватан туйғуси	22 август
9.	Мустақиллик ва ҳуқуқ	29 август
10.	2 сентябрь – лотин ёзувига асосланган Ўзбек алифбосига ўтиш ҳақида Қонун қабул қилинган кун. Янги алифбомиз фазилатлари.	5 сентябрь
11.	XXI аср – ғоялар кураши асри. "Интернет" тармоғи орқали берилаётган материаллар ортига яширинган ёт ғоялар хусусида.	12 сентябрь
12.	Адабиёт – атомдан кучли. Қалам ва қурол тинчлик учун хизматда. Адабиётшунос олимлар билан суҳбат.	19 сентябрь
13.	Устоз – отангдек улуғ. 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан.	26 сентябрь

Изоҳ: мавзулар "Постда" газетасининг «Маърифат дарси» рукни остида бериб борилади. Зарурат туғилганда режага ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Вазирлик Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати.

Муносабат

ТЕРРОРИЗМ – АСР ВАБОСИ

Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда халқаро майдонда тинчлик ва барқарорликка нисбатан турли таҳдидлар кучайиб бораётган бир пайтда сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш ўта муҳим масаладир. Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон геостратегик мавқеи билан жаҳондаги кўплаб давлатлар ва сиёсий кучларнинг диққат-эътибори ва қизиқишини ўзига тортиб келаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу масаланинг моҳияти янада ойдинлашади.

Президент И. Каримов таъкидлаганидек, бирор-бир давлат ёки ҳудуддаги нотинч вазият, қарама-қаршилик, фуқаролар уруши ёки барқарорликнинг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар ҳеч қачон шу ҳудуд чегарасида узоқ вақт сақланиб қолмайди. Улар вақт ўтгач, чегаралардан ошиб, қўшни давлатлар ҳудудига тарқалиб кетиши муқаррар. Дарҳақиқат, Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари Ўзбекистон ҳаётида тасодифан бўлган воқеа эмаслиги вақт ўтган сари тобора аён бўлиб бормоқда. Хусусан, олиб борилаётган дастлабки тергов ишлари натижасида бу машъум сиёсий фитнага олдиндан пухта тайёргарлик кўрилгани, уни амалга ошириш билан боғлиқ қабиҳ режалар қачон ва қаерларда ишлаб чиқилгани, кимлар бу ҳаракатнинг ташкилотчилари эканини кўрсатадиган далил ва маълумотлар қўлга киритилмоқда.

Ўзбек халқининг асрий орзуси бўлган юртимиз мустақиллигини кўролмайдиган бир тўда фитначиларнинг жиноятлари ила Ўрта Осиё, аниқроғи, Туркистон гавҳари – Фарғона водийсида, хусусан, Андижонда давлат, конституцион тузум ва халққа қарши содир этилган кўнгилсиз воқеалар халқаро терроризмнинг илдизи анча чуқур эканлигини яна бир бор исботлади. Маълумки, Аллоҳнинг каломи – Қуръони каримда "Фитна–қотилликдан ёмонроқ жиноятдир", дейилган. Бу кимсалар Андижондаги террорчилик хуружи билан ҳам фитнага, ҳам қотилликка қўл урдилар. Водий халқи, шу жумладан, андижонликлар ҳеч қайси замонларда фитнага аралашмаган. Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу хатти-ҳаракатга аралашиб қолганлар, мамлакат душманларининг ташқаридан туриб қилган алдовлари ҳамда бебурд ваъдаларига учганлар.

Андижондаги террорчилик ҳаракатларининг иштирокчилари – уларнинг номи "Ҳизб-ут-таҳрир"чи ёки "Акромийлар" бўладими, бундан қатъий назар, бу жиноятчи, манфур, ғаламис кимсаларнинг кирдикорлари халқимиз, жамоатчилигимиз учун янгилик эмас. Биз бундай бузғунчи тўдаларнинг мақсадларини дастлаб Наманганда (1991 йил декабрь, 1996-1997 йилларда), кейинчалик 1999 йил 16 февралда, 2000 йилда Сариосиё, Узун ва Бурчмуллада, 2004 йилда Ромитан тумани ва Тошкент шаҳрида амалга оширилган қўпорувчиликлар мисолида кўрган эдик. Аслида бу разил террорчи кучларнинг номи ҳар хил, лекин мақсади бир. У ҳам бўлса, содда одамларни ёлғон ваъдалар билан лақиллатиш, юртимиздаги конституциявий тузумни, қонуний ҳукуматни зўрлик билан ағдаришга уриниш, тинч-осойишта ҳаётни издан чиқариш, шу тариқа Ўзбекистонни ўз танлаган тараққиёт йўлидан қайтариш, мамлакатимизнинг мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориш ҳаракатига йўл бермаслик ва охир-оқибатда ўзига қарам қилиб, унинг ноёб бойликлари, ер ости заҳираларига эгалик қилиш – мана уларнинг асл нияти, мақсади. Айнан шу йўл билан улар ўзларининг узоқ ва давомли геостратегик режаларини амалга оширмоқчи.

Андижонда содир этилган фожиа иштирокчилари ақлини йўқотган, диний экстремизм таъсирида манқуртга айланган, халқнинг тинч ҳаётини кўролмайдиган қора кучлар эканлиги аён бўлди. Аммо бугунги вазиятнинг хавфли томони шундаки, бу террорчи тўдаларнинг ортида улардан ўз манфаати йўлида фойдаланишни кўзлаган, катта молиявий маблағ ва таъсирга эга сиёсий кучлар турганини тушуниш қийин эмас. Бундай кирдикорлар барибир фош этилади, бироқ одамларимиз ўз фикри, ақл-заковатига таяниши керак. Андижонда рўй берган воқеалар атрофида айрим хорижий мамлакатларда, баъзи оммавий ахборот воситаларида кўтарилаётган шовшув ва уйдирмалар кимнинг манфаатига хизмат қилишини англаб олиш лозим.

Халқимиз шуни билиши керакки, дунёдаги жамики тўнтаришларнинг ҳаммасини асосан четдан одамлар келиб қилган. Иккинчиси, хорижлик журналистлар ёки интернет орқали ахборот тарқатаётган "арбоб"лар ҳаракатида битта қонуният кўзга ташланади. Бу ҳақиқий воқеани очиш эмас, ҳиссиётни жунбушга келтиришни мақсад қилиб қўйишдир. Туҳматнинг тагида албатта ҳокимиятни эгалаш мақсади ётганлигини чуқур англаб етмоқ лозим. Мана, Англия матбуоти қисман бизга қарши гапираяпти. Ҳукумати, ташқи ишлар вазири, матбуоти... Англия нима учун шундай қилаётганлигини бир ўйлаб кўрсак. Бу давлатнинг собиқ бош вазири Уинстон Черчеллнинг бир гапи бор: "Англиянинг доимий дўстлари йўқ. Унинг абадий манфаатларигина бор", Манфаат ўзгардими, у дўстликни ҳам икки чақага олмайди. Англиянинг шундай манфаатпарастлик хусусияти, албатта, Америка учун ҳам, Европадаги бошқа мамлакатлар учун ҳам хосдир.

Ана шу жойда биз Президентимиз айтганидек, ўзи киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимларнинг фарзандимиз, ота-боболаримиз ким бўлган, деган саволлар устида чуқурроқ ўйлаб кўришимиз керак. Шу ўринда Юртбошимизнинг мана бу сўзлари ҳар биримизга дастуриламал бўлиши лозим: "Мен олдин ҳам айтган ва ҳозир қалбимда ҳис қилаётган туйғуларни халқимнинг олдида, юртдошларимнинг юзига қараб, очиқ айтишим лозим: мен халқимнинг озодлиги, юртимнинг мустақиллиги учун, керак бўлса, жонимни бераман, лекин ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди".

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Долзарб мавзу

«ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ»

"Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан". Бу ибора истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимиз Президентининг воқеликларни олдиндан кўра билиб айтган сўзлари эди. Бу қарийб ҳикматга айланиб улгурган сўзларнинг маъноси шунчалар чуқур кетган эканки, бугунги замонимизга келиб, унинг қанчалар залворли, қанчалар қудратли чақирув эканлиги кундек равшан бўлиб қолди.

Мустақиллигимизни ўз қаричи билан ўлчайдиган, миллий демократия руҳи билан суғорилаётган фуқаролик жамиятимизни ўз қолипига солиб, камчиликлар топишга уринаётган айрим корчалонлар учун Юртбошимиз аллақачонлар муносиб жавоб бериб қўйган эканлар. Бугун ривожланиш даврида ўз йўлимизни яратганимиз, ўз мафкурамизга эга бўлганимиз, бошқалардан ёрдам сўрамасдан, буюк аждодларимиз амалларидан оқилона фойдаланган ҳолда мисли кўрилмаган суръатда олға интилаётганимиз ўзини гегемон санаб келаётган айрим сиёсатдонларга ёқмаётганлиги, турли йўллар билан бўлса-да, таъсир кучини кўрсатишга интилаётганлигини бугун ҳамма жуда яхши тушуниб қолди.

Андижонда бўлиб ўтган воқеалар илдизи соат-кун ўтган сайин ҳақиқий юзини кўрсатмоқда. Айрим хориж оммавий ахборот воситаларининг "тинч намойиш" деб атаган оломони аслида

кимларнингдир қутқусига учган ғаламислар тўдаси, бир гуруҳ алдов қурбони бўлганлар экани аён бўлгач, энди яна қандай баҳона топиш илинжида юрганларга қарши Президентимизнинг ажойиб бир китоби босмадан чиқарилди. Бу ҳақиқат китоби ҳийлакорларга қарши мардона отилган адолат сўзлари бўлиб кенг жамоатчиликка етиб борди. Бу рисоланинг номиёқ бор мақсадни ошкора айтиб турибди – "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди".

Айни ҳақиқатни ўрганиш учун ҳам, китобнинг номи халқ дилидаги гап бўлганлиги учун ҳам, мамлакатимиз ҳукумати тутган ягона сиёсат моҳияти тўла очиб берилганлиги учун ҳам ушбу тўплам жойларда, деярли барча корхона-ташкилот, муассасаларда батафсил ўрганиб чиқиляпти.

Таъкидлаш жоизки, ушбу асар "Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтаролмайди", "Ҳақиқат – журналистиканинг доимий, ўзгармас қоидаси ва унга амал қилиш шарт", "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" деб номланган бўлимлардан иборат. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг шу йил 12 майдан 13 майга ўтар кечаси Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан 14 май куни Оқсарой қароргоҳида, 17 майда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари, дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманларидаги баёнотлари ҳамда мухбирларнинг саволларига жавоблари ўрин олган. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг ушбу воқеалар билан боғлиқ оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюси ҳам жой олган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ҳам китоб муҳокамасига бағишланган анжуман ўтказилди. Унинг ташаббускори республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти бўлди. Республика "Маънавият ва маърифат" Марказий кенгаши, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтган тадбирда республика Ички ишлар вазирлиги Бош бошқарма, бошқарма, мустақил бўлимлари масъул ходимлари, ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари, курсант ҳамда тингловчилари иштирок этишди.

Анжуманни республика ИИВ Академияси бошлиғи, полковник Х. Зокиров кириш сўзи билан очди.

– Шу йил 13 май куни Андижонда содир этилган хунрезликлар нафақат Ўзбекистон халқи, балки бутун дунёни ларзага солди, – деди нотиқ. – Бугун мазкур террорчилик ҳаракатлари соғлом фикрловчи кенг жамоатчилик томонидан кескин қораланмоқда. Ана шу қўпорувчилик ҳаракатларини бартараф этиш чоғида бир неча нафар ҳуқуқ-тартибот посбонлари – мард ўғлонларимиз азиз жонларини қурбон қилган бўлсалар, баъзилари жароҳат олишди. Ходимларимиз кўрсатган ушбу жасоратлар кимларнингдир қўлида қўғирчоқ бўлган ваҳший кимсаларга Ўзбекистонимизни ҳеч кимга бериб қўймаслигимизни, халқимиз ҳеч кимга тобе бўлмаслигини яна бир бор исботлади. Шунинг учун биз, ички ишлар ходимлари Андижон воқеаларидан тегишли хулоса чиқариб олишимиз, бундай хунрезликлар қайта содир этилмаслиги учун зиммамиздаги масъулиятни тўғри англаган ҳолда хизматни олиб боришимиз лозим.

Анжуманда республика "Маънавият ва маърифат" Маркази раҳбари Қ. Аъзамов маърузаси воқеликка янада ойдинлик киритди.

– Андижон фожиаси террорчилар ва уларнинг ҳомийлари томонидан аввалдан режалаштирилгани, катта тайёргарлик кўриб, амалга оширилгани барчамизга аён бўлди. Бу ҳақда Президентимиз Оқсаройда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган матбуот анжуманида: "Андижон воқеалари ўз-ўзидан, бирданига содир бўлгани йўқ. Бугун бизда бу воқеаларга тайёргарлик кўриш учун унинг ташкилотчиларига камида уч-олти ой вақт керак бўлганини тасдиқлайдиган маълумотлар бор. Андижон кўчаларида содир этилган бузғунчиликлар, айниқса, ҳокимият биносини эгаллаш пайтидаги ҳаракатлар ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилгани шундан далолат берадики, бу воқеаларнинг ҳаммаси олдиндан қаерлардадир пухта режалаштирилган, майда-чуйда деталларигача ҳисоб-китоб қилинган ва кўзда тутилган", дея таъкидлаган эдилар. Шу ўринда ўша воқеалар рўй берган кунларни эсласак. Ўша пайтда мамлакатимизга нисбатан информацион хуружлар авжига чиқди. Айрим хориж журналистлари воқеалар хусусида мутлақо ёлғон-яшиқ хабарларни тарқатишди. Уларнинг асл мақсади Ўзбекистонни ёмонотлиқ қилиб, ҳамкорларимиз кўнглига ғулғула солиш эди. Ўша – бошимизга мусибат тушган кунларда айрим ривожланган давлатлар бизни танқид қилишганди. Нега улар бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлган террорчиларнинг жазосини беришни талаб қилишмаяпти?! Шу ўринда, баъзи ривожланган Ғарб давлатларида диний-экстремистларни таъминлаб турадиган марказлар, ташкилотлар мавжудлигини қандай изоҳлаш мумкин? Лондонда "Ҳизб-ут-таҳрир"нинг ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. "Акромийлар" ҳам "Ҳизб-ут-таҳрир"нинг бир тармоғи ҳисобланади. Ана энди ўзингиз хулоса чиқараверинг, кимлар уларни хаспўшлаётганини. Халқаро терроризм жуда катта хавфга айланиб боряпти. Унга қарши кураш барчага, биринчи галда, ички ишлар ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди, – деди нотиқ.

У, шунингдек, Андижон воқеалари тафсилотларини чуқур ўрганиш мақсадида шу йил 23 май куни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлардан тузилган мустақил комиссия ҳамда хорижий экспертлар ўз фаолиятларини давом эттираётганини қайд этди.

Сўзга чиққан республика ИИВ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари,



юридик фанлари доктори, полковник А. Сатторовнинг маърузаси ички ишлар идоралари ходимлари ўзлари учун жуда кўп нарсаларни билишлари зарур эканлигини кўрсатди.

– Рўй берган мудҳиш фожиа оқибатида юзлаб бегуноҳ одамлар яраланди, қурбон бўлди, – деди А. Сатторов. – Маъмурий ва маданий бинолар вайрон бўлди. Террорчилар тинч аҳоли, гаровга олинганлардан ўзларига қалқон сифатида фойдаланишгани ҳам уларнинг маънавий тубан кимсалар эканлигини кўрсатди. Қўлига қурол олиб, жангарилар сафида жанг қилганлар орасида ақидапарастларнинг "доҳий"лари ва хориждаги раҳнамолари ноғорасига ўйнаб, алданиб қолган юртдошларимиз, ғўр ёшлар ҳам борлиги ачинарли ҳолдир.

Террорчиларнинг асл мақсади мамлакатимиздаги конституцион тузумни ағдариб ташлаш эди. Юртбошимиз улар билан музокаралар олиб борилаётган пайтда: "Сизлар Ўзбекистонда қандайдир халифалик тузиш ва давлатни Конституция орқали эмас, шариат қонунлари асосида бошқариш, гўёки Афғонистон, Покистон, Қирғизистон, Тожикистон каби мамлакатлардан таркиб топган халифаликка бизнинг юртимизни ҳам киритишдек ғаразли ниятларни кўзлаб юрган бўлсангиз, бизнинг ҳам ақлимиз бор. Бизларни ким сайлаган–халқ сайлаган. Сизларнинг сонингиз юз нафардан ошиқроқ бўлса, бизларга миллион-миллион одамлар овоз берган. Биз ана шу одамларнинг ишончи, хоҳиш-иродаси ва ваколатига ҳар томонлама суяниб, давлатни бошқармоқдамиз. Сизлар хомхаёлда юрибсизлар, вақт борида қайтинглар бу нотўғри йўлдан, деб айтдик" дея мурожаат қилган эдилар. Иккинчидан, жангарилар халқ орасида ўзаро низо, ваҳима қўзғатиб, миллий, диний, маҳаллий келишмовчиликларни келтириб чиқармоқчи бўлишди. Бундай уринишларга вақтида чек қўйилмаса, қандай оқибатларга олиб келишини қўшни Қирғизистон мисолида яққол кўриш мумкин. Учинчидан, мамлакатимизда беқарор вазиятни юзага келтириб, четдан қуролланган террорчилик гуруҳлари кириб келишига қулай шароит яратиш эди. Тўртинчидан, бу ҳаракатлар орқасида турган кучларнинг айримлари ҳудудда ислом давлати ўрнатишни, баъзилари эса моддий бойликларга, иқтисодий потенциалга эга бўлишни хаёл қилишганди.

Хўш, нега бундай мудҳиш воқеаларга йўл қўйилди? Авваламбор, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг қонун ва меъёрий ҳужжатларга амал қилишга етарлича эътибор бермаганликлари ҳам маълум маънода сабаб бўлди. Иккинчидан, бошқа соҳаларда бўлгани сингари ички ишлар идораларининг баъзи ходимлари ҳам масъулиятсизлик, масалага юзаки ёндашишдан ҳоли эмас. Учинчидан, кўпчилигимизда жавобгарлик ҳисси етишмайди. Бизга шу эл-юрт осойишталиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш вазифаси ишониб топширилган экан, бунинг учун жавобгарликни тўла ҳис этишимиз керак. Акс ҳолда совуққонлигимиз, лоқайдлигимиз учун қонун олдида ҳам, виждонимиз олдида ҳам жавоб беришимизга тўғри келади. Тўртинчидан, Андижон воқеалари мазкур вилоят ИИБда ижрочилик интизоми бўшаштириб юборилганини кўрсатди. Бешинчидан, Андижон воқеалари нафақат жанговар хизмат,

балки ўқув тарбия жараёнини ҳам талаб даражасида ташкил этилиши зарурлигидан далолат берди. Олтинчидан, қаерда кадрлар қўнимсизлигига йўл қўйилса, ўша ерда хизмат самараси пасайиб кетади. Ходим қисқа муддат у бўлимда, кўп ўтмай бошқа бўлимда, дам у, дам бу лавозимда ишлаб юраверса, хизматнинг пастбаландини, сир-асрорини пухта ўрганмайди. Андижон воқеалари сабабларини ўрганганда бу масала ҳам эътибордан четда қолиши мумкин эмаслиги аён бўлди. Еттинчидан, ходимларимиз замон билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлишлари, иш услубларини бугунги кун талабларига мослашлари лозим. Саккизинчидан, буйруқбозлик билан иш битмайди. Ҳамиша бир қарорга келишдан олдин, мавжуд вазият, юз бераётган воқеалар чуқур таҳлил этилиши, кўпчиликнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилиши, умумлаштирилиши лозим. Тўққизинчидан, ўзаро муносабат – кенг жамоатчилик, аҳоли билан ҳамкорлик масаласини йўлга қўйиш керак. Юқорида санаб ўтилган камчиликлардан ўзимизга тегишли хулоса чиқариб, фаолият олиб борсак халқимизнинг тинчлик-осойишталигини сақлашдек муқаддас бурчимизни шараф билан бажарамиз.

Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши масъул ходими С. Юсупов жумладан шундай деди:

– Ватанга муҳаббат уни қизғонишдан бошланади. Ўзбек ўғлонлари ор-номусли, ғурури баланд эканликлари билан яққол ажралиб турадилар. Ўша кунлари воқеа тафсилотларини ўрганишга хориждан вакиллар чақирилсин, дея аюҳаннос солганларни ватандошимиз дея оламизми? Асло, йўқ. Ватанни мўътабар зот – онага қиёслаймиз. Айтинг-чи, ўз онасини чет эллик текширувчига тафтиш қилдириб қўядиган кишини ким деб аташ мумкин! Ота-боболаримиз "Ватанинг – номусинг" деб бежиз таъкидлашмаган. Бизнинг йигитларимиз ор-номуси юксак бўлган ёшлардир. Ғаламислар-нинг додини бериб қўйиш мақсадида Андижоннинг мард ўғлонлари кўнгилли равишда "Ёш посбонлар" маркази тузишгани ҳам фикримизга далил бўлади. Ўзини шу юртнинг фидойи фарзанди, деб ҳисоблайдиган ҳар бир ўғил-қиз мияси заҳарланган кимсаларнинг ғоясига қарши ғоя билан жавоб қайтаришлари шарт.

Тадбирда иштирок этган республика ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ғ. Раҳимов сўз олиб, Андижон воқеаларига тўхталар экан, бундан буён ички ишлар идоралари фахрийлари маҳаллаларда осойишталикни таъминлаш учун ёш ходимлар билан елкама-елка туриб фаолият кўрсатишларини айтиб ўтди. Халқимизда "Дўстинг мингта бўлса ҳам оз, душманинг битта бўлса ҳам кўп" деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам орамиздан чиққан ғанимларни ўз вақтида фош этиб, жазосини бериб қўйиш лозим эди. Нотиқ бу борада халқимизнинг осойишталигини таъминлаш йўлида ички ишлар ходимларига куч-қувват тилади.

Ёш ходимлар номидан сўз олган республика ИИВ Академияси 3-босқич тингловчиси Ш. Файзуллахонов юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ислоҳотлар, хусусан, ёшларга кўрсатилаётган эътибордан тўлқинланиб гапирди. "Биз, бўлажак ички ишлар ходимлари фуқаролар хавфсизлиги, юртимиз осойишталигини таъминлаш, қонунчиликни мустаҳкамлашда ўзимизнинг бор куч, ғайратимизни сарфлаймиз,– деди у.

Кези келганда айтиш лозимки, Президентимиз асарини ўрганиш учун ИИВ Академиясида бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, Маърифат дарсларида мазкур асар видеотасвир орқали тингловчиларга намойиш қилинади.

Ҳа, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам. Мазкур шиор ҳар биримизнинг онгу шууримизга, қон-қонимизга сингиб кетиши лозим. Ана шундагина келажак авлод биз танлаган йўлдан боришига шубҳа қолмайди.

Қобилжон ШОКИРОВ.

Суратларда: *анжумандан лавҳалар.*

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

Ватанни севмоқ иймондандир

ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

"Тинч ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, жажжи фарзандларимизнинг қувноқ кулгуси, отаоналаримизнинг осуда умр кечириши – Аллоҳ таолонинг ўзи бизга берган мана шундай ҳаётнинг ҳимояси, уни асраб-авайлаш, кўз қорачуғидек сақлаш барчамизнинг, авваламбор сизларнинг қўлингиздадир".

Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент Олий ҳарбий техник билим юртида тантанали маросим бўлиб ўтди. Яъни жорий йилнинг 25 июнь куни билим юртининг навбатдаги битирувчиларига мустақил ҳаётга йўлланма берилди.

Билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари, майор Ё. Сайдуллаев раҳбарларга шахсий таркиб тантанага шайлигини билдиради.

Билим юрти бошлиғи, генерал-майор Ш. Ниязов республика Ички ишлар вазирининг битирувчиларга лейтенант унвонини бериш ҳақидаги буйруғини ўқиб эшиттирди. Битирувчилар ўзларига топширилган диплом ҳамда кўкрак нишонини олар эканлар "Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!" дея тантанали ваъда беришди.

Маросимда республика ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов битирувчиларни қутлади.

– Бугун биз билим юрти тарихида ўн биринчи бор ёш офицерларни мустақил ҳаётга кузатмоқдамиз, – деди А. Шарафутдинов ўз табригида. – Сизларни олдинда мустақил Ватанимиз, халқимизни ишончли ҳимоя қилиш, юртимизда тинчлик, осойишталикни сақлашдек мураккаб ва масъулиятли вазифа кутмоқда. Бу эса сизлардан бор кучғайратингизни ишга солиш, билим юртида эгаллаган назарий билим ва амалий кўникмаларингизни қўллаган ҳолда виждонан ва сидқидилдан хизмат қилишни талаб этади.

Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов битирувчига диплом топширмоқда.

Вазир ўринбосари ўз маърузасида, шунингдек, атрофимизда, яқин ва узоқ минтақалардаги зиддият ҳамда низолар, халқаро терроризм каби даҳшатли хавф кучайиб бораётган мураккаб бир вазиятда эл-юртимиз тинчлигини сақлаш, уни бало-қазолардан асраш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш бугунги кундаги ўта муҳим ва долзарб вазифа эканлигини таъкидлади. Ва бу ўринда Андижон вилоятида содир этилган террорчилик ҳаракатларини унутмаслигимиз, ҳар доим жонажон Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишга шай туришимиз, керак дея уқтирди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов битирувчиларни самимий муборакбод этиб, Ватанни улуғловчи шеърларидан бирини ўқиб берди. ИИВ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ғофуржон Раҳимов ҳам ёш офицерларни табриклаб, келгуси хизматларида улкан зафарлар тилади.

– Президентимиз Ислом Каримов "Ватанни асл фарзандлар ҳимоя қила олади" деганларидек, сафда ана шундай машаққатли ва шарафли касбни танлаган мард ўғлонлар турибди, – деб бошлади ўз табрик сўзини билим юрти бошлиғи, генерал-майор Ш. Ниязов. – Улар интизомли, ҳарбий билимни пухта эгаллаган, Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр бўлган икки юз эллик нафардан ортиқ асл фарзандларимиздир.

Билим юрти шахсий таркиби республика Ички ишлар вазирлиги ва бошқа вазирликлар учун малакали кадрлар тайёрлаш йўлида тинимсиз меҳнат қилмоқда. Улар меҳнатининг маҳсули бўлган сиз, битирувчиларга буюк давлатимизнинг келажаги ишониб топширилмоқда. Сизларга буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг саркардалик истеъдоди ва ҳарбий маҳорати намуна бўлсин. Шуни унутмангки, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!

Мусиқа садолари остида шаҳдам қадам ташлаб бораётган ёш лейтенант йигитларнинг шижоати, чеҳрасидаги қатъиятни кўрган киши юртимиз келажаги ишончли қўлларда эканлигидан фахрланади.

Ватан, эл-юртимиз хизматига бел боғлаган йигитларга омад ҳамиша ёр бўлсин.

Билим юрти битирувчилари давлатимиз мадҳиясини ижро этмоқдалар.

КУРСДОШЛАР ДИЙДОРЛАШИШДИ

Байрам тантаналари билим юртини биринчи битирувчиларининг учрашувига уланиб кетди. Ушбу тадбирга йиғилганлар – Тошкент Олий ҳарбий техник билим юртини битирганига ўн йил тўлган офицерлар ҳаяжонда. Илмгоҳда тўрт йил бирга ўқиб, унинг биринчи қалдирғочлари сифатида мамлакатимиз ички ишлар идораларига учирма қилинган бу йигитлар талабалик йиллари ўтган ҳар бир кунни соғинч билан эслайдилар.

– Ўқиш, талабалик йиллари бошқа экану, олган назарий билимларингни амалда қўллаш бошқа экан, – дейди биринчи қалдирғочлардан бўлган Республика ИИВ ЖИЭББ алоқа бўлими бошлиғининг ўринбосари, майор Рустам Ажибаев. – Лекин пухта билим олган мутахассис касбини қийналмай кўнгилдагидек эплаб кетаркан. Устозларимизга минг раҳмат, қаттиққўллик, талабчанлик билан бўлсада бизга пухта билим беришган экан. Бир мен эмас, ИИВ Алоқа бўлими бўлинма бошлиғи, майор Аброр Ҳасанов, Тошкент шаҳар ИИББ ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, майор Икром Ниёзов, Ички қўшинлар ўқув маркази бўлим бошлиғи, майор Даврон Ўринов, Самарқанд вилоят ИИБ ППХ батальони командири майор Убайдулло Норқулов, ушбу хизматда отряд командири бўлиб ишлаётган майор Зоҳид Фармонов каби курсдошларим ҳам берган билимлари учун устозларимиздан мамнундирлар.

Бир-бири билан қучоқлашиб кўришиб, ҳол-аҳвол сўраётган собиқ курсантларни жилмайибгина кузатиб турган билим юрти бошлиғининг ўринбосари, полковник И. Игамбердиевни суҳбатга тортамиз.

– Мана шу келишган норғул, елкасидаги погонда майор юлдузи порлаб турган йигитлар ўн йил олдин бизнинг илмгоҳни битириб кетганига ишонгим келмайди, – дейди у. – Билим юрти ташкил топгандан буён бу ерда тўрт мингга яқин йигит таҳсил олиб, ҳозирда мамлакатимизнинг Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари тизимлари, чегара қўшинлари таркибида хизмат қилмоқдалар. Биринчи қалдирғочларимиз эмас, битирувчиларнинг ҳаммаси ҳақида ҳам жойлардаги раҳбарлардан фақат раҳмат эшитмоқдамиз. Улар бу даражага етишишларида, албатта, профессор-ўқитувчиларимизнинг муносиб ҳиссаси бор.

Битирувчиларимиз бир-бири билан ака-укадек иноқ, оқибатли эканлигидан хурсанд бўламан. Билим юртини битирган лейтенант қаерга хизматга бормасин, ўзидан аввал ўқишни битириб, ҳозирда ишлаётганларни топиб олади. У эса янги иш бошлаган ходимга йўл-йўриқ кўрсатиш, билмаганларини ўргатишдан ҳеч эринмайди. Мана шу оқибатлиликнинг ўзи ҳам билим юрти жамоаси иш фаолиятининг қай даражадалигини кўрсатиб турибди.

Билим юртини илк бор битирганлардан Отабек Хидиров, Ҳаётилла Мамажонов, Бахтиёр Алимқулов, Дилшод Турғунов, Илгиз Шодаминов, Алберт Давлетов, Абдусаттор Юсупов каби кўплаб офицерлар шу ерда турли лавозимларда хизмат қилмоқдалар. Майор Рустам Файзуллаев ва яна бир нечта собиқ талабалар республика Мудофаа вазирлиги Академиясида ўқимоқда. Майор Нодирбек Нишонов эса айни шу Академияни битириб, диплом олди.

Профессор-ўқитувчилар жамоамиз яна шундан хурсандки, собиқ курсантларимиз қаерда, қайси лавозимда ишлашларидан қатъий назар, бизни тез-тез йўқлаб, зарурат туғилса, йўл-йўриқлар сўраб турадилар. Биз ҳам улардан қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз.

Курсдошлар давраси тобора кенгайиб борди. Биз уларга сиҳат-саломатлик ва келгуси ишларида омад тилаб, хайрлашдик.

Билим юртининг собиқ талабаларидан бир гуруҳи.

Саҳифа материалларини Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА ва Абу КЕНЖАЕВ (суратлар) тайёрлашди.

«Галла – 2005»

ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

Хирмон тўлиб тўкилди дон, тўкилди дон, момо,
Тандир тўлиб ёпилди нон, ёпилди нон, момо.

(Қўшиқдан)

Халқимиз азал-азалдан бошқа неъматларни эмас, айнан ғаллани тўқчилик, тўкинчилик манбаи, белгиси деб билишган. Кексаларимиз бировни койишмоқчи бўлса ҳам, "Барака топкур, уйинг буғдойга тўлгур" деб гап бошлашади. "Нондек азиз, сувдек сероб бўл!" – дея алқашади улар. Дастурхонга минг турли неъмат тортинг, нон қўйманг – ўрнига ўтмайди. "Галла – ризқу рўзимиз" деб бекорга айтишмаган. Бунинг маъносини биздан ҳам кўра урушни, очарчилик, қаҳатчилик йилларини бошдан кечирган кексаларимиз яхши билишади. Шунинг учун улар оёқ остида бир ҳовуч бўлса ҳам дон сочилиб ётганини кўришса, супириб олиб, бир четга сепиб қўйишни буюришади. Қушлар, қурт-қумурсқалар еб, дуо қилади, дейишади. Бордию ерда ётган нон парчасини кўришса, дарҳол олиб, уч марта ўпиб, кўзга суришади. Ҳа, элимиз орасида нонинг, доннинг қадри улуғ. Биров "Нон ҳақи, нон урсин" деб қасам ичгудек бўлса, гапига ишонишади. Иймонли, инсофли одамлар нон-тузини тотган жойга хиёнат қилишмайди. Узоқ сафарга, ҳарбий хизматга отланганларга момоларимиз ҳали-ҳануз кулча тишлатиб, олиб қўйишади. Бунинг маъноси унинг нон-насибаси узилмасин, сафардан эсон-омон қайтиб келсин дегани. Дон, нон ҳақида яна узоқ гапиришимиз мумкин. Аммо ҳаммаси бир маънога келиб тақалади. Яъни ҳаётимизда, турмушимизда ғалланинг ўрни, аҳамияти беқиёс.

Шунинг учун истиқлолга эришганимиздан буён давлатимиз юртимизнинг ғалла мустақиллигига эришиш йўлида кўп ишларни амалга оширмоқда. Ўтган йиллар ичида дон маҳсулотлари ҳажми сезиларли даражада ошди. Деҳқонларимиз ерга уруғ қадаганидан бошлаб то ҳосил йиғиштириб олингунича ғалла экинларининг пайҳон қилинмаслиги, дон маҳсулотларининг талон-тарож қилинишининг олдини олиш, ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш борасида республика миқёсида кенг қамровли тадбирлар ўтказилади.

Жорий йилнинг 16 май куни мамлакатимиз Президенти "2005 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" Қарор қабул қилган эди. Ушбу ҳужжатда жумладан, ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига ҳам бир қатор масъулиятли вазифалар юклатилган.

Шу кунларда кенг далаларда ўрим-йиғим ишлари авж палласига кирди. Деҳқоннинг ҳам, ҳосилни йиғиштириб олиб, омборларга топшириш билан машғул бўлган бошқа касб эгаларининг ҳам қўли қўлига тегмайди. Не машаққатлар билан етиштирилган ҳосилнинг нест-нобуд бўлмаслиги, бир жиҳатдан ички ишлар ходимларига ҳам боғлиқ.

– Галла ўрим-йиғими мавсумида жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, дон маҳсулотларининг талон-тарож қилинишининг олдини олиш мақсадида 600 дан зиёд назорат постлари ташкил этилган бўлиб, уларда 2 минг нафардан ошиқ ходим кунни тунга улаб фаолият кўрсатяпти. Улар барча зарур алоқа ва транспорт воситалари билан таъминланган, – деди республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, "Галла – 2005" тезкор штаби ишчи гуруҳи раҳбари, полковник Раҳимжон Аширматов.



Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йилда дон маҳсулотларини ўғирлаш, ноқонуний ўзлаштириш, майда ўғирлик ҳолатлари ўтган йилдагига нисбатан анча кам содир этиляпти. Бу аввалгидек аҳоли ўртасида олиб борилган кенг тушунтириш ишлари самарасидир. Афсусланарлиси, қайд этилган салбий ҳолатларнинг аксари йиғим-терим иштирокчиларининг қилмишидир. Масалан, 18 июнь куни Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани Аннаруз қишлоғида комбайнчининг ёрдамчи оператори Р. Қурёзов 10 қоп (503 кг) арпани А. Абдуллаевга 7500 сўмга сотган. А. Абдуллаев донни ўзининг "ВАЗ – 21011" русумли автомашинасига ортиб, ғаллазордан чиқаётган пайтда туман ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

5 июнь куни соат 23.00 ларда Сурхондарё вилояти ИИБ ЙҲХБ ходимлари Шеробод тумани ҳудудида "Москвич–412" русумли автомашинани тўхтатиб, текширишди. Шунда комбайн ҳайдовчилари Ш. Менгноров ва А. Абдусаломов ўз комбайнлари бункерида атайлаб қолдирган 250 кг буғдойни яширинча олиб кетишаётгани аниқланди.

Қарши туманилик ижарачи Р. Қудратовнинг қуйидаги қилмишига нима дейсиз? У ўз ижарасида бўлган ғалла майдонидан 5070 кг буғдойни акасининг уйига олиб келиб, яширган.

Музробод туманилик, дон қабул қилиш омбори мудири А. Мўминовнинг қилиғи ҳамманикидан ўтиб тушди. У ўзининг жавобгарлигида бўлган омборхонада сақланаётган буғдойнинг 900.000 сўмлигини ёки 15 тоннасини қалбаки ҳужжатлар асосида ўзлаштириб олган. А. Мўминовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасига мувофиқ жиноят иши қўзғатилди.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиш ҳолатларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу кўрсаткич Сурхондарё (бир ярим мингдан ошиқ) ва Жиззах (тўққиз юзга яқин) вилоятларида юқорилиги кишини ташвишлантиради. Мазкур ҳудудлардаги мутасадди раҳбарлар мазкур масала билан жиддий шуғулланишлари керак. Кўпроқ транспорт воситаларининг бирламчи ёнғин ўчириш воситалари ва учқун ўчиргич воситалари билан жиҳозланмаганлик ҳолатлари учрайди. Айниқса, дон қабул қилиш шохобчаларида ёнғин хавфсизлиги бажарилмаслиги ҳолатларига тоқат қилиб бўлмайди. Худо сақласину, хирмонга ёки омборхонага ўт кетгудай бўлса, қанча ҳосил куйиб, кул бўлишини бир кўз олдингизга келтиринг. Ана шундай камчиликларга йўл қўйишгани учун Пахтаобод туманилик омбор мудири У. Раҳимов ва Музробод туманидаги дон қабул қилиш шохобчаси масъул ходими Ф. Йўлдошевга жарима солинди.

Комбайнларнинг учқун ўчиргичлар ва бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланмаганлиги ҳам аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин. Афсуски, бундай камчиликлар ҳам учраб турибди. Комбайнлар ғаллазорларда ишлашини ҳисобга олсангиз, уларда содир бўлган ёнғин ўз вақтида ўчирилмаса қандай хавф туғдириши аён бўлади. Шунинг учун ички ишлар ходимлари бу борадаги назоратни асло бўшаштирмасликлари керак.

Маълумки, ҳосилни йиғиб олиш фақат ғаллани ўриш билан тугамайди. Уни ўз вақтида, нест-нобуд қилмасдан хирмонларга, омборхоналарга ташиб олиш ҳам муҳимдир. Бунда кўнгилсизликлар рўй бермаслиги учун транспорт воситалари техник соз ҳолатда бўлиши, ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишлари лозим. Таҳлиллар Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида ғалла ўрим-йиғимига жалб этилган транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан кўпроқ қоидабузарликлар содир этилаётганини кўрсатмоқда. Қоидабузарликлар ичида носоз ҳолдаги транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳоллари кўпроқ учраяпти. Бу ЙПХ ходимлари назоратни янада кучайтиришлари лозимлигини кўрсатмоқда. Кам бўлса-да транспорт воситаларини маст ҳолатда бошқариш, одам ташиш қоидаларини бузиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Масалан, 23 июнь куни Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманилик Ҳ. Довуров тракторни маст ҳолатда бошқаргани аниқланди. Поп туманилик О.Тошматов бўлса автомашинани носоз ҳолда бошқаргани етмагандай, буғдойни тўкиб, ташиган. Музробод туманилик Ғ. Эгамбердиев эса йўловчи ташиш учун мўлжалланмаган, буғдой ортилган "ГАЗ – 53" русумли юк машинасида одам ташиб кетаётганлиги аниқланиб, унга 7835 сўм миқдорида жарима солинган.

Ички ишлар идоралари ходимларининг саъй-ҳаракатлари, ўз вақтида кўраётган чора-тадбирлари туфайли турли кўнгилсизликларнинг, қанчадан-қанча ғалла ҳосили нобуд бўлиши, талон-тарож қилинишининг олди олиняпти. Улар меҳнаткаш халқимизга не-не заҳматлар билан етиштирган ҳосилини йиғиштириб олишда камарбаста бўлаётганларидан, элнинг корига яраётганларидан фахрланадилар.

"Нон ҳидида ҳаёт бор", "Нон бўлса бас, ўзгаси – ҳавас" дейди халқимиз. Бу дунёда нон таъмидек тотли таъм, нон ҳидидек ёқимли ҳид бормикан?! Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўшанда бошланғич синфда ўқирдим. Пилла терими пайти бизларни ҳам кўмакка олиб чиқишарди. Туш пайти уй эгалари бизни чой-нон, баъзилари овқат билан сийлашарди. Бир куни туш пайти бўлди ҳам, ўтди ҳам овқат тугул, чой-нондан ҳам дарак йўқ эди. Хонадон соҳиби нуқул ишни тугатиб олишсин дерди.Қорним нақ пиёзнинг пўсти бўлиб кетган. Қанийди шу пилланинг орасидан қотган-қутган бўлса ҳам бир парча нон чиқсайди дейман. Оҳим худога етдими – ҳақиқатан ҳам бир парча тошдай қаттиқ нон топиб олдим. Уни яширинча оғзимга солиб маза қилиб кисирлатиб едим. Шу-шу мен учун дунёда нон таъмидек тотли таъм, унинг ҳидидан ёқимлироқ ҳид йўқ. Илойим, ҳар бир хонадондан нон ҳиди анқиб турсин, омборлар донга, тандирлар нонга тўла бўлсин. Қолган неъматлар топилади.

Бобомурод ТОШЕВ.

«Ноемга» gazetasining ilovasi

TV UCHINCHI OLAM

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
+ SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

Хоҳ ишонинг, хоҳ...

ЎЛИМ ОСТОНАСИДАН ҚАЙТГАНЛАР

Кейинги пайтда матбуотда ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида кўп ёзилаяпти. Қуйидаги воқеалар ҳам шу мавзуда бўлса-да, ўзига хослиги туфайли эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

КЕЛАЖАКНИ БАШОРАТ ҚИЛА БОШЛАДИ

Курскда истиқомат қилувчи Аристановлар хонадонида мўъжиза рўй берганига айтарли кўп вақт бўлгани йўқ. 16 ёшли Лёша ўлим остонасидан қайтгач, ғаройиб қобилият эгасига айланди.

Бундан бир ярим йил аввал ўсмир поликлиникага тиббий кўрикдан ўтиш учун борган эди. Шифокорлар энцефалограмма қилишаётганда кутилмаганда унинг юраги тўхтаб қолди. Зудлик билан қилинган сайъ-ҳаракатлар туфайли юрак фаолияти тикланди. Аммо ўсмир маълум вақт ўзга ҳаёт билан яшашига тўғри келди.

Лёша ўзига келгач, бўлиб ўтган воқеани дарҳол англай олмади. Уйига олиб келишгандагина кўрган-кечирганларини аста-секин кўз олдига келтира бошлади.

– Мен ҳавода, шифт баландлигида учиб юрган эмишман, – эслайди у. – Аммо шифт йўқ. Бир пайт шифокорларга кўзим тушди. Тепамда эса осмон. Кейин... худони кўрдим. Унинг атрофида минглаб мавжудотлар бор эди. Эҳтимол фаришталардир. Худо менга нигоҳ ташлади, аммо бирон сўз айтмади. Ҳаммаси яхши бўлиши, ортимга қайтишимни ҳис қилиб турардим. Кейин кўриб турганларим ғойиб бўлди...

Орадан вақт ўтиши билан Алёшанинг онаси Лариса Александровна ўғлида ғалати ўзгариш рўй бераётганини пайқади. У бирор нарса ҳақида ўйлашга улгурмай ўғли дарҳол нималигини айтиб берарди. Алёша гўё фикрини ўқиётгандек эди. Бир куни онаси ошқозони қаттиқ оғриётганидан шикоят қилди.

– Хавотир олманг, оғриқ бир зумда ўтиб кетади, – деди Лёша бамайлихотир.

Ҳақиқатдан ҳам орадан ўн сония ҳам ўтмай оғриқ қолди. Хуллас, ўсмир ўлим остонасидан қайтгач, келажакни олдиндан кўрадиган бўлди. Агар унинг сўзларига ишонсак, 2005 йил Россияда рўй берадиган қурғоқчилик туфайли мамлакат анча зарар кўради. 2008 йили АҚШ ҳудудида кучли тўфон кўтарилиб кўп жойни вайрон қилади. 2009 йилда эса қуёшда ёрқин чақнаш рўй бериб, ер курраси экологиясига салбий таъсир кўрсатади.

Ульяна Дмитриева

Анна Павловнанинг қизи

КОМА ҲОЛАТИДАН ХАЛОС БЎЛГАЧ...

Новгородлик 20 ёшли қиз 9 ой кома ҳолатида ётди. Ўзига келганда эса унда ғаройиб қобилият "уйғонди".

Ульяна Дмитриева дугоналари билан шошганча енгил машинада онасининг туғилган кунига йўл олганини эслайди. Қолганини эса орадан 9 ой ўтгач ёдга олди:

– Елиб бораётган машина юк ортилган машинага урилди, дугоналарим шу жойнинг ўзида оламдан ўтишди... Касалхона, ота-онам аниқ кўз олдимда. Уларга гўё четдан қараб турардим.

Шифохонанинг жонлантириш бўлимида Ульяна ўзига келмай, 40 кун ётди. Орадан беш ой ўтгач онаси уни уйга олиб кетиш учун рухсат олди.

– Қизимга шприц билан овқат бера бошладим, – ҳикоя қилади Надежда. – Кейин нафас олиш аппаратисиз, мустақил нафас олишга ўргатдим. Сўнг энг қийини – юришни машқ қилди. Кунларнинг бирида эса Ульяна гапира бошлади.

Уни тўхтатиб бўлмасди. Қиз бир неча соатлаб тинмай гапирарди.

– Энг қизиғи шундаки, – дейди Надежда тўлқинланиб, – ўлим остонасидан қайтгач, Ульяна инглиз тилида бемалол сўзлашадиган бўлди. Мактабда ушбу фан бўйича ўртача ўқир эди.

Леша Аристинов

ОНАХОН ЎЗИГА КЕЛГАЧ, НОН ВА ТУЗ СЎРАДИ

Анна Павловна Самарина эндиликда ўлимдан кейин ҳаёт борми, деган саволга аниқ жавоб бера олади. Ҳа бор, бўлганда ҳам жуда қизиқарли. Саккиз соат қимир этмай ётган аёл ўлим остонасидан қайтди...

Тўқсон бир ёшни қаршилаган Анна Павловнанинг саломатлиги яхши эмас эди. У тўрт йилдан бери тўшакка михланиб ётар, чап томони умуман ишламай қолганди. Кейинги пайтда эса ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Овқат емай фақат чой ичар, кейин эса дармонсизликдан чўзилиб, бир пасда кўкариб кетарди.

– Ўшанда кеч соат 20.00 лар чамаси эди. Чой келтирсам онам нафас олмаяптилар, – эслайди Мария. – Қўрқанимдан қўшниларникига югурдим. Почтага бориб Ростовдаги ўғлимга тезроқ етиб келишини сўраб телеграмма жўнатдим.

Мария қўшнилар билан бирга Анна Павловнанинг ёнида ярим кечагача ўтирди. Аёл нафас олмас, боши, қўл ва оёқлари қимирламас эди. Қишлоқ шифокорини безовта қилмай, эрталаб хабар беришга аҳд қилишди.

Ярим тунда катта ёшдаги қўшнилардан бири чиқиб, тобут ясашга кўмаклашишини айтди. Анна Павловна тахталарни тўрт йил илгари ғамлаб қўйган эди. Тобут бир соатда тайёр бўлди. Ниҳоят Мария қўшниларни уйларига жўнатиб юборди. Соат тўртларга яқин уни уйқу элита бошлади. Шу пайт "марҳума" ўрнидан туриб ўтирди. Илгари Анна Павловна шоллиги туфайли бировнинг кўмагисиз ўзи ўтиролмаганини инобатга олсак, қизи нечоғли ҳайратга тушганини тасаввур этиш қийин эмас...

– Онам менга қўлларини чўзиб "қизим, сув ва бир бўлак нон бер, туз сепишни унутма" деб шивирладилар, – дейди Мария ҳаяжон билан.

Эрталаб ҳамқишлоқлар бу мўъжизани ўз кўзлари билан кўриш учун Самариналар хонадонига оқиб кела бошлашди. Хабар тез тарқалган эди. Каравотда ётган Анна Павловна "нариги дунёда" нималарни кўрганини гапириб берарди.

– Анча уринган юк поездида ўзим туғилиб ўсган қишлоққа бораётган эмишман, – деди у. – Ярим йўлга етганда Самарадаги уйингни кимга қолдириб кетаяпсан, мияси айниган кампир, деган ўй хаёлимдан ўтди.

Бундан саросимага тушган онахон тез юриб кетаётган поезддан сакраб тушиб қолди ва уйи томонга югурди. Шу пайт уйғониб кетди.

Анна Павловнанинг навбатдаги туғилган кунини яқинлари унинг ҳаётга қайта келган кун сифатида нишонлашмоқчи. Тобутни эса қизи Мария ҳужрага яшириб қўйди.

Ⓝ

BOLALAR SAHIFASI

Buni siz bilishingiz kerak

GERB – FAXRIMIZ-A, BOBOJON?

Muslim bobo kechki ovqatdan keyin odatdagidek gazeta o'qib o'tirgan edi, nevaralari Yoqubjon va Yulduzxon kirib keldi. Bobo har kuni ularga ertak kitoblar o'qib, qiziq-qiziq voqealarni gapirib beradi. Yoqubjon ikkinchi sinfda, Yulduzxon birinchi sinfda o'qiydi. Bolalar bobosining oldida turgan kitoblardagi suratlarni tomosha qilishni yaxshi ko'rishadi. Yulduzxon bir kitobni qo'liga ola turib ko'zi bayroq, gerb suratlariga tushdi.

– Bobojon, nega bularning ostiga davlat ramzlari, deb yozilgan? – so'radi Yulduzxon.

– Qizalog'im, har bir davlatning bayrog'i, gerbi, madhiyasi bo'ladi, ularning hammasini bir so'z bilan davlat ramzlari deyiladi, – dedi Muslim bobo uning boshini silab.

– Bobo, gerbimiz juda chiroyli-a, – dedi Yoqubjon singlisining qo'lidagi suratlarga ishora qilib.

– Bobo, nega bug'doy rasmi chizilgan? – so'radi Yulduzxon gerbdagi boshoqlarni ko'rsatib.

– Bug'doy rizq-ro'zimiz. Eng aziz ne'mat – non ana shu bug'doy unidan tayyorlanadi.

– Paxta-chi? – so'radi nevarasi.

– Paxta – yurtimiz boyligi. Paxtadan gazlama olinadi, undan kiyim-kechak tikiladi. Bizning paxtamiz ko'plab mamlakatlarning aholisi uchun kiyim-kechak bo'lyapti, bolajonim.

– Bu qush burgutdan ham zo'r-a? – dedi Yoqubjon Humo qushini ko'rsatib.

– Qo'zichog'im, Humo qushi ezgulik, tinchlik, yaxshilik keltiradi. Shuning uchun uni qadim-qadimdan odamlar juda yaxshi ko'rishadi. Kuchli bo'lish uchun burgut bo'lish shart emas, – dedi bobo kulib.

– Bobo, qushning qanoti yonidagi chiziqlar nimani bildiradi? – so'radi Yulduzxon.

– Bular chiziq emas, daryolar, uning yonidagi yam-yashil dalalarni bildiradi. Suvni xalqimiz juda aziz tutadi, dalalarimizda esa shirin-shakar mevalar, sabzavotlar, qovun-tarvuzlar yetishtiriladi. Uning ortida esa baland tog'larimiz namoyon bo'lgan. Boboquyosh esa zarrin nurlarini sochib turibdi.

– Bobojon, gerbni nega davlat tamg'asi ham deyishadi? – so'radi Yoqubjon.

– Do'mbog'im, gerb qadim bobolarimiz davrida ham bo'lgan, u paytda tamg'a deb atashgan. Bayroqni esa tug' deyishgan. Bayroq, gerb bizga yangilik emas, ammo hozirgi bayrog'imiz va gerbimiz, mustaqillikni qo'lga kiritganimizdan keyin qabul qilingan. Vatanni sevgan kishi uning ramzlarini ham sevishi, hurmat qilishi, e'zozlashi kerak.

Muslim bobo nevaralarining boshini silab, peshonasidan o'pib qo'ydi.

Sadriddin ABDULLAYEV .

BU QIZIQ

KOINOTDA QANCHA YULDUZ BOR?

Yaqinda olimlar bizga ko'rinadigan (hozirgi vaqtda insoniyat 15 milliard yorug'lik yili radiusidagi yulduzlarni ko'ra oladi) yulduzlarni hisoblab chiqishdi. Bu – 100 ming kvintillion (1 dan keyin 23 ta nol)ga teng ekan. Agar yulduzni qum zarrasi deb faraz qilinsa, buncha qum bilan butun Fransiya hududini bir metr qalinlikda qoplashi mumkin.

Rasmlardagi o'nta farqni toping







ДУШАНБА, 4

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 «Буюк Ипак йўли». Ҳужжатли телесериал.
9.35 «Бизнес ҳафта».
10.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Аёл қалби». Телесериал.
12.00 ЯНГИЛИКЛАР.
12.05 «Сиҳат-саломатлик».
12.25 «Йиллар армони».
13.15 «Бегона». Телесериал.
14.00 ЯНГИЛИКЛАР.
14.15 «Тамаддун».
14.35 Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми тақдим этади: «Жаҳон мумтоз мусиқаси».
15.20 «Ҳаёт ва қонун» тележурнали.
«Болалар сайёраси»:
15.50 1. «Ғаройибкентга саёҳат». 2. «Олтин тож».
16.40 «Алпомиш» изидан». 1-қисм.
17.00 ЯНГИЛИКЛАР.
17.10 «Қундуз бобо ҳикоялари». Мультсериал.
17.45 «Равнақ» студияси намойиш этади.
18.00 Мумтоз наволар.
18.10 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
18.25 «Аёл қалби». Телесериал премьераси.
19.25 «Ўзлотто» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ҳаёт давом этади».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Дастур: ижро ва масъулият».
21.30 «Бегона». Телесериал.
22.35 «Севишганлар». Бадиий фильм.
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Давр» ҳафта ичида.
18.00, 22.35 ТВ - анонс.
18.05 «Янги авлод» почтаси, «Қувноқ ёз - ўтмоқда соз».
18.40 Сув- ҳаёт манбаи.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ишга марҳамат!
19.40 Ҳамкор-2005.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 ТВ-адвокат.
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.30 Олис манзиллар.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Эсмеральда». Телесериал.
23.10 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури.
0.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
1.00 - 1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Болажонлар экрани.
17.45 ТТВда сериал: «Қўрқмас ва довюраклар».
18.20 Мултчархпалак.
18.30 , 20.00, 21.40, 23.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.10 «Тиббиёт сизнинг хизматингизда».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.20 ТТВда сериал: «Морена Клара».
21.00 «Сўз беринг». Ток шоу.
22.20 Кинонигоҳ. «Куйлаётган аёл».
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим!

«Sport» телеканали

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.00 Мультсериал.
9.10 «Хозяйка судьбы». Сериал.
10.10 Олег Лундстрем. «Живая легенда».
11.40-13.00 «Том и Джерри».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
17.15 «Спортимиз маликалари».
17.30 Теннис. Уимблдон турнири.
18.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Пахтакор» - «Металлург». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда.
20.15 «Вести».
20.35 Премьера. «Близнецы». Сериал (Республика Корея)
21.30 «Хабарлар».
21.45 «Футбол плюс».
22.15 «Проф-РИНГ».
23.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

16.55 гача профилактика ишлари
16.55 Открытие программы
17.00 «Зарубежные клипы»
17.25 «Телехамкор» фойдали газета
17.45 «Детский час»
18.10 «Мусиқий лаҳзалар»
18.45 «Бедная Настя», сериал
19.45 «Ошикона», мусиқий дастури
20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача
21.00 «Телехамкор» фойдали газета
21.20 «Мусиқий лаҳзалар»
22.20 Киновечер на «30-м»: «Автостоянка», комедия
0.00 Программа передач

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 2.00, 4.00 Новости
8.05 «Время жестоких».
9.10 Фильм «Кольцо дракона»
11.20 Детектив «Женская логика».
13.20 Премьера. «Райкин, сын Райкина». Док. фильм
14.20 Сериал «Закон джунглей»
14.40 Сериал «Сыщики»
15.50 Сериал «Хозяйка судьбы»
17.10 Вне закона
17.40 «Пять вечеров»
18.50 Жди меня
20.30 Фильм «Небесная жизнь»
21.30 Триллер «Глубина».
23.30 Комедия «Уимблдон».
1.10, 2.05 Фильм «Раскаты грома»
2.40, 4.05 Фильм «Столица»
4.10 Неизвестная планета.

РТР

4:00 «Доброе утро, Россия !».
7:45 Фильм «Взрослые дети».
9:10 «Во всем прошу винить «Битлз».
10:00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 ВЕСТИ.
10:30, 13.10, 15.40, 19.30, МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:50 Сериал «Анискин и Фантомас».
12:10 «ХА». Маленькие комедии.
12:45, 15.30, 18.45, 23.15, 3.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13:30 Комедия «Свадьба лучшего друга».
16:10 «Кулагин и партнеры».
16:45 Сериал «Кармелита».
17:45 Сериал «Исцеление любовью».
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 Сериал «Любовь слепа».
20:55 Сериал «Против течения».
22:20 «Кто убил Котовского?».
23:30 Сериал «Три цвета любви».
0:25 «Дорожный патруль».
0:45 Фильм «Не сходить с дистанции».
2:30 «Ангелы Чарли». Телесериал.
3:20 «Евроньюс»

НТВ

5:00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТРОМ»
8:00 «СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО. ИНФОРМАЦИЯ К РАЗМЫШЛЕНИЮ»
9:00, 12.00, 15.00, 18.00, 23.00, 3.00 «СЕГОДНЯ»
9:25, 17.35, 20.50, «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ.»
9:55 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
10:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
12:35 Фильм «ПРЕЗИДЕНТ И ЕГО ЖЕНЩИНА»
14:35 «ИГРЫ РАЗУМА»
15:20 Ток-шоу «ПРИНЦИП ДОМИНО»
16:30 «ШОУ СТЕПАНЕНКО»
18:40, 23.15 Сериал «ГРАФ КРЕСТОВСКИЙ».
19:45 Сериал «ТОЛЬКО ТЫ...».
21:00 «СЕГОДНЯ 22:00»
21:40 Сериал «СЕКС В БОЛЬШОМ ГОРОДЕ».
0:20 Фильм «ЖАЖДА СМЕРТИ -3».
2:10 Сериал «10 - 8».
3:15 Сериал «ДЖЕЙК 2.0».
4:05 Сериал «ЗАПАДНОЕ КРЫЛО».

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 «Гарфилд».
8.30 «Маска».
9.00 «Человек-паук».
9.30, 14.30 «Сапожник и русалочка».
10.00 Худ. фильм «БЛИЗНЕЦ».
12.10 Худ. фильм «РАЙСКИЙ ВИРУС».
14.00 «Осторожно, модерн!».
15.00 Худ. фильм «ЦИРК СГОРЕЛ И КЛОУНЫ РАЗБЕЖАЛИСЬ».
17.15 Худ. фильм «ДОРОГА».
19.00, 1.30 Телесериал «ЕЁ ЗВАЛИ НИКИТА».
20.00 Телесериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА».
21.00 Худ. фильм «РАЗБОРЧИВЫЙ ЖЕНИХ».
23.05 Худ. фильм «НОВЫЙ АЛЬКАТРАС».
2.00 Худ. фильм «ОТРЯД «МОРСКИЕ КОТИКИ»-2".

ДТВ

8.00, 8.30, 15.50, 16.25 Любимые мультфильмы.
8.55, 19.45 «Неслучайная музыка».
9.00 Информационная программа «На бульваре».
9.30, 20.00 Самое смешное видео.
10.00 Телемагазин.
10.35, 22.35, 1.15 Агентство криминальных новостей.
10.55 Худ. фильм «МАГИЯ ЛЮБВИ».
13.00 Как не болеть.
13.15, 17.15 Реалити-шоу «Мой толстый противный жених».
13.45 Телесериал «СТРОГО НА ЮГ».
14.45 Телесериал «КРУТОЙ УОКЕР».
16.45, 17.05 «Звездная семейка».
17.45 Худ. фильм «БЕШЕНОЕ ЗОЛОТО».
20.30 Сериал «ЖЕНАТЫ И С ДЕТЬМИ...»
20.55 Русский сериал «КЛЮЧИ ОТ БЕЗДНЫ».
22.00 Сериал «Полицейские хроники».
23.00 Худ. фильм «СПЕЦНАЗ: ОПЕРАЦИЯ «ВОЗМЕЗДИЕ».
1.35 «Сексуальные соседки».
2.10 Шоу Джерри Спрингера.

ТНТ

4.50, 18.30, 23.45 «Москва: инструкция по применению».
5.15 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ».
6.05 «Глобальные новости».
6.10 «Эй, Арнольд!».
6.35 «Крутые бобры».
7.00 «Котопес».
7.25 «Маззи».
7.30 Предприниматель.
7.45, 0.50 Наши песни.
8.00 «ЖИЛИ ТРИ ХОЛОСТЯКА». Комедия.
11.00 «Лиса-строитель».
11.15 «Дикая семейка Торнберри».
11.40 «Губка Боб Квадратные штаны».
12.05 «Ох уж эти детки».
12.30 Телемагазин.
13.00 «Школа ремонта».
14.00 «ТОЛСТАЯ ДЕВЧОНКА».
15.00, 20.00, 23.15 Реалити-шоу «Дом-2. Жара».
16.00, 19.00, 0.15 Реалити-шоу «Большой брат».
17.00 Секретные материалы.
18.00 «Зверские сказки». «Волк». Документальный сериал.
21.00 Комедия «РАЗМЕР ИМЕЕТ ЗНАЧЕНИЕ-2».
0.55 «МОЙ ГЕРОЙ». Комедия.
1.30 «В СОБАЧЬЕЙ ШКУРЕ». Комедия.

СТС

7.00 «16-й ОТДЕЛ».Сериал
7.50 «Смешарики».
8.00 «Веселые мелодии».
8.30, 19.55, 1.00 «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
9.00 «МИФ ОБ ИДЕАЛЬНОМ МУЖЧИНЕ».
10.00, 20.30, 0.30 Истории в деталях.
10.30 «ДОРОГАЯ МАША БЕРЕЗИНА». Худ. фильм.
11.30 Кино. «МУЖЧИНА МОЕЙ МЕЧТЫ».
13.45 Скрытая камера.
14.00 Комедия. «ШКОЛА «ЧЕРНАЯ ДЫРА».
14.30 «Дождливая история».
15.00 «Деннис-непоседа».
15.35 «Новые фильмы о Скуби Ду».
16.00 «Люди в черном».
16.30 «Приключения Джеки Чана».
17.00 «ЗЕНА - КОРОЛЕВА ВОИНОВ».
18.00 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Худ. фильм.
19.00 «КОМИССАР РЕКС». Худ. фильм.
21.00 «МОЙ ЛИЧНЫЙ ВРАГ».Фильм.
22.00 Кино. «НА ГРЕБНЕ ВОЛНЫ».
1.35 Детали.
2.35 Комедия. «ДРУЗЬЯ».
3.20 Музыка на СТС.

7 ТВ

6.00 16.30 4.00 5.00 Линия жизни.
6.30 11.30 18.30 0.00 3.00 4.30 Спортивные танцы.
7.30 Назло рекордам.
7.40 10.00 Зарядка для страны.
8.00 Веселые старты.
9.30 7 дней спорта.
10.30 13.30 15.30 17.30 19.30 21.30 22.30 23.30 Диалоги о рыбалке.
11.00 12.00 13.00 14.00 15.00 16.00 17.00 18.00 19.00 20.00 21.00 22.00 23.00 7 новостей.
12.30 20.10 22.10 Музыкальный трек.
12.40 21.10 «220 вольт». Мир экстрима.
14.30 Конный спорт.
20.30 5.30 Автоспорт. Гонки из серии ДТМ. 5-й этап (Германия).
23.10 Звезда автострады.
1.00 Интерактивный ТВ-чат.

СЕШАНБА, 5

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Буюк Ипак йўли». Ҳужжатли телесериал.
9.30 «КиноТеатр».
9.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Афсонавий шаҳарда».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Аёл қалби». Телесериал.
11.10 «Маърифат» тележурнали.
11.35 «Остонаси тиллодан».
12.00 Янгиликлар.
12.05 Оҳанглар оғушида.
12.35 «Маннон Уйғур». Видеофильм.
13.15 «Бегона». Телесериал.
14.00 Янгиликлар.
14.15 «Портретга чизгилар».
14.35 «Шарқ тароналари». Халқаро мусиқа фестивали олдидан.
15.00 «Жалолиддин Мангуберди». Телеспектакль. 1-қисм.
16.00 Янгиликлар (инглиз тилида)
16.10 Эски альбомдан.
16.15 «Мулкдор».
16.40 «Алпомиш» изидан». 2-қисм.
17.00 ЯНГИЛИКЛАР.
17.10 «Қундуз бобо ҳикоялари». Мультсериал.
17.40 2005 йил - «Сиҳат-саломатлик йили». «Қўлингиз дард кўрмасин».
18.00 Мумтоз наволар.
18.10 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
18.25 «Аёл қалби». Телесериал премьераси.
19.25 «Ўзлотто» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бугуннинг одамлари».
20.20 Ўзбек мумтоз мусиқаси.
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.45 «Бегона». Телесериал.
22.50 «Тақдир». Телесериал премьераси.
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 Уй вазифаси.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.25 «Эсмеральда». Телесериал.
9.55 Ўқишга марқамат!
10.00 «Янги авлод» почтаси.
10.20 16 га кирмаган ким бор?
10.40 Тенгдошлар.
11.00 Ёшлар ва ҳуқуқ.
11.15, 13.10, 16.10, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
11.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
12.10 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.15 «Даллас». Телесериал.
14.00 Олис манзиллар.
14.20 Интерфутбол.
16.00 Давр.
16.20 Ракурс.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаҳа, Дунё ва болалар.
17.30 «Ёз-ўтмоқда соз». Фототанлов.
17.35 Янги алифбони ўрганамиз.
17.50 Равнақ.
18.05 Огоҳлик - давр талаби.
18.25 1001 маслаҳат.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 «Давр» - репортаж.
19.55 Мусиқий лаҳза.
20.00 «JOKER» телелотореяси.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 ТВ-адвокат.
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.00 Худ. фильм «СРОЧНОЕ ПОГРУЖЕНИЕ».
23.00 Худ. фильм «ГЕМОГЛОБИН».
2.00 Худ. фильм «ЭНЕРГИЯ ЗЛА».

ДТВ

8.30 Телесериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
9.00 Свет и тень.
9.15 Как не болеть. Доктор Богданов.
9.20 Любимые мультфильмы.
11.00 Худ. фильм «ПЛОХОЙ ПАРЕНЬ».
13.30 «Звездная семейка».
14.30 Сериал «НИРО ВУЛЬФ».
15.25 Арсенал.
15.55, 17.00 Сериал «КЛЮЧИ ОТ БЕЗДНЫ».
18.00 Сериал «РОЖДЕННЫЙ ВОРОМ».
19.00 Шоу рекордов Гиннесса.
20.00, 21.30 Худ. фильм «НЕБЕСНЫЕ ЛАСТОЧКИ».
23.00, 0.00 Телесериал «C.S.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ».
1.00 «Голая правда».
2.10 Худ. фильм «ВЗЛОМ».

ТНТ

6.00 «Удивительные миры». Док. фильм.
6.50 «Жестокие войны».
7.15 «КОАЛЫ НЕ ВИНОВАТЫ». Сериал.
7.35, 13.30 «Каламбур».
8.05, 18.00 «Фигли-Мигли».
8.35 «Маски-шоу». Комедия.
9.00 «ПОРНО И ЦЫПОЧКИ». Комедия.
11.00 Мультипликационные фильмы.
11.30, 12.25 «Маззи».
11.40 «Сейлормун».
12.30 «Две блондинки против грязи». «Бабники».
13.00, 18.30 «Верю - не верю».
14.00, 19.00, 0.00 Реалити-шоу «Большой брат».
15.00, 20.00, 23.30 Реалити-шоу «Дом-2. Жара».
16.00 «САША + МАША». Комедия.
16.30 «Москва: инструкция по применению».
17.00 «Запретная зона»
21.00 «Комеди Клаб».
22.00 Секс с Анфисой Чеховой.
22.30 «Секс как наука».
0.30 Наши песни.
0.35 «ПОДАРОК СУДЬБЫ». Комедия.
3.00 «ДИАГНОЗ: УБИЙСТВО». Сериал.

СТС

7.00 «ТРЕНЕР». Худ. фильм.
8.30 «Хочу быть отважным».
8.50 «Табалуга».
9.20 «Смешарики».
9.30 «На Диком Западе».
10.00 «Полундра!»
10.30 «Шоу Тома и Джерри».
11.00 Кино. «ЛЕТО НАПРОКАТ».
12.50 «Хорошие песни». Концерт.
15.00 «Спасите, ремонт».
16.00 Фильмы производства ВВС.
17.00 Истории в деталях.
17.30 «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ». Сериал
18.50 Кино. «СОЛДАТ».
20.50 Комедия. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
22.00 Кино. «КЛУБ ПЕРВЫХ ЖЕН».
0.10 Кино. «ПОДРУГИ НАВСЕГДА».
2.45 Кино. «ДОКТОР СТРЕНДЖЛАВ».
4.20 Кино. «ВРАЖДЕБНАЯ СИЛА».

7 ТВ

6.00 9.30 16.30 4.00 5.00 Линия жизни.
6.30 8.30 13.00 18.30 3.00 4.30 Спортивные танцы.
7.30 13.30 5.30 Акробатический рок-н-ролл.
10.00 Веселые старты.
11.30 22.00 23.10 Назло рекордам.
11.40 22.40 Формула-1. Сезон-2005. «За кулисами Гран-при».
12.10 17.00 22.30 Звезда автострады.
12.30 20.10 22.10 Музыкальный трек.
12.40 15.30 16.10 20.00 «220 вольт». Мир экстрима.
14.30 20.30 24.00 Бильярд.
15.40 Gillette World Sport.
17.10 Автоспорт России. Суперсерия. Итоги 2-го этапа.
18.00 Неизвестный спорт.
19.30 21.30 23.30 Диалоги о рыбалке.
1.00 Интерактивный ТВ-чат.

ЯКШАНБА, 10

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак» экрани.
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.10 «Оналар мактаби».
11.30 «Аёл қалби». Телесериал.
12.30 «Дўстлик» тележурнали.
13.00 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.
14.10 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
15.00 «Ўзим билан ўзим» видеофильм
16.00 «Ҳаёт давом этади».
16.20 «Муҳаббат наволари».
16.30 «Меҳр кўзда».
17.15 «Қундуз бобо ҳикоялари». Мультсериал.
«Болалар сайёраси»:
17.45 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Олтин тож».
18.35 «Одами эрсанг...»
19.05 «Оламга саёҳат».
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 Оҳанглар оғушида.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
22.20 «Мададкор руҳ». Бадиий фильм.
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Билағон маслаҳати.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Болалар экрани: «Сехрли тун».
9.55 Кулгуч.
10.05 Ҳамкор - 2005.
10.15 Ёшлик наволари.
10.25 Томир.
10.45, 19.30 ТВ - анонс.
10.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
11.45 «Заковат». Интеллектуал ўйин.
12.40 «Маҳобҳорат». Телесериал.
13.25 Автосалтанат.
13.45 Азизим.
14.25 «Робинзон Крузонинг саргузаштлари». Бадиий фильм.
15.50 Чемпион сирлари.
16.10 Ринг қироллари.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Маҳмадона». Мультфильм.
17.15 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
17.35 Сув-ҳаёт манбаи.
17.40 Спорт ҳафтаномаси.
17.55 Ўзбек пазандалик санъати.
18.45 ТВ - афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Ирода Искандарова куйлайди.
19.55, 20.45 Эълонлар.
20.00 «Маҳобҳорат». Телесериал.
20.50 Оҳанрабо.
21.30 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури.
22.30 «Симладаги муҳаббат». Бадиий фильм. 2-қисм.
23.50 - 23.55 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканали

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Мультчархпалак».
18.00 «Салом ёз».
18.40, 20.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.00 «Мушоҳада».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт плюс».
20.40 «Нима учун?»
21.20 «Туризм ҳақида».
21.50 Кинонигоҳ. «Виктория».
23.20-23.25 Хайрли тун, шаҳрим!

«Sport» телеканали

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.00 «Соғлом овқатланиш сирлари». Инглиз тилида.
9.10 «Непутевые заметки».
9.30 «Пока все дома».
10.10 «Қувноқ стартлар».
10.50 «Рақибингиз гроссмейстер».
11.10 Живой мир: «Машина времени».
12.10 Дональд Дак представляет.
12.40-14.00 Нарисованное кино. «Незнайка и Барабас».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
17.15 «Болалар спорти».
17.35 Концертная программа.
19.00 «Вести недели».
20.00 «Тайм-аут».
20.25 «Проф-РИНГ».
21.15 «Халқ ўйинлари».
21.30 «Хабарлар».
21.45 «Спорт – менинг ҳаётим».
22.05 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Телехамкор» фойдали газета
9.25 «Детский час»
10.00 «Юлдузлар табриги» ёшлар учун мусикий дастур
11.00 «Ёввойи сайёра», хужжатли фильм узбек тилида
11.20 «Телехамкор» фойдали газета
11.40 Документальный сериал
13.00 «Спорт-Экстрим»
13.30 Хит-парад.uz
14.50 Боллалар соати
15.45 Дневной кинозал «Беспокойный свидетель» остросюжетный фильм
17.25 «Телехамкор» фойдали газета
17.45 «Мусикий лахзалар»
18.20 Киновечер на «30-м»: «Прожигая жизнь», комедия
19.50 «Ошикона», мусикий дастури
20.35 «Солдаты 3», сериал
21.35 «Телехамкор» фойдали газета
21.55 «Мусикий лахзалар»
23.00 Воскресный киновечер на «30-м» «Хроники Риддика», фантастика
0.00 Программа передач

ОРТ

5.00, 9.00, 11.00, 20.00, Новости
5.10 «Шутка за шуткой».
5.20 Фильм «Американская дочь»
7.10 Служу Отчизне!
7.40, 12.10 Дисней-клуб.
8.10 «В мире животных»
9.10 «Непутевые заметки»
9.30 Пока все дома
10.10 Дог-шоу
11.10 Живой мир.
12.40 Кино. «Незнайка и Барабас»
14.00 Детектив «Женская логика»
16.00 Воскресный «Ералаш»
16.30 «Кривое зеркало»
18.20 Фильм «Остаться в живых»
20.45 «Пять звезд».
22.40 Бокс.
23.40 «На краю Вселенной».
0.40 Сериал «Секретные материалы»
1.30 Фильм «Дикарь»
3.00 Сериал «Относительность»
3.40 «Чарльз и Камилла». Док. фильм

РТР

5:00 «Доброе утро, Россия !».
7:00, 10:00, 13.00, 16.00, 19.00 ВЕСТИ.
7:10, 10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7:20 «Студия «Здоровье».
7:50 «ТВ Бинго шоу».
8:05 Детектив «Пуаро Агаты Кристи. Немой свидетель»
10:20 «Городок».
10:50 Сериал «Приключения мага».
11:55 «Ха». Маленькие комедии.
12:15 «Парламентский час».
13:20 Фильм «Человек-амфибия».
15:00, 16.10 Мелодрама «Амрапали - любовь раджи».
17:20 «Наши песни».
20:00 «Специальный корреспондент».
20:25 Фильм «Вне поля зрения».
22:50 «Пять звезд».
0:40 «Формула-1».
1:45 «Прочная сеть».
2:35 «Евроньюс».

НТВ

4:50 Комедия «ФРАНЦУЗСКИЙ ПОЦЕЛУЙ».
6:30 Детское утро на НТВ. «СКАЗКИ БАЖЕНОВА»
7:00, 9:00, 12.00, 15.00, 18.00, 3.00 «СЕГОДНЯ»
7:15 Сериал «ПОЛИЦЕЙСКИЙ КЭТТС И ЕГО СОБАКА: РОКОВАЯ ОДЕРЖИМОСТЬ».
7:40 «ИХ НРАВЫ»
8:25 «ЕДИМ ДОМА!»
9:15 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».
9:50 «TOP GEAR». ПРОГРАММА ПРО АВТОМОБИЛИ.
10:25 Комедия «КРЕПКИЙ ОРЕШЕК»
12:20 «ВОЕННОЕ ДЕЛО»
12:55 Фильм «МИЛЛИОН ЛЕТ ДО НАШЕЙ ЭРЫ»
15:20 «ТАЙНЫ РАЗВЕДКИ»
15:55 «СВОЯ ИГРА»
16:55 «ЛЖЕЦ»
18:40 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ.»
19:15 Боевик «МУЖСКОЙ ХАРАКТЕР ИЛИ ТАНГО НАД ПРОПАСТЬЮ - 2»
21:30 «МУЗ-ТВ - 2005»
23:50 «ФАКТОР СТРАХА».
0:50 Фильм «ДИКАЯ ШТУЧКА».
3:15 Фильм «ВСЕ О ЛЮБВИ».

ТВ 3

7.30 Жизнь, полная радости.
8.00 «Девочка в цирке».
8.15 «Ежик в тумане».
8.30 «От двух до пяти».
8.45 «Как казаки инопланетян встречали».
9.15 «Тайна Третьей планеты».
10.00 Худ. фильм «ПУТЕШЕСТВИЕ ЕДИНОРОГА».
11.40 Худ. фильм «ЖЕЛЕЗНАЯ МАСКА».
14.30 Окно в мир.
15.00 Худ. фильм «РЫЦАРЬ ЗАКАТА».
17.10 Худ. фильм «СРОЧНОЕ ПОГРУЖЕНИЕ».
19.00 «Голливуд On-Set».
19.30 «Осторожно, модерн!»
20.00, 1.00 Телесериал «ВЕЧНОЕ ЛЕТО».
21.00 Худ. фильм «БРЕЙК-ПОИНТ».
23.00 Худ. фильм «УМИРАТЬ ЛЕГКО».
2.00 Худ. фильм «ГЕМОГЛОБИН»..

ДТВ

8.30 Телесериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
9.15 Серебряный ручей.
9.25, 10.15 Любимые мультфильмы.
10.50 Худ. фильм «ВЛАСТЕЛИНЫ СТИХИЙ».
13.30 Реалити-шоу «Мой толстый противный жених».
14.30 Сериал «НИРО ВУЛЬФ».
15.25 Карданный вал.
15.55, 17.00 Сериал «КЛЮЧИ ОТ БЕЗДНЫ».
18.00 Сериал «РОЖДЕННЫЙ ВОРОМ».
19.00 Шоу рекордов Гиннесса.
20.00, 21.25 Худ. фильм «ОСТРОВ ПОГИБШИХ КОРАБЛЕЙ».
23.00, 0.00 Телесериал «C.S.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ».
1.00 «Голая правда».
2.15, 3.15 Сериал «РОЖДЕННЫЙ ВОРОМ».

ТНТ

6.00 «Удивительные миры». «Ямайка». Док. фильм.
6.50 «Жестокие войны».
7.15 «КОАЛЫ НЕ ВИНОВАТЫ».
7.35, 13.30 «Каламбур».
8.05, 18.00 «Фигли-Мигли».
8.35, 12.30 «Маски-шоу». Комедия.
9.00 «ИЩИТЕ ЖЕНЩИНУ». Детектив.
10.55 «Аленький цветочек».
11.30, 12.25 «Маззи».
11.40 «Сейлормун».
13.00, 18.30 «Верю - не верю».
14.00, 19.00, 0.00 Реалити-шоу «Большой брат».
15.00, 20.00, 23.30 Реалити-шоу «Дом-2. Жара».
16.00 «САША + МАША». Комедия.
16.30 «Две блондинки против грязи». «ДЕЗинфекция».
17.00 «Школа ремонта».
21.00 «АГЕНТСТВО НЛС-2».
22.00 Комедия «Комеди Клаб».
23.00 Секс с Анфисой Чеховой.
0.30 Наши песни.
0.35 «БАНЯ»..
2.45 «ДИАГНОЗ: УБИЙСТВО». Сериал.

СТС

7.00 «НЕБЕСА МОГУТ ПОДОЖДАТЬ». Худ. фильм.
8.50 «Табалуга».
9.20 «Смешарики».
9.30 «На Диком Западе».
10.00 «Том и Джерри. Комедийное шоу».
10.15 Кино. «КЛУБ ПЕРВЫХ ЖЕН».
12.25, 17.30, 20.20 Комедия. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
13.00 «Жизнь прекрасна».
15.00 «Снимите это немедленно».
16.00 Кино в деталях.
17.00 Истории в деталях.
18.05 «СПЕЦНАЗ ПОРУССКИ-2». Сериал «ПАРИКМАХЕР».
22.00 Кино. «СПРОСИТЕ СИНДИ».
0.00 Кино. «НЕДОТЕПЫ».
2.05 Кино. «ПРИСЯЖНАЯ».
4.10 Кино. «СЛУЧАЙНАЯ УЛИКА».

7 ТВ

6.00 9.30 4.00 5.00 Линия жизни.
6.30 8.00 8.30 3.00 4.30 Спортивные танцы.
7.30 5.30 Акробатический рок-н-ролл.
10.00 Веселые старты.
11.30 22.30 Назло рекордам.
11.40 22.40 Gillette World Sport.
12.10 14.30 22.00 Звезда автострады.
12.30 22.10 23.10 Музыкальный трек.
12.40 Автоспорт России. Суперсерия. Итоги 2-го этапа.
13.30 23.30 7 дней спорта.
14.00 Конный спорт.
14.40 Формула-1. Сезон-2005. «За кулисами Гран-при».
15.30 Автоспорт. Серия Ле-Ман. Прямая трансляция из Монца (Италия).
21.30 Диалоги о рыбалке.
0.00 Бильярд.
1.00 Интерактивный ТВ-чат.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз ва меҳрибон дадажонимиз, истеъфодаги подполковник **Норқозоқ Абдиевич АБДИЕВ**! Муборак 60 ёшингиз билан самимий қутлаймиз! Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Бахтимизга доим омон бўлинг.

Фарзандларингиз Ҳайдар, Акбар, Аҳрор, Дилдора ва бошқа оила аъзоларингиз.

* * *

Азиз дадажонимиз, Қибрай тумани ИИБ ЙҲХБ бошлиғи, майор **Ҳасан Исломович АРСЛОНОВ**! Таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз. Бахтимизга доим соғ-саломат юринг, шарафли хизматингизда омад ёр бўлсин.

Оила аъзоларингиз номидан,

рафиқангиз Мунира, фарзандларингиз Ғуломжон, Ёқубжон, Феруза, Наргиза ва келинингиз Шаҳнозахон.

БИР КУЛИШАЙЛИК

– Одамга ички овоз нега берилган?

– Овоз чиқариб айтолмайдиган гапларини ичида бемалол айтиши учун...

* * *

Бир бола полиция идорасига югуриб кириб деди:

– Ёрдам беринглар, кўчада отамни уришяпти!

Полициячи кўчага югуриб чиқса, икки эркак ўзаро муштлашишяпти. Полициячи сўради:

– Қайси бири сенинг отанг?

– Булар ҳозир шуни аниқлашяпти, – ғамгин овозда жавоб берди бола.

* * *

Онаси янги келин бўлиб, тушган қизига маслаҳат бераяпти:

– Болам, ҳеч ҳам эринг билан тортишма. Гапингга кўнмаса, дарҳол йиғлашга туш.

* * *

– Эрим билан ярашмоқчиман.

– Нега?

– Нима у бир ўзи маза қилиб яшайверсинми? Ҳаётини заҳарга айлантираман.

* * *

Шифохонага бориб ҳамкасбини кўриб келган сержант сафдошларига деди:

– Холмат ҳали-бери тузалиб, хизматга чиқмаса керак...

– Нима, уни даволовчи шифокор шундай дедими? –сўрашди хизматдошлари.

– Йўқ, унга қарайдиган ҳамширани кўриб қолдим...

* * *

Ресторанда икки йигит овқатланиб ўтиришибди. Бири иккинчисига:

– Қара, анави қизлар чиройли экан.

Иккинчиси:

– Юр, танишамиз.

Биринчиси:

– Жиндак сабр қил. Овқатларининг пулини тўлаб бўлишсин.

* * *

Ота:

– Ўғлим, мана 18 га кирдинг. Мен шу ёшимда чекишни бошлаган эдим. Эҳтиёт бўл, сен ҳам бундай зарарли одатларни ўрганма.

Ўғил:

– Хавотир олманг, ота. Чекишни ташлаганимга бир йил бўлаяпти.

* * *

Бир киши машинасини кўчада қолдирди. Унинг олд ойнасига қуйидаги мазмунда хат ёпиштириб қўйди: "Бензин тугаган. Магнитофон йўқ. Моторни ўғирлаб кетишган".

Қайтиб келса, ҳалиги хатнинг остига: "Унақада сенга ғилдиракларнинг нима кераги бор?!" деб ёзиб қўйишган экан.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚЎЙ. Душанба куни бажариладиган ишларни пухта режалаштириб, эҳтиросларингизни жиловлай олсангиз ютуқларга эришасиз. Чоршанба куни кутилмаган хушхабар кайфиятингизни кўтариб юборади. Жума куни одатдагидан серташвиш ўтиши мумкин. Ҳар қандай вазиятда ҳам тушкунликка тушманг. Яқинларингиздан бири ёрдам сўраб мурожаат қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

СИГИР. Ўз устингизда ишлаш учун вақт ажратинг. Куч-қувватингизни қийин туюлган юмушларга сарфлашни маслаҳат берамиз. Дўстлар билан бамаслаҳат фаолият юритиш муваффақият келтиради. Бироқ билдирилган ҳар қандай таклифни ҳам қабул қилмаганингиз маъқул. Аввал жиддий ўйлаб кўринг. Пайшанба кунги сафарлар ва саёҳатлар кўнгилдагидек ўтади.

ЭГИЗАКЛАР. Ақлий ишларни имкон қадар кам бажариб, кўпроқ ҳордиқ чиқаринг. Душанба куни бор куч-қувват ва қобилиятингизни ишга солишингизга тўғри келади. Юлдузларнинг башорат қилишича, дам олиш кунлари кичик муаммоларни осонгина бартараф этиб, хонадонни саришта қилиб қўясиз.

ҚИСҚИЧБАҚА. Раҳбарлар билан суҳбатда қўлга киритилган маълумотни яширмасликка ҳаракат қилинг. Ушбу ҳафтада турли хил воқеалар ва саргузаштлар кутилмоқда. Вазият тақозоси туфайли режалаштирилган айрим масалалардан воз кечишингизга тўғри келарди. Сешанба кунги тадқиқотларни атрофдагилар нотўғри талқин қилиши мумкин. Ишларни бажаришда анъанавий усуллардан фойдаланганингиз маъқул.

АРСЛОН. Сешанба куни одамларга аллақандай сирли кўринишни хоҳлайсиз. Шу истак туфайли атрофдагилар эътиборини ўзингизга жалб этасиз. Ҳар қандай масалада мустақил иш тутганингиз маъқул. Ички туйғуингизга таянган ҳолда ташаббус кўрсатинг. Бу эса албатта ўз самарасини беради. Оилавий муаммоларни ҳал этишни ҳам унутманг.

БОШОҚ. Душанба бошланган ишларни ниҳоясига етказиш учун қулай кундир. Тўпланиб қолган талайгина муаммоларни ҳафта давомида ҳал этишингиз зарур. Раҳбарлар илтимосини қондиришга ҳаракат қилинг. Дам олиш кунлари дўстлар даврасида бўлишни маслаҳат берамиз.

ТАРОЗИ. Муҳим вазифани ҳал этишда бир қарорга келганингиз маъқул. Қатъийлигингиз туфайли ютуқларни қўлга киритасиз. Ўз имкониятингизга муносиб баҳо беринг. Мабодо ишингиз юришмаса бундан асло тушкунликка тушмасликни маслаҳат берамиз. Йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш орқали кўзланган мақсадга эришишингиз мумкин.

ЧАЁН. Ушбу етти кун анча қийинчиликлар билан ўтади. Ҳар қандай вазиятда ҳам руҳингизни туширмаслик ютуқлар гарови эканлигини унутманг. Ҳафтанинг биринчи ярмида айрим тушунмовчиликлар руҳингизни тушириб юборади. Чоршанба кунга бориб барча масалалар осонгина ҳал этилади.

ЁЙ. Ижод билан шуғулланиш учун қулай даврдир. Талайгина ғояларингиз ҳаётга жорий этилади. Барча вазиятда ўзингизга ишонч ҳосил қилиш учун қатъийлик ва ташаббус кўрсатишингиз зарур. Тўпланган тажрибалар янги имкониятларни юзага келтиради. Дўстона учрашувлар учун қулай даврдир. Амалий муносабатларда чигал масала суд орқали ҳал бўлиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳаётингиздаги барқарорлик ва руҳингизнинг тетиклиги ҳар қандай вазиятдан осонгина чиқиш имконини беради. Ҳафтанинг бошида айтилган жойга кечикиб борманг. Акс ҳолда муаммолар келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Чоршанба куни барча масалаларни икир-чикиригача ҳал қилиб олишни маслаҳат берамиз. Мавқеингизнинг яхшиланиши саъй-ҳаракатларингизга боғлиқ.

ҚОВҒА. Ушбу ҳафтада ишларингиз юришиб кетади. Дўстларингиз қувонч ва ташвишларини сиз билан ўртоқлашадилар. Режаларни амалий ҳамкорлар билан маслаҳатлашиб, янгилаб олишнинг айни вақтидир. Тўпланиб қолган юмушларни кейинга қолдирмаганингиз маъқул. Сиз томоша қилган кўргазма ва кинолар узоқ вақт ёдингизда қолади.

БАЛИҚ. Ишхонада ва амалий шериклар билан муносабатларда ўзингизни босиқ тутинг. Куч-қувватингизни янги алоқалар ўрнатишга сарфлаганингиз маъқул. Жума куни раҳбарлар кўзланган мақсад сари интилишингиз ва ишбилармонлигингизни муносиб тақдирлашлари мумкин. Оилангизда осойишталик ҳукм суради. Шанба куни ижод билан шуғулланишни маслаҳат берамиз.

«Маънолар маҳзани»

БЎРИНИ БЎРИЛИГИ УЧУН ЭМАС, ҚЎЙНИ ЕГАНЛИГИ УЧУН ЎЛДИРАДИЛАР

Мажозий маъноси: "Одамни шунчаки одамлиги учун эмас, кишиларга зиён-заҳмат етказгани, золим, қонхўр бўлганлиги учун жазолайдилар, дейилмоқчи.

БЎРСИҚНИ УРГАН САРИ СЕМИРАДИ

Урган сари семириб кетаверадиган бўрсиқнинг ўзига хос хусусиятини назарда тутиб, юқоридаги мақол билан: "Ҳаромтомоқ, текинхўр, тамаъгир одам гап эшитгани, танбеҳ егани, шарманда бўлгани сайин ўзининг ярамас одатини авжига чиқаравераді", дейилмоқчи.

БЎЯЛГАН ТУХУМНИНГ ТАЪМИ БИР

Бу мақолнинг келиб чиқиши халқимиз орасида юрадиган қуйидаги бир афсона билан боғлиқ: Бибихоним мадрасасини қураётган уста минора тепасида туриб, атрофга қарабди. Шунда амир Темурнинг ҳарам саройига кўзи тушибди. Қараса, Бибихоним шойи-атласга беланиб, сарой ҳовлисида товусдек товланиб юрган эмиш. Устанинг кўнглига: "Оҳ, хотининг бўлса, шундай бўлса экан! Маза-маза подшоларники-да...", деган фикр келибди. Иттифоқо Бибихонимнинг ҳам назари устага тушиб, унинг кўнглидан ўтган фикрни авзойидан фаҳмлабди. Кейин дарров ўнта тухумни пиширтириб, ўн хил рангга бўятиб, канизагидан устага чиқазипти. Уста ҳам жуда нозиктаъб, зийрак, донишманд одам экан, шу заҳоти бунинг тагига етибди: "Оббо, Бибихоним мени фаҳмлабди-ку. Бу билан у: "Тухум бўялгани билан таъми бир бўлганидек, шойи-атласга беланганн ё юпун кийингани билан ҳамма хотин ҳам бирда", демоқчи. Уста: Энди мени амир Темурга айтиб, ўлдиртиради" деб, қанот ясаб, учиб кетган эмиш...

ВАТАН ГАДОСИ – КАФАН ГАДОСИ

Вариант: "Ватансиз инсон – куйсиз булбул". Халқимиз бу каби мақолларида Ватанни севиш, унга содиқ бўлиш зарурлигини уқдиради, униб-ўсган ерни ношукурчилик қилиб ташлаб кетиш жуда ёмон ва хунук оқибатларга олиб боришини кўрсатади.

ВАҚТ ТОҒНИ ЕМИРАР, СУВ ТОШНИ КЕМИРАР

Мазкур мақолни ўз қарилигидан, ҳолсиз, мадорсизлигидан нолийдиган, афсусланадиган одамга тасалли берганда: "Кўп хафа бўлаверманг, табиатнинг қонуни шундай, ўтган вақт, ўтган умр ҳар қандай бақувват одамни ҳам қаритади, ҳолдан тойдиради", деган маънода айтадилар.



Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ тузди.

ЎТГАН СОНДАГИ СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Як. Рост. Хум. Шиор. Ра. Рим. Зарб. Халқ. Без. Драп. Сара. Киши. Ложа. Асаб. Паркент. Пона. Трио. Крона. Неру. Иншо. Афт. Гард. Ал. Тақа. Анқо. До. Рио. Мина. Орол. Соч. Тола. Лама. Ярим. Моки. Низо. Паровоз. Руда. Мода. Алабама. Коса. Тана. Жазо. Ир. Таг. Ари. Эс. Заиф. Ту. Ре. Марк. Мита. От. Ин. Арта. Ас. Али. Мир. Ан. Омин. Анор. Олий. Ахборот. Азал. Гимн. Муомала. Амир. Гала. Қадр. Дала. Араб. Она. Тико. Маза. Асо. На. Дори. Бонн. Ми. Шарқ. Мен. Бром. Март. Банан. Имон. Фара. Пингвин. Анод. Атом. Бола. Одил. Атос. Бош. Васл. Омад. Аро. Ур. Паст. Ота. Азиз. Он.

БЎЙИГА: Ярд. Шарт. Хизмат. Гоҳо. Абу. Кира. Лион. Раис. Гана. Фтор. Маст. Олим. Ит. Оила. Маош. Пари. Азот. Фа. Олма. Шарм. Бинт. Одат. Амин. Дара. Оз. Ошам. Анатолий. Торт. Ва. Сас. Оқил. Агутин. Қирқ. Бас. Трап. Анапа. Амаки. Пост. Брак. Амал. Худо. Билл. Арра. Ара. Бор. Мана. Уд. Кофе. Об. Ом. Тенг. Эт. Кент. Ява. Рад. Наво. Хина. Ором. Олам. Нидо. Шашт. Ариза. Талаб. Нима. Или. Гном. Жарима. Азоб. Лаз. Оқ. Нақл. Каренина. Анри. Ди. Перо. Рози. Роза. Нома. Лорд. Мусо. Ма. Рама. Мона. Бону. Сода. Ар. Лира. Нота. Режа. Дока. Эрта. Расм. Доро. Аза. Сочи. Искана. Боис. Сон.

СПОРТ + ФУТБОЛ

ФУТБОЛ

"НАСАФ" ЧЕМПИОНЛИККА ДАЪВОГАР

Ўзбекистон чемпионатининг навбатдаги 12-турида Қаршининг "Насаф" жамоаси сафарда мубораклиқларни 2:0 ҳисобда мағлубиятга учратди. Бу ғалабадан кейин қаршиликлар биринчи даврани пешқадам сифатида якунлаши мумкин. Воҳа дербисида эса Зафар Холмуродов томонидан киритилган икки тўп ўйин тақдирини ҳал қилди. Шу билан бирга ҳужумчи тўпурарлар баҳсида анча илгарилаб олди.

"Қизилқум" меҳмони бўлган "Пахтакор" футболчилари ҳам кичик ҳисобда ғалаба қозонди.

Қолган ўйинлар қуйидагича якунланди:

"Навбаҳор" – "Сўғдиёна"–4:0
"Металлург" – "Трактор"–1:2
"Бухоро" – "Шўртан"–2:1
"Самарқанд–Д" – "Тўпаланг"–4:2
"Нефтчи" – "Локомотив"–4:0

ОЛДИНДА МАСЪУЛИЯТЛИ ЎЙИН

Миллий терма жамоамиз ўзининг навбатдаги ўта масъулиятли учрашувини Қувайт терма жамоасига қарши 17 августда ўтказади. Шу боис вакилларимиз ушбу ўйинга пухта ҳозирлик кўришни режалаштирган. Бош мураббий вазифасини бажарувчи Равшан Ҳайдаров июль ойининг иккинчи ўн кунлигида машғулотлар ташкил этишни мўлжаллаган.

– Миллий чемпионатимизда тўп сурадиган маҳаллий йигитларни пойтахтга тўплаб, йиғин ўтказамиз. Шундан сўнг Россияга йўл олмоқчимиз. У ерда маҳаллий жамоалар билан назорат ўйини ўтказамиз, – деган мураббий.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

"Ўзбекистон кубоги – 2005" баҳсларининг чорак финал ўйинларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. ЎФФда ўтказилган тадбирда кейинги босқичга йўл олган жамоалар вакиллари ҳамда футболимиз фахрийлари, спорт журналистлари иштирок этди. Қуръа натижасига кўра қуйидаги жуфтликлар маълум бўлди:

"Машъал" – "Нефтчи"
"Навбаҳор" – "Локомотив"
"Бухоро" – "Трактор"
"Насаф" – "Пахтакор"

Ўйинлар сентябрь ойида ўтиши режалаштирилган. Муддати ҳозирча номаълум. Ўйинлар номи биринчи кўрсатилган жамоа майдонида бўлиб ўтади.

ЎЙИН ДАВОМ ЭТАДИ

"Локомотив" – "Бухоро" учрашуви маълум сабабларга кўра кейинга қолдирилганидан хабарингиз бор. Куни кеча ЎФФ мусобақаларни ўтказиш бўлими мутахассислари якуний хулосага келди. Унга кўра, ушбу ўйин 5 июлда 38-дақиқадан бошлаб давом эттирилади. Таркиб ҳам, натижа ҳам, ҳатто сариқ карточкалар ҳам ўз кучида қолади.

ШЕВЧЕНКО УЧУН 85 МИЛЛИОН ЕВРО

"Милан" жамоаси ҳужумчиси Андрей Шевченко учун "Челси" хўжайини Роман Абрамович 85 миллион евро таклиф қилган. Бироқ "Милан" вакиллари бу трансфер амалга ошмаслигини айтиб, ҳужумчи сотилмаслигини маълум қилишган.

МАРАДОНА – "БОКА ХУНИОРС" ДИРЕКТОРИ

Афсонавий футболчи Диего Армандо Марадона шу йилнинг 1 августидан бошлаб "Бока Хуниорс" жамоасида спорт директори лавозимида иш бошлайди. У ўтган ҳафта истеъфога чиқарилган Хорхе Бенитес ўрнида ишлайди. Аммо у бу фурсатни кутиб ўтирмади. Жамоа бош мураббийлигига Альфио Басилени тайинлади. 1994 йилда Басиле Аргентина терма жамоасига бош мураббийлик қилганда, Марадона жамоа сардори эди.

РОБИНЬО ҚАЙСИ ЖАМОАГА ЎТАДИ?

Бразилиянинг "Сантос" жамоаси ҳужумчиси 21 ёшли Робиньони сотиб олиш учун Лондоннинг "Арсенал" ҳамда Мадриднинг "Реал" жамоалари ўзаро кураш олиб бормоқда. Футболчининг агентларига англияликларнинг таклифи кўпроқ маъқул келмоқда. Чунки улар 14 млн евро миқдорида маблағ тўлашмоқчи.

КОЛЛИНА ҲАКАМЛИКДАН КЕТАДИМИ?

Италиялик машҳур ҳакам Пиерлуиджи Коллинанинг катта футболдан кетиши ҳақидаги миш-мишлар мавсум бошидаёқ тарқалганди. Чунки у яна бир йилдан кейин 45 ёшни қаршилайди. ФИФА ва УЕФА қонун-қоидаларига кўра, бу ёш чегара ҳисобланади.

Айни пайтда Италия футбол Федерацияси мутахассислари мавжуд қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ва Коллинага "А" серия ўйинларини бошқаришни давом эттириш имконини бериш устида бош қотираяпти.

Ҳакам шу даражада машҳурки, уни футбол ватани вакиллари ўз юртларига чорламоқда. Сабаби, бу ерда ҳакамнинг ёши чегараланмаган бўлиб, исталган ёшда ўйинни бошқариши мумкин.

Мабодо, ҳакам ушбу юртга боришга рози бўлса, унга 8 млн евро миқдорида пул ваъда қилишган.

ШАХМАТ

Инсон тафаккурининг имкониятлари жуда катта. Тараққиёт кашфиёти бўлмиш компьютерни ҳам одамзод бунёд этган. У кейинги йилларда шу қадар ривожланмоқдаки, ҳатто ихтирочиси ҳам ўз мўъжизаси олдида танг аҳволда қолмоқда. Бунга мисол қилиб яқинда Нью-Йоркда кечган компьютер ва инсон ўртасидаги шахмат баҳсини келтириш мумкин.

ҚОСИМЖОНОВ КОМПЬЮТЕР БИЛАН ДУРАНГ ЎЙНАДИ



ФИДЕ йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов инсоният вакили сифатида компьютерга қарши ўйин ўтказди. Бундан 8 йил аввал собиқ шахмат тождори Ґарри Каспаров "Дин Блю" компьютер дастурига қарши дона суриб, ютқазиб қўйганди. Бу сафарги "Аккоона" тўққизинчи авлод дастурига қарши баҳсда ҳамюртимиз дурангга имзо чекди. Бу дуранг ҳам осонликча қўлга киритилмади. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, бир сонияда 3 миллионта юришни кўриб чиқиш имкониятига эга бўлган "ақлли" рақибга қарши дона суришнинг ўзи бўладими?

Инсон тафаккури ҳамда компьютер ўртасидаги баҳслар мухлислар эътиборини тобора жалб этмоқда. Яқин кунларда британиялик гроссмейстер, рейтинг бўйича олтинчи ўринни эгаллаб турган Майкл Адамс Бирлашган Араб Амирликларида яратилган "Гидре" суперкомпьютери билан олти партия дона суради. Компьютер билан баҳслашган шахматчилар бу ўйинларда пул мукофоти асосий эмаслигини эътироф этишса-да, беллашувда иштирок этган киши бешта рақамли катта сумма эгаси бўлади.

БОКС

ИБРОҲИМОВЛАР ЖАНГИ

Яқинда Лас-Вегас шаҳрида икки фамилиядош боксчи – ҳамюртимиз Темур ҳамда россиялик Султон Иброҳимовлар ўртасида ўта оғир вазнли боксчилар жанги бўлиб ўтади. Спортчимиз бу йўлда бразилиялик Рожерио Лобони 4-раундда нокаутга учратган эди. Ҳамюртимизга ушбу жангда зафар тилаймиз.

Саҳифани Абдулҳай ЮНУСОВ тайёрлади.

35 дан 7 «КАТТА ЛОТТО»

13-ТИРАЖ 29.06.2005

ЮТУҚ ЧИҚҚАН РАҚАМЛАР

25 33 8 34 17 11 20

7 та рақам — йўқ.

6 та рақам — 2 вариантда тўғри кўрсатилган. Уларнинг ҳар бирига 347288 сўмдан берилади.

5 та рақам — 56 вариантда тўғри кўрсатилган. Уларнинг ҳар бирига 13561 сўмдан берилади.

14-тираж учун
ЖЕК ПОТ 250.000.000 сўм

«Sportlotto» Ўзбекистон–Америка қўшма корхонаси

Осойишта маҳалла обод бўлур

ОЛЯ ОПАНИНГ БЕОРОМ КУНЛАРИ

Оля опа уйига келиб, бироз дам олай деган ўй билан ичкарига киришга улгурмай, дарвоза тақиллади. Эшик очилган заҳоти келган киши гап бошлади.

– Опа, хайрият уйда экансиз. Яна ўша жанжал. Акам ва янгам эски дийдиёларини бошлаб қолишди. Икки болам билан қаерга бораман? Жон опа, бу гал яхшилаб ғаплашиб қўймасангиз, бизга тинчлик йўқ.

Бу оиладаги жанжал, яъни ака-уканинг ўзаро уй-жой талашиши нафақат маҳалла фаоллари, балки қўни-қўшниларни ҳам безор қилган. Шундай бўлса-да, опа ноилож йўлга отланди. Ёнига бир-икки нафар фаолларни олиб, алламаҳалгача акаука ўртасидаги чигал масалалар ечимини топишга уринди. Икки томон муросага келгачгина, уйларига тарқалишди. Бу пайтда вақт алламаҳал бўлиб қолган, ҳамма осуда уйқуда эди. Бундай ҳол раиса опанинг кундалик ҳаёт тарзига айланиб қолган...

Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини Қамаши шаҳридаги марказий ҳудудни ўз ичига олади. Йиғинга қарашли икки маҳаллада 671 та оила истиқомат қилади.

1992 йилда ташкил этилган бу маҳаллага бутун умрини ўқитувчиликка бахш этган, ўз меҳнати туфайли халқ орасида ҳурмат-иззат топган жонкуяр аёл Оля Аҳмедова раислик қилади.

Опани доимо иш устида учратасиз. Гоҳ у, гоҳ бу ишларни ҳал қилиш учун тиним билмайди. Қисқаси, у ҳар бир фуқаронинг дарди, қувончига шерик.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп, деган нақл опанинг шиорига айланган. Ички ишлар идораси ходимлари билан ўзаро ҳамжиҳатликда амалга оширилаётган ишлари доимо ижобий натижа бериб келмоқда. Андижон воқеаларидан сўнг деярли ҳар бир кўчада фуқаролар билан учрашувлар ўтказилиб, содир этилган ғаламислик ҳолатлари бўйича батафсил тушунча берилди. Бундай ҳолатлар келиб чиқмаслиги учун нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Маҳалла ҳудудида 3 та спорт иншооти, 2 та кутубхона, 6 та маънавият ва маърифат хонаси бор. Спорт бўйича 5 нафар республика чемпионлари етишиб чиққан. 22 та кам таъминланган оила фуқаролар йиғини томонидан қўллаб-қувватлаб келинади. Ҳар чорақда 12 та оилага моддий ёрдам берилади. Уч нафар ёлғиз қария эътиборда. Тадбиркор, фермерлар ҳам имкон қадар кўмак бериб туришади.

Туман ИИБдаги 201-милиция таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Салоҳиддин Диёров ва маҳалла посбони Олим Аллаёров ҳар ишда опага кўмакдошлар.

Ҳа, Қамашида ана шундай тинч-тотув маҳалла бор. Асосий диққат-эътиборни осудаликни таъминлашга қаратиб, огоҳлик унутилмаган жойда ҳамиша омонлик бўлаверади.

Соҳибжамол АМИНОВА

Суратда: *туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, майор Норпўлат Ҳамроев ва Оля опа Аҳмедова фуқаро билан мулоқотда.*

"Маҳалла нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу - сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир"

И.КАРИМОВ.

Хизматларда

ТАЪТИЛДА ҲАМ НАЗОРАТ КЕРАК

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили давом этяпти. Бу даврда кўпчилик болалар ўз вақтларини соғломлаштириш масканларида, дам олиш оромгоҳларида ўтказадилар. Қишлоқ болаларининг аксарияти эса далада ишлашади, мол боқишади, уйда бўлишади. Ҳозир ёзнинг айни жазирама кунлари, ўт-ўланлар қовжираган пайт. Озгина эътиборсизлик қилиб ташланган сигарет қолдиғидан ҳам ёнғин келиб чиқиш эҳтимоли бор. Аҳён-аҳёнда кўча-кўйларда, аҳоли турар жойларида тўп-тўп ёндирилган ахлат уюмларига кўзингиз тушади. Афсуски, кейинги пайтда тўпланган дағал хашаклар йўлнинг чекка қисмида, кўчаларда, молхона ва уйлар деворларига яқин қилиб ғарамланиши, чордоқларда сақланиши ёнғин келиб чиқишига ва тезда катта майдонларни қамраб олишига сабаб бўляпти. Бундай эҳтиётсизлик билан оловдан фойдаланиш кимларгадир кулфат келтириши мумкинлигини эса ҳеч ким хаёлига келтирмайди. Ёзги таътилда кўчани тўлдириб ўйнаб юрган, ҳар нарсага қизиқувчан болаларни ёнаётган олов олдига яқинлашмай, олов ўйнамай ўтиб кетади, деб ким ҳам кафолат бера олади? Шунинг учун ҳам уларни нафақат мактаб даврида, балки таътилда юрганида ҳам эътибордан четда қолдириш керак эмас.

Ёнғинлар таҳлилига назар ташласак, одамлар, айниқса, ёш болаларнинг куйиб, жароҳат олиши ёки ҳаётдан бевақт кўз юмиши ҳолатларининг ҳамон учраётгани барчани ташвишга солмоқда. Жорий йилнинг беш ойи давомида 579 та ёнғин рўй берган бўлса, шундан ота-оналар эътиборсизлиги ва вояга етмаган болаларнинг қаровсиз қолдирилиши сабабли юзага келган ёнғинлар 85 тани ташкил этди. Натижада, масалан, 6 апрель куни Чиноз тумани Ўзбекистон ширкат хўжалиги Дўстлик маҳалласида истиқомат қилувчи Газиевлар хонадонида содир бўлган ёнғинда 4 нафар бола ҳаётдан бевақт кўз юмган.

19 июнь куни Ғазалкент шаҳри Ф. Хўжаев кўчасида яшовчи 1990 йилда туғилган С. Миракбаров гугурт ўйнаб, молхонадаги сомонни ёқиб юборган. Оқибатда молхонанинг шиферли қопламаси, шифтлари ёниб, хонадон эгалари катта миқдорда зарар кўради.

20 июнь куни Паркент тумани Кумушкон ширкат хўжалиги, Навоий кўчасида истиқомат қилувчи О.Гулматова ота-онасининг назоратидан четда қолиб, хоналарнинг биридан гугурт топиб олади. Гугуртни олиб бирин-кетин ёқа бошлайди. Унинг гугурт билан ўйнаши уйда ёнғин содир бўлишига олиб келади.

Халқимизда, "бола азиз одоби ундан азиз", деган ҳикматли ибора бор. Болаларни ёнғин хавфсизлиги қоидалари билан таништириб бориб, уларни қаровсиз қолдирмай, эҳтиёткор бўлсаккина мудҳиш воқеаларнинг олди олинади. Зеро, олов тилсиз ёв экан, ундан тўғри ва унумли фойдаланиш, нафақат ёнғин назорати ходимлари балки, барчанинг масъулиятли вазифасидир.

Р. СУЛЕЙМАНОВА,
Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ муҳандиси, катта лейтенант.

ҲУШЁРЛИК – ШИОРИМИЗ

Бухоро вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, майор Шавкат Худоёрович Нуруллаев билан ходимларнинг бугунги кундаги фаолияти ҳақида суҳбат.

– Шавкат Худоёрович, сўнгги пайтларда қўриқлаш бўлими ходимлари зиммасидаги масъулият ошса ошяптики, камаймаяпти, шундай эмасми?

– Гапингиз тўғри. Масъулият шундаки, юртимиз тинчлиги, фуқароларнинг хотиржам яшаши бир жиҳатдан биз, қўриқлаш хизмати ходимларига ҳам боғлиқ. Тасарруфимизда 12 та шаҳар ва туман қўриқлаш бўлим ва бўлинмалари, вилоятдаги кўплаб ўта муҳим ва тоифаланган иншоотлар қўриғини ташкил этувчи алоҳида милиция батальони мавжуд. Давлат, шахсий ва хусусий корхона, ташкилотлар ҳисобидан мингдан зиёд, фуқаро хонадонлари ҳисобидан эса 705 та қўриқланадиган объектга эгамиз. Шуни алоҳида эътироф этиб ўтишимиз лозимки, йил бошидан бери биз қўриқлайдиган иншоотларда бирорта ҳам ўғирлик ёки бошқа турдаги нохуш ҳолатларнинг келиб чиқишига йўл қўйилмади. Шунинг учун ҳам бизнинг хизматимиздан фойдаланмоқчи бўлган ташкилот, корхона ва хонадон соҳиблари сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

– Лекин корхона ва ташкилотларда, ҳатто хусусий корхоналарда ҳам ташмачилик ҳолатлари ҳануз учраб турибди.

– Тўғри. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва нохуш ҳолларга барҳам бериш мақсадида қўлланган чора-тадбирларимиз натижасида майда ташмачилик билан шуғулланган шахслар аниқланиб, бир миллион сўмдан ошиқ товар-моддий бойликлар талон-тарож бўлишининг олди олинди. Айрим материаллар қонуний кўриб чиқилиши учун судларга юборилди. Умуман, йил бошидан бери қўриқлаш хизмати ходимлари 40 га яқин жиноятнинг фош этилишига ҳисса қўшишди. Шу ўринда Когон, Ромитан, Қоракўл, Олот туманлари ва Бухоро шаҳри қўриқлаш хизмати ходимлари меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Б. Худойқулов, Х. Авезов, З. Ражабов, Х. Эргашев, С. Муҳидов, А. Ҳамидов, А. Файзуллаев, М. Орипов кабилар пешқадам ходимларимиздан ҳисобланади. Ўтган давр ичида тўрт юздан зиёд ходим ишдаги ижобий натижалари учун рағбатлантирилгани ҳам бежиз эмас.

– Бугунги кунда қўриқлаш хизмати ходими қандай бўлиши керак деб ҳисоблайсиз?

– Аввало маънавий баркамол инсон бўлиши лозим, дунёқараши кенг, илғор фикрли ходимгина ўз вазифаси моҳиятини тўла англаб, тезкор вазиятда тўғри қарор қабул қила олади. Соғлиғи мустаҳкам, спорт билан доимий шуғулланадиган, жисмонан бақувват бўлиш, ҳушёрлик, сергаклик қўриқлаш хизмати ходимининг муҳим жиҳатлари саналади. Шунинг учун шахсий таркиб ўртасида мунтазам равишда маърифат дарслари, сиёсий ўқув машғулотлари, спорт беллашувлари ташкил қиламиз. Тактик ўқув машқлари уюштирамиз. Йил давомида ходимларни шаҳодат кўригидан ўтказиб турамиз.

– Ходимлар таркибини сифат жиҳатдан мустаҳкамлаш учун яна қандай чоралар қўлланилаяпти?

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги Фармонида илгари сурилган вазифаларни бажариш учун аввало шахсий таркиб давр талабларига тўла жавоб бера олиши керак. Шунинг учун сафимизни махсус малакага эга ёшлар ҳисобига мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беряпмиз. Бугунги кунда жамоамизнинг учдан бир қисми олий ва ўрта-махсус маълумотга эга. Бу бизни қаноатлантирмайди, албатта. Ходимларимизни республика ИИВ тассаруфидаги махсус олий таълим муассасаларига ўқишга юборяпмиз. Шунга эришишимиз керакки, келажакда қўриқлаш хизматида ишлайдиган номзодлар билан мактаб ёшидаёқ алоҳида ишлаш, уларнинг юрагида эл-юртга нисбатан беқиёс муҳаббат уйғотиб, ўз сафимизга етук ходим этиб қўшишимиз даркор.

Суҳбатдош: Эркин ФОЗИЛОВ.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

E-mail: urmvd@globalnet.uz Тел.: 54-37-91

"Фуқаролар ўзларининг поймол қилинган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун қаерга мурожаат қилишлари мумкин?

З. Самариддинов,
ҳайдовчи".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига асосан, бизнинг давлатда ҳар бир фуқаро ўзининг поймол қилинган ҳуқуқлари юзасидан уларни ҳимоя қилиш борасида судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқлар нафақат Конституция ва қонунлар, балки бошқа меъёрий ҳужжатлар билан ҳам юридик жиҳатдан кафолатланади. Суд орқали ҳимояланиш ҳар бир жисмоний шахснинг ҳуқуқидир. Лаёқати чекланган шахслар бунга эришиш учун ҳимоячилари, ота-оналари, қариндошлари ёки ворислари орқали судга мурожаат қилишлари мумкин.

"Мамлакатимиз фуқароларига паспорт берилганда фуқаро тўғрисидаги маълумотлар қайси тилларда ёзилади? Шу ҳақда билмоқчи эдим.

М. Улашев,
Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани".

Мазкур саволга Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи, подполковник К. Сарбаев шундай жавоб берди:

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бериладиган паспортларга Ўзбекистонда ўзбек, рус тилларида, Қорақалпоғистонда эса ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида ёзилади.

"Оила қураётган эдим. Бўлажак умр йўлдошим билан тиббий кўрикдан ўтишим кераклигини маълум қилишди. Айтинг-чи, бу мажбурийми?

Қ. Даминов,
Тошкент тумани Кўктерак қўрғони".

Юридик фанлари доктори, профессор Ж. Холмўминов ва юридик фанлари номзоди Н. Нарматовларнинг тушунча беришича, мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантириш юзасидан олиб борилаётган сиёсатнинг ёрқин ифодаси сифатида шуни таъкидлаш жоизки, никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий кўрикдан ўтишлари мажбурий ва бепулдир. Тиббий кўрикдан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган.

"Қўшним бир савол билан мурожаат қилиб қолди. Очиғи жавоб беролмадим. Шу боис сизларга хат йўллаяпман. Айтинглар-чи, ахлоқ тузатиш ишлари кимларга нисбатан қўлланилмайди?

О. Зубайдуллаев,
Юнусобод тумани 9-мавзе".

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Ф. Мирзаев:

– Ахлоқ тузатиш ишлари нафақа ёшига етганлар, меҳнатга қобилиятсизлар, ҳомиладор аёллар ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

"Қурилиш соҳасида ҳуқуқбузарликка йўл қўйган юридик шахслардан жарима қандай тартибда ундирилади?

В. Давлатов,
қурувчи".

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи, полковник М. Сагатов:

– Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жарима юридик шахслардан республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 13 сентябрда тасдиқланган Низомга кўра ундирилади.

"Келгусида ҳуқуқшунос бўлиш ниятим бор. Ҳозирда ҳуқуқий билимимни бойитиб бораяпман. Мени бир савол ўйлантираяпти. Фуқарога нисбатан қандай ҳолатларда жиноят иши қўзғатилиши мумкин?

З. Одилова
Қарши шаҳридаги мактаб ўқувчиси".

Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник А. Хушвақтов:

– Жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 322-моддасида белгилаб қўйилган. Унга кўра:

– шахснинг аризалари;

– корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;

– оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;

– жиноят содир этганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органлари, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқлаши;

– айбни бўйнига олиш ҳақидаги арз жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлади.

"Ўғлим ҳадемай қамоқ муддатини ўтаб қайтади. Ҳозирда жазони ижро этиш жойларидан озод қилинаётган шахслар тўғрисида оиласига олдиндан хабар берилиб, уйигача кузатиб борилади, деб эшитдим. Шу тўғрими?

З. Қобилов,
Сурхондарё вилояти Денов тумани".

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 173-моддасига биноан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор ва ёш боласи бор аёллар, шунингдек, вояга етмаган маҳкумларнинг озод қилиниши тўғрисида уларнинг қариндошлари ёки бошқа шахсларни олдиндан хабардор қилади.

– Соғлиғига кўра доимий парваришга муҳтож, шунингдек, ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар яшаш жойига қариндошлари ёки бошқа шахслар, муассаса маъмурияти вакилининг кузатувида жўнатилади;

– ногиронлар ва қариялар ўз илтимосларига кўра, ногиронлар ва қариялар уйига жўнатилади;

– вояга етмаган маҳкумлар ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига жўнатилади;

– ота-онаси йўқ вояга етмаган шахслар, зарур ҳолларда интернатга жўнатилади ёки ҳомийлар қарамоғига берилади;

"Ҳозирда оиламиз билан эрим узоқ вақт меҳнат қилган ташкилот томонидан тақдим этилган уйда яшаяпмиз. Яқинда бу жойдан ҳамма кўчирилар экан, деган гапни эшитиб қолдим. Бундай ҳолатда бизга бошқа турар жой бериладими?

А. Мадаминова,
уй бекаси".

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 80-моддасида қайд этилишича; бошқа турар жой берган ҳолда хизмат турар жойларидан қуйидаги тоифадаги шахслар кўчирилади:

– 1 ва 2- гуруҳ ногиронлари;

– 1941-1945 йилларидаги уруш фахрийлари ва байналминалчи жангчилар;

– ҳарбий хизматни ўтаётганида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;

– ногирон фарзандлари бўлган оилалар:

– тарбиячи ота-оналар (оилавий болалар уйи тугатилган тақдирда);

– хизмат турар жойи берган ташкилотларда камида ўн йил ишлаган (хизмат қилган) шахслар;

– эгаллаб турган лавозими муносабати билан турар жой берилган бўлиб, лавозимидан бўшаган, лекин турар жойни берган корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнатга оид муносабатларни узмаган шахслар;

– ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши ёхуд корхона, муассаса, ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган шахслар;

– ўзи ишлаган корхона, муассаса, ташкилотдан пенсияга чиққан ходимлар;

– хизмат турар жойи берилган шахс вафот этганда унинг оила аъзолари;

– вояга етмаган фарзандлари билан бирга яшаётган ёлғиз шахслар.

"Мулк эгасининг қўриқлаш хизмати билан шартнома тузишдаги ҳуқуқлари нималардан иборат? Шу ҳақда маълумот берсангизлар.

З. Додажонов,
Ширин шаҳри".

Сирдарё вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими хизмат гуруҳи катта инспектори, лейтенант А. Хўжамуродов:

– Фуқароларнинг шахсий мулкини қўриқлаш ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари амалий фаолиятида муҳим ўрин тутади. Қўриқлаш хизмати билан шартнома тузаётган ва унда тараф сифатида иштирок этаётган фуқаро муомала лаёқатига эга бўлиши шарт. Бинобарин, вояга етган, яъни 18 ёшга тўлган ва қонунда белгиланган тартибда муомала лаёқати чекланмаган ҳар қандай шахс шартномада тараф сифатида иштирок эта олади. Тузилган шартнома бўйича, қўриқлаш хизмати хонадондаги мулкни қўриқлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Шартнома матнига кўра агар қўриқлаш хизмати қўриғига олинган объект ёки хонадондан қўриқлаш хизмати қўриғи вақтида ўғирлик содир этилса ва моддий қимматликлар ўғирланган тақдирда йўқотилган мулк учун қўриқлаш хизмати жавоб беради ва келтирилган зарарни белгиланган тартибда тўлайди. Келтирилган зарарни қоплаш тартиби намунавий шартнома матнида келтириб ўтилади.

Қўриқлаш хизмати билан объект раҳбарлари ёки хонадон эгалари ўртасида тузиладиган қўриққа олиш шартномасида кўрсатилган қўриқ хизмати баҳоси ҳисоб-китоб сметалари орқали аввалдан келишиб олинади. Энг асосийси, бу шартноманинг мақсади халқ хўжалиги объекти маъмурияти, хонадон эгасининг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириш ҳисобланади.

Тадбир

МАСЪУЛИЯТНИ УНУТМАГАН ҲОЛДА...

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида республикадаги сиёсий-ижтимоий аҳвол, бугунги кунда ички ишлар идораларининг асосий бўғини ҳисобланган шахсий таркиб билан ишлаш хизмати олдида турган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда пойтахт вилояти ИИБ шаҳар-туман ИИБлари бошлиқлари, саф қисмлари командирлари, бошқарма ЙҲХБ, қўриқлаш бошқармаси, ЁХБ бошлиқларининг шахсий таркиб билан, кадрлар билан ишлаш бўйича ҳамда жазони ижро этиш муассасалари бошлиқларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, уларнинг ёрдамчилари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ИИБ бошлиғи, полковник М. Адилов кириш сўзи билан очди.

Республика ИИВ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, полковник А. Сатторов мамлакатимиздаги сиёсий-ижтимоий аҳвол, ички ишлар ходимларининг халқ осойишталиги, фуқаролар хавфсизлиги, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, етиштирилган ғалла ҳосилини нобудгарчиликларсиз йиғиштириб олишда қўшаётган ҳиссаси, ҳуқуқбузарликларга қарши курашда ўз вазифаларини шараф билан уддалашаётганини айтиб ўтди.

Нотиқ шунингдек, жорий йил 13 май куни Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва бунда вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан йўл қўйилган бир қатор камчиликларга тўхталди. Ана шундай хатолар қайта содир этилмаслиги учун ички ишлар идоралари томонидан қонун ва меъёрий ҳужжатларга, ижрочилик интизомига амал қилиш, хизматга бўлган масъулият ҳамда жавобгарлик ҳиссини етарлича англаб етиш, ходимлар ўртасида соғлом муҳитнинг яратилиши, кадрлар қўнимсизлиги масалаларига раҳбарлар алоҳида эътибор қаратишлари лозимлигини уқтирди. Бу борада маърифий, ҳуқуқий мавзудаги Маърифат дарсларининг ўтказишни йўлга қўйиш, шахсий таркиб ўртасида интизом ва қонунчиликни мустаҳкамлаш ишига жамоат ташкилотлари вакилларини жалб этиш муҳимлигини таъкидлади.

Вилоят ИИБ бошлиғи, полковник М. Адилов Андижон воқеалари барчамизга сабоқ бўлиши, ҳар бир ходим фуқароларга давлатимизнинг сиёсатини етказиши, диний экстремистик оқимларнинг ғояси фақат аянчли оқибатларга олиб келишини тушунтиришлари лозимлиги, шахсий таркиб билан ишлаётган раҳбарлар юқоридаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишлари шартлигини қайд этди.

Йиғилиш иштирокчилари кўрилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, бир қатор таклифлар киритишди.

Ўз мухбиримиз.

Экология ва транспорт

ҲАВОНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

Ҳар бир тирик мавжудотнинг яшаши учун, энг аввало, ҳаво, сув ва озуқа, қолаверса, маълум табиий шарт-шароит керак. Айни пайтда экологик вазиятни яхшилаш, атроф-муҳитни автотранспортнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш жаҳон миқёсидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва ҳавонинг тозалигини сақлаш мақсадида Бухоро вилоятида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

– Транспорт воситаларининг техник ва экологик ҳолатини яхшилаш, йўл ва йўл иншоотлари ҳолатини назорат қилиш ҳамда барча фуқаролар ўртасида бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш сингари вазифалар фаолиятимизнинг асосий мезони ҳисобланади, – дейди вилоят "Экотрансназорат" маркази директори Хайрулла Иноятов. – Айниқса, республикамиз миқёсида мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган "Тоза ҳаво" тадбири давомида барча автокорхоналарда, соҳага дахлдор муассаса ва ташкилотларда унинг моҳияти ҳамда аҳамияти тўғрисида суҳбатлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Автотранспорт воситаларидан чиқаётган заҳарли газлар миқдорини назорат қилиш борасида кенг жамоатчилик, чунончи манфаатдор ташкилотлар, масалан, вилоят ИИБ ЙҲХБ, республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вилоят бўлими ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Жумладан, йўлларда, автокорхоналарда транспорт воситаларининг экологик ҳолатини назорат қилиш ишлари жадал суръатларда давом эттирилаётир. Бундан ташқари автоуловларга қўйиладиган ёнилғининг сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки атроф-муҳитнинг экологик тозалигини таъминлаш кўп жиҳатдан ёнилғи сифатига ҳам боғлиқ. Шу кунларда вилоят "Экотрансназорат" маркази ходимлари ЙПХ ходимлари билан биргаликда вилоят ҳудудига ҳар бир транспорт воситасининг техник жиҳатдан соз, экологик тоза ҳолда киришини таъминламоқда. Бу эса ўз навбатида атроф-муҳит зарарланишининг олдини олишда муҳим омил бўлаётир.

Суратда: *Бухоро вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХ катта инспектори, майор Наби Болтаев, "Экотрансназорат" маркази бош муҳандиси Алижон Шароповлар хизмат пайтида.*

Муаллиф олган сурат.

Шунингдек, автотранспорт воситаларидан чиқадиган зарарли газлар, тутун ва қурумлар таъсиридан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш мавзусида ўқув семинарлари ташкил этилди. Қурум ва тутун ўлчовчи замонавий асбоб-ускуналар келтирилди. Бундан ташқари ҳаракатдаги таҳлилхона ташкил қилиниб, ойда икки марта туманларда экологик вазият ўрганилмоқда. Бундан кўзланган ягона мақсад – атроф-муҳитни зарарли газлардан ва бошқа ифлослантирувчи моддалардан муҳофаза қилишдир. Зеро, атмосферамиз ҳавоси қанча тоза бўлса, қолаверса, она табиатга меҳр-мурувватли бўлсак, ҳаммамизга шунчалик яхши.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ.

Ислоҳотлар – амалда

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА МОС

Жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида ўтказилаётган ислоҳотлар бугунги кунда яхши самара бераётганини халқимиз ва дунё ҳамжамияти тан олмоқда.

Истиқлолга эришганимиз – ўз озодлигимиз ва эркинлигимизнинг бошланиши, холос. Бу имкониятни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун давр тақозо этадиган, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларига жавоб берадиган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишни ҳаётнинг ўз тақозо қилди. Юртбошимиз мустақилликнинг қонуний пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида айнан шундай иш тутиши, жамиятда қонун устувор бўлиши лозимлиги, унга риоя этиш барчанинг бурчи экани, бу тамойиллар Конституция ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топаётгани ҳақида қатор чиқишлари ва асарларида такрор ва такрор таъкидламоқдалар.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлатимизнинг устувор вазифаси эканлигини эълон қилди. Бу сиёсат республикамиз Конституцияси ва қонунларимизда ўз аксини топди. "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон" Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни қабул қилиниши ҳам давлатимизнинг бу борадаги сиёсатининг давомидир.

Маълумки, жиноят қонунларининг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 26 та моддасида кўрсатилган жиноят ишлари бўйича жиноятларни биринчи марта содир этган шахс агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги белгиланди.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ҳам ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш ҳақидаги 62-боб билан тўлдирилди. Унда тергов, суд жараёни ҳамда юқори суд инстанцияларида ярашувни амалга ошириш тартиби белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, жазо тайинлаш билан боғлиқ суд амалиётида адолат ва инсонпарварлик тамойилларини кенг қўллаш, Жиноят кодексидаги жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтларини кенгайтириш, жумла, гумон қилинувчи, айбланувчининг жабрланувчи билан ярашуви муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш каби янгиликларнинг ЖК ва ЖПКда акс эттирилиши терговчи, прокурор ва судьядан жазонинг мақсади ҳақидаги дунёқараш ва ҳуқуқий тафаккурини ўзгартиришни талаб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, амалиётга ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш институтининг жорий этилиши жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Маълумки, ўзбек миллий маънавиятидаги энг ажойиб хусусиятлардан бири ҳаётнинг кўп мушкулотларини кечиримлилик ва ярашув йўли билан ҳал қилишдир. Яраштириш нафақат жабрланган ва айбдорга маънавий, иқтисодий фойдали бўлиб қолмасдан, балки жамиятнинг барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Ярашув жамиятда тинч-тотувликни таъминлаб, зўравонлик ва шафқатсизликнинг камайишига олиб келади, қонунбузарликнинг олдини олишда фуқаролик жамиятининг асоси бўлган ўзиниўзи бошқариш органлари ролини оширади, ҳуқуқ-тартибот ходимлари учун бюджетдан ажратиладиган ҳаражатларнинг сезиларли камайишига олиб келади.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай кўрилади.

Жиноят-процессуал кодексининг "Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш" деб номланган янги 62-боб билан тўлдирилганлиги миллий менталитетимизга мос келади, деб айтиш мумкин. Демак, ярашув ҳуқуқий-маънавий ҳодисага айланди У эндиликда мамлакатимиз ҳуқуқий меъёрлари таркибида жамиятимиз тараққиётига хизмат қилади. Бунга кўплаб ҳаётий мисоллар келтириш мумкин.

Жорий йилнинг 5 апрель куни Сирдарё шаҳри, Ўзбекистон кўчасида ўзининг "Нексия" русумли автомашинасида кетаётган Содиқжон (исмлар ўзгартирилган) йўл ҳаракати қоидасини бузиши оқибатида пиёда Қобилжонни уриб юборган. Натижада жабрланувчи шаҳар касалхонасига ётқизилган.

2005 йил 16 апрель куни тахминан соат 22.00 ларда Гулистон шаҳар 4-мавзеда жойлашган уйларнинг бирида икки оғайни учрашиб, улфатчилик қилишади. Ичкиликдан маст бўлиб қолган Ҳасан таниши Баҳром билан уришиб қолиб, уңга тан жароҳати етказади.

2005 йил, январь ойида тахминан соат 16.00 ларда Мамарасул турмуш ўртоғи Зубайдани уриб, тан жароҳати етказган. Тергов жараёнида Зубайда эри билан ярашди ва ушбу оила бузилишининг олди олинди.

Кўрсатилган жиноятлар бўйича тергов идоралари томонидан жиноят ишлари қўзғатилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 584-моддасига асосан тегишли судловга юборилган. Улар судларда кўрилиб, томонлар ярашганлиги сабабли жиноят ишлари тугатилган. Мамарасул, Содиқжон ва Ҳасанларнинг тақдирига "судланган" деган тамға босилмади.

Сирдарё вилояти ИИБ тергов бошқармаси терговчилари томонидан 2001-2004 йиллар давомида 696 та жиноят ишлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 584-моддасига асосан, яъни ярашув билан тегишли судловга юборилган. Мазкур ишлар бўйича жиноий жавобгарликка тортилган 721 нафар шахс "судланган" деган ном олади.

Деярли ҳар бир оилада баъзан жанжал бўлиб туради, айрим хонадонларда бу низолар "жанг майдони"га айланади ва бунинг натижасида кимдир тан жароҳати олади. Унинг соғлиғи ёки мулкига зарар етказилади, оқибатда оила бузилади. Уришган эр хотин, акаука, қўни-қўшнилар тергов давомида ярашишди, бир-бирларига етказган зарарни қоплашади. Ушбу қонун фуқаролар ўртасидаги меҳр-оқибат, одамгарчиликни мустаҳкамлаш ва фуқаролар ўз хатоларини тушунишига ёрдам беради.

Ўрол МУҲАМАДИЕВ,
Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник.

Терговчи ён дафтаридан

ЯГОНА ГУВОҲ – СВЕТОФОР

Жазирама ёз ойи. Этни куйдирар даражадаги офтоб нурлари кишини соя-салқинга чорлайдиган палла. Кун пешиндан оғган. ИИБ навбатчиси ички телефон орқали терговчи Исмоил Йўлдошевга шаҳардаги ўн еттинчи чорраҳада низоли автоҳалокат содир бўлганлиги, воқеа жойига чиққан тергов-тезкор гуруҳи масалани ҳал қила олмаётганлиги, шу сабабли бошлиқ уни воқеа жойига юборишни тавсия қилганлигини айтди.

Исмоил воқеа жойига чиққан тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг масъулиятсизлигидан норози бўлса-да, наилож, топшириқни бажаришга мажбур эди. У йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойга жўнаб кетди. Ҳодиса светофор ишлаб турган чорраҳада содир бўлган эди. Тўғридан ва ён томондан катта тезликда келган қизил ва кўк рангли "Жигули" автомашиналари чорраҳанинг ўртасида тўқнашган бўлиб, уларнинг олд қисмлари бутунлай пачақланган эди. У ербу еридан енгил жароҳат олган бўлсалар-да, иккала ҳайдовчи ҳам воқеа жойини кўздан кечиришда иштирок этишаётганди. Улар айбларини тан олишлари у ёқда турсин, иккаласи ҳам светофорнинг кўк чироғида чорраҳага кирганликларини пеш қилишиб, бир-бирлари билан тортишишни бас қилишмасди. Кўк рангли "Жигули"да бўлган, автоҳалокат натижасида қаттиқ жароҳатланиб, касалхонага жўнатилган ягона йўловчини инобатга олмаса, воқеани кўрган на бир гувоҳ ёки на бир ашёвий далил бор эди.



Исмоилни ЙПХ катта инспектори Султонов қарши олди ва воқеа тафсилотини қисқача баён этди. Кўп уринишларига қарамасдан, воқеани кўрган холис гувоҳларни аниқлай олмаганликларини, ҳайдовчилар эса айбларини тан олишмаётганлигини маълум қилди. Исмоил ЙПХ катта инспекторига саволлар бера бошлади:

– Авария нуқтаси қайси жойдалигини аниқладингизми?

– Албатта, авария нуқтаси чорраҳанинг ўртаси яқинроғида.

– Жароҳат олганлар борми?

– Ҳайдовчиларнинг енгил жароҳатларини эътиборга олмасак, кўк рангли "Жигули"да бўлган бир йўловчи жароҳат олган, уни ҳушсиз ҳолатда шаҳар марказидаги 1-сонли касалхонага жўнатдик. Ўзига келгандан кейин шу йўловчидан сўраб, қайси ҳайдовчи чорраҳага светофорнинг қизил чироғида кириб келганлигини аниқламасак, иш ҳолатини ойдинлаштиришга ёрдам берадиган бошқа гувоҳимиз йўқ.

– Жароҳатланган йўловчи ўзи ўтирган автомашина ҳайдовчисининг қариндоши ёки таниши бўлиши мумкин. Агар, бахтга қарши шундай бўлса, ундан ҳам ҳақиқатни билиб олиш муаммо. Шундай экан, бошқа жойдан ишончли далиллар қидиришимиз лозим. Энди тушундингизми?

– Худди шундай.

– Автомашиналарни нега ўрнидан жилдирдингизлар?

– Чунки расмийлаштирганимиздан кейин, автомашиналар қатновига халақит бермаслиги учун уларни йўлнинг четига олиб қўйдик.

– Автомашиналарнинг техник ҳолатини текширдингизми?

– Ҳали улгурганимиз йўқ. Уларни жарима майдончасига олиб борганимиздан кейин техник ҳолатини текширмоқчи эдик.

– Автотехника экспертизасидан мутахассис таклиф қилдингизларми?

– Ҳа, автотехника эксперти Юсупов суриштирув-текширув ишларида иштирок этмоқда.

– Ҳайдовчилар тўғрисида қандай маълумотларингиз бор?

– Кўк "Жигули" автомашинасининг ҳайдовчиси – Узоқ Раҳматов. Касби муҳандис, ҳужжатлари жойида. Спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги аниқланмади. Иккинчи ҳайдовчи, қизил рангли "Жигули"нинг ҳайдовчиси – Жўрахон Тўрахонов савдо ходими. Унинг ҳужжатлари ҳам жойида, спиртли ичимлик ичганлиги аниқланмади. Иккала ҳайдовчи ҳам енгил тан жароҳати олганликлари учун ўз истакларига кўра воқеа жойида иштирок этмоқдалар.

Исмоил тергов-тезкор гуруҳи томонидан тузилган ҳужжат ва чизмалар билан танишиб чиқди. Фақат светофорнинг қизил чироғида чорраҳага кириб келган ҳайдовчи аниқлансагина айбдор аниқланиши Исмоилга аён бўлди. Лекин ҳайдовчиларнинг қайси бири айбдор?...

Исмоил сўраб-суриштиришни бошлаб юборди. У иккала ҳайдовчини обдон сўроқ қилди. Лекин натижа бўлмади. Иккала ҳайдовчи ҳам чорраҳага светофорнинг яшил чироғида кириб келганлигини баён қилишарди. Исмоил улар билан суҳбатлашиш фойда бермаслигига фаҳми етгандан кейин, воқеа жойига чақирилган автотехника эксперти Юсупов билан айрим нарсаларни ойдинлаштириб олди. Кейин тўқнашиб кетган автомашиналарни синчиклаб кўздан кечира бошлади. Автомашиналарнинг олд қисмлари бутунлай яроқсиз ҳолга келган эди. Исмоил аввал қизил рангли автомашина салонига диққат билан разм солди. Салонда деярли ўзгариш йўқ. Айрим приборлардаги ҳолатларни дафтарига қайд этди. Ниманидир аниқлади, шекилли, чеҳрасида қандайдир мамнунлик ифодаси пайдо бўлди. Сўнг қизил "Жигули"дан узоқлашиб, кўк рангли автомашина олдига бориб, унинг салонини ҳам диққат билан кўздан кечирди. У дафтарига яна нималарнидир белгилаб олди ва иш муҳокама бўлиб турган жойга қайтиб келди. Биринчи бўлиб қизил рангли автомашина ҳайдовчисига мурожаат қилди:

– Сиз светофорнинг яшил чироғида чорраҳага кирдим деяпсиз, чорраҳага автомашинангиз билан кирган пайтингизда соат неча эди, айтолмайсизми?

– Соат аниқ нечалигини билмайман, чамаси 12.30 лар атрофида эди.

Исмоил энди кўк рангли автомашина ҳайдовчисидан сўради:

– Сиз ҳам автомашинангиз билан чорраҳага кирганда соат неча эканлигини билмайсизми?

– Аниқ билмадим, соат 12.30-12.40 лар орасида эди.

Исмоил билдики, ҳайдовчилар тўқнашув содир бўлганда соатга эътибор беришмаган. Шунинг учун ҳодиса қай пайтда бўлганини аниқ айтишолмайди. Исмоил яна қизил рангли автомашина ҳайдовчисига юзланди:

– Автомашинангиз салонидаги соат илгари ишлармиди?

– Ҳа, ишларди.

– Тўғри ишлардими ёки...?

– Тўғри ишларди. Эрталаб соат 8.00да радиодан бериладиган курант зангига қараб секундигача тўғрилаб қўйганман.

Исмоил иккинчи ҳайдовчига ҳам шу саволларни берди. У ҳам автомашинасидаги соати тўғри ишлашини маълум қилди. Шундан кейин Исмоил автотехника эксперти қўлидаги, марказий курант соатига қараб тўғрилаб юритиладиган назорат соати милларини кўздан кечирди ва ҳаммага кўрсатди. Назорат соати миллари шу дақиқада 15.40 ни кўрсатиб турарди. Исмоил экспертга холислар иштирокида, назорат соати ёрдамида чорраҳадаги светофорни шу бугунги ишлаш тартибини, қайси дақиқаларда ундаги яшил ва қизил чироқлар қайси йўналишларни кўрсатиб боришини аниқлаб беришини топширди. Эксперт соат миллари бўйича светофорни кузатиб, текшириб бўлгандан кейин натижаси ҳақида терговчига ахборот берди. Кузатув натижасига кўра, у чорраҳадаги светофорнинг қизил ва яшил чироқларини ўчиб-ёниши эллик етти сония, сариқ чироқ ёниб-ўчиши эса уч сониядан жами олти сонияни, умуман олганда икки асосий чироққа берилган вақт бир дақиқадан тўғри келишини ҳисоб-китоб қилиб берди. Шунда чорраҳада яшил чироқ биринчи, яъни қизил "Жигули" автомашинасининг йўналишига тоқ, кўк "Жигули" автомашинаси йўналишига эса жуфт дақиқаларда ёнишини – йўл очилишини тушунтириб, исботлаб берди.

Исмоил холислар, ҳайдовчилар ва бошқа иштирокчиларни ҳалокатга учраган автомашиналар ёнига бошлаб борди. Биринчи бўлиб улардан кўк рангли "Жигули"нинг салонидаги соат милларига қарашларини сўради. Ҳамма автомашина салонидаги соат милларига кўз югуртирди. Тўқнашув пайтида аккумулятор ёрилиб, яроқсиз ҳолга келганлиги учун машинадаги соат миллари 12.30 ва 10 сонияда қотиб қолган эди. Шу йўсинда кўздан кечирилган қизил рангли автомашинанинг салонидаги соат миллари эса 12.30 ва 21 сонияда тўхтаб қолган эди. Шу ернинг ўзида эксперт ҳисоб-китоб қилиб, йўл ҳаракати қоидасини қизил "Жигули" ҳайдовчиси Тўрахонов бузганлиги – у чорраҳага светофорнинг қизил чироғида кириб келганлигини баён этди ва хулоса берди. Аммо ҳайдовчи Тўрахонов энди автомашиналардаги соатлар ҳар доим ҳам тўғри юравермаслиги, курант соатига нисбатан орқада қолиши ёки олдинга ўтиб кетишини важ қилиб, жавобгарликдан қутулишга уриниб кўрди. Исмоил шунда автотехника экспертига холислар ва ҳайдовчилар иштирокида ҳалокатга учраган автомашиналардаги соатларни тўғри ишлаш-ишламаслигини назорат соати ёрдамида текшириб кўришни маслаҳат берди. ЙПХ ходимлари бир зумда ишга яроқли енгил автомашина аккумуляторини топиб келишди. Эксперт тўхтаб қолган автомашиналар соатларига бирма-бир аккумуляторни улаб, таққослаш асосида текширув ўтказди. Шундан кейин соатларнинг тўғри ишлаши узил-кесил исботланди. Натижада ҳайдовчи Тўрахоновнинг айбига иқрор бўлишдан бошқа иложи қолмади.

Меҳриддин ҚЎЛДОШЕВ,
истеъфодаги полковник.

Саломатлик саҳифаси

ЁЗ НЕЪМАТЛАРИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИНГ

Мана, ёзнинг чилласи ҳам бошланди. Дармондориларга бой ноз-неъматлар пишиб етиляпти. Улардан баҳраманд бўлиб, организмнинг турли хасталикларга қаршилик қобилиятини оширишнинг айни қулай мавсуми.

КАРОТИНОИДЛАР

Бу ажойиб, фойдали моддалар табиатда кенг тарқалган. Гулкарам, сариқ тусли мевалар, сабзавотлар, помидор ва маккажўхори дони каротиноидларга бой. Бугунги кунда 600 хилдан ошиқ каротиноидлар ва каротинлар, жумладан бета-каротинлар маълум. Каротинларни эса жигаримиз А дармондорисига айлантиради.

Балки битта сабзи еган киши бир кунлик бета-каротин миқдорини тўплар, деб ўйларсиз? Бу хато қараш. Чунки бета-каротин ёғда организмга сингади. Шунинг учун хом сабзи ёғ ёки сметанасиз ҳазм бўлмайди. А дармондориси етишмаса, саломатлигимиз тез ёмонлашади.

КЎЗОЙНАКМИ ЁКИ ДАРМОНДОРИ?

Баъзи кўз шифокорлари консерватив бўлишади. Улар кўзи хиралашган беморларга биринчи қабулдаёқ А дармондориси ўрнига кўзойнак тавсия этишади. Ваҳоланки, ҳар кунги истеъмол қилинадиган А дармондориси миқдорини кўпайтиришса, кўпчилик кўзойнакдан воз кечса бўларди.

Бизнинг кўзимизга қон билан капилярлар (қилтомирлар) орқали келадиган А дармондориси етарли эмас. Шунинг учун бу модда кўз ёши орқали ҳам етиб келади. Кўзимизга А дармондориси нега бунчалик кўп миқдорда керак дерсиз?

Мазкур саволга жавоб топгани учун биохимик олим Жорж Уолд 1967 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган эди. Унинг аниқлашича, кўз инсон организмининг энг асосий сезги аъзоси экан. У барча ранглардан таъсирланади. Айниқса, компьютер олдида соатлаб ўтириб ишлайдиганларга оғир. Уларнинг кўз пардасидаги родопсин заррачалари турли-туман нурлар таъсирида парчаланади. Биз кўр бўлиб қолмаслигимиз учун организмимиз оқсил ва А дармондорисидан родопсиннинг янги молекулаларини ҳосил қилади.

Агар А дармондориси етишмаса, кўз тўр пардаси ўз вазифасини бажара олмай қолади. Кўз ёши қуриб, у келадиган йўллар битиб (бекилиб) қолади. Шоҳ парда қуриб, кўзнинг шиллиқ пардаси шамоллаб қолиши, бу эса ўз навбатида коньюнктивит хасталигини келтириб чиқариши мумкин.

САБЗИ БУНГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙДИ

Ўсимликлар оламида каротинлар эркин радикалларга қарши курашувчи қурол вазифасини бажаради. Улар истеъмол қилган кўкатларимиз орқали бизнинг организмимизга тушгач ҳам юқоридаги ролни бажаришда давом этишади. Агар каротинлар ва яна баъзи бир моддалар бўлмаганида организмимиз бир неча дақиқа ичида эркин радикаллар таъсирида ишдан чиқарди. Чунки барча ҳужайралар бир вақтнинг ўзида нобуд бўлишарди.

Ҳужайралари каротинга тўйинган одамлар бошқаларга қараганда узоқроқ ёшлигини сақлашади. Бу эса ўз навбатида қоннинг каротинга қанчалик тўйинганлигига боғлиқ. Шунинг учун кўпроқ сабзи, қовоқ, тухум сариғи, жигар кабиларни истеъмол қилишимиз керак.

Истеъмол қиладиган озиқ-овқатларимиз каротинга бой бўлса, бизни саратон хасталигидан муҳофаза қилиши илмий исботланган. Ундан ҳосил бўлувчи А дармондориси организмимиздаги шиллиқ пардаларни қуриб қолишдан, канцероген моддалар таъсиридан сақлайди, теримизга силлиқлик, эластиклик бахш этади. Иммун (қаршилик қобилияти) тизимида эса А дармондориси вируслар, бактериялар ва бошқа касаллик қўзғатувчиларга қарши курашчи вазифасини ўтайди.

ПОМИДОР САРАТОНГА ҚАРШИ

Пишган помидор таркибидаги қизил каротин пигментлари (ликопенлар) саратон хасталигининг бир қанча турларининг олдини олади. Кунига бир-икки марта помидорли таом истеъмол қилсангиз, жумладан помидор шарбати ичсангиз (фақат кетчуп ҳисобга ўтмайди), бир кунлик зарур ликопенга эга бўласиз.

Бета-каротин сингари, ликопен ҳам иссиқлик ёрдамида ишлов берилгач ва озроқ ёғ қўшсангиз яхши сингишади. Фақат меъёрни билинг. Масалан, помидор шарбатини соатлаб қайнатсангиз ёки сабзини қорайгунича қовурсангиз, таркибидаги каротин парчаланиб кетади.

КАРОТИНСИЗ ҲАЁТ ҲАЁТ ЭМАС!

Организмига каротин моддаси етишмайдиган киши ёшига қараганда анча кекса бўлиб кўринади. Унинг териси қуруқ, тошмалар билан қопланган бўлади. Сочи, тирноғи синувчан бўлиб қолади, секин ўсади. Шабкўрликка чалинади, кўзи хиралашади, иштаҳаси ёмонлашади, тез-тез юқумли касалликларга чалинади, асаби бузилади, ҳатто бепушт бўлиб қолиши мумкин.

Болаларда А дармондориси етишмаса, уларнинг ўсиши секинлашади. Чақалоқ туғилгач, дастлабки кунларда она сути каротинга ниҳоятда бой бўлади. Шунинг учун ҳам у сарғиш тусда кўринади.

ҲАММА НАРСАДА МЕЪЁР БЎЛГАНИ МАЪҚУЛ

А дармондорисининг ҳам ортиқчаси зиён. Аниқроғи каротинларнинг ўзи зарарли эмас. Улар фақат терини сарғайтириши мумкин, холос. Айрим оналар боласига меҳрибонлик қилиб кунига 2-3 стакандан сабзи шарбати ичиришади. Сўнг: "Вой, нега боламнинг ранги сарғайиб кетди? У сариқ касалга чалиндими?" – деб шифокорга югуришади. Шифокорлар уларни тинчлантириб: "Болангизнинг ранги 1-2 ҳафта ичида асл ҳолига қайтади. Фақат сабзи шарбати ичирмай туринг", – дейишади.

Яна бир нарсани билиб қўйиш керакки, жигаримиз меъёрдан ортиқ каротиноидларни ҳазм қилишга қийналиб, катталашади. Шунинг учун баъзи мутахассислар сабзи шарбатининг кунлик меъёрини 100 граммдан оширмасликни тавсия этишади.

А дармондориси ҳозирда ҳапдори (таблетка) кўринишида ҳам ишлаб чиқарилади. Аммо уни ҳам ортиқча истеъмол қилиш зиён – аллергияга олиб келиши мумкин. Бунинг аломатлари лаб ёрилиши, юз шишиши, ортиқча асабийлашиш, уйқусизлик, ич кетиши, шабкўрлик кабилардан иборат. Дори барибир дори-да. У ҳеч қачон табиий озиқ-овқатларнинг ўрнини боса олмайди.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

СУТЛИ ЧОЙ ИЧИНГ

Гипертониядан сақланишнинг оддий усулларидан бири – сутли чой ичиш. У нафақат қон босимини пасайтиради, шунингдек, кишини тинчлантиради ҳам. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун бир стакандан сутли чой ичсангиз, гипертония хасталигининг олдини олишга ёрдам беради.

МАЛИНА ИЛДИЗИНИ ТАШЛАБ ЮБОРМАНГ!

Маълумки, малинали чой шамоллашларни даволашда яхши ёрдам беради. Айрим мутахассисларнинг айтишича, унинг новдаси ва япроғидан тайёрланган чой янаям фойдали экан, аммо илдизидан тайёрланган қайнатмага етмаскан. Шунинг учун томорқангиздаги кекса малиналарни чопиб ташлайдиган бўлсангиз, илдизларини яхшилаб ювиб, бўлаклаб, куритинг. Шифобахш қайнатма ҳосил қилиш учун бир ош қошиқ куритилган илдиз бўлаклари устига бир стакан қайноқ сув қуйинг. Сўнг 20 дақиқа дамлаб қўйинг. Малина илдизини оддий чойга қўшиб ичса ҳам бўлади.

ЯНА АСАЛ ҲАҚИДА

Юрагингиз хаста бўлса, асал ҳам истеъмол қилиб туринг (унга аллергиянгиз бўлмаса, албатта). Бу табиий неъмат юракка қувват бўлади, томирларни кенгайтириб, қон айланишини яхшилайди. Бир-икки ой давомида кунига 50 граммдан асал истеъмол қилсангиз, аҳволингиз анча яхшиланади, қонингиз таркиби меъёрига келиб, гемоглобин миқдори ошади.

Жиноятчига жазо муқаррар!

«КЎЧА БОЛАСИ»НИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Катта орзу-умидлар билан кутилган тўй ҳам бўлиб ўтди. Бурхон (исмлар ўзгартирилди) севган қизига етганидан беҳад хурсанд. Жамила ҳам Бурхондек ақлли-ҳушли, келишган йигитга жуфти ҳалол бўлганидан боши осмонда. Шу тариқа ойлар, йиллар ўтди. Оилада ширингина фарзанд дунёга келди. Унга шерюрак, ботир йигит бўлсин деган мақсадда Шерзод деб исм қўйишди.

Умр оқар дарё, дейишгани рост экан. Вақт ўтиши билан Шерзоднинг бўйи чўзилиб қолди. Шундай кунларнинг бирида Жамила турмуш ўртоғига маслаҳат солди:

— Ҳа демай ўғлимиз мактабни битиради. Кейин уни уйлантиришимиз, уйли-жойли қилишимиз керак. Менинг ҳам орзу-ҳавасларим бор. Сизнинг топганингиз рўзғор харажатларига ҳам етмаяпти. Шунинг учун дугоналарим билан савдо-сотиқ қиламан.

— Аёл киши уй-рўзғор, бола тарбияси билан шуғулланиши керак, — дея норози бўлди Бурхон. — Мен сенинг бозорма-бозор юришингни истамайман.

Жамила ўз гапида туриб олди. Хуллас, у дугоналари билан ўзга юртларга қатнай бошлади. Уйига беш-олти ой деганда бир келар, топган-тутганини эрига қолдириб, яна сафарга жўнарди. Бурхон ҳам ўн беш кун ишлаб, шунча кун уйида бўларди. Еттинчи синфда ўқийдиган ёлғиз ўғли Шерзод бувасининг ёнида қоларди.

Ёши саксондан ошган Салим бобо неварасига ота-онасидек тарбия беролмади. Жамила ҳар гал сафардан қайтганида ўғлига отаси ва бобосидан яширинча пул берар, хоҳлаган нарсангни айт, олиб бераман, деб эркалатарди. Шерзод бора-бора маҳалладаги баъзи хулқи ёмон болаларга қўшилди. Онаси яширинча бериб кетган пулларга ўша дўстлари билан қимор ўйнар, тунги "бар"ларда маишат қилиб, тонгга яқин уйига қайтарди. Салим бобо эса неварасини кутиб тонг оттирар, унга бемаҳалда юргани яхшилик билан тугамаслигини тушунтиришга ҳаракат қиларди. Бу насиҳатлар Шерзодга кор қилмас, баъзан "Мен сизга ёш боламанми?!" дея бобосини жеркиб берарди. У панду насиҳатларга қулоқ солмай, ўз билганидан қолмайдиган, ичадиган, чекадиган одат чиқарди. Онаси ташлаб кетган пуллар қолмагач, шериклари билан ўғирликка қўл урди. Ўғли "қулоқсиз" бўлиб кетаётганидан хабар топган Бурхон Шерзодни олдига чақириб.

— Бувангнинг айтишича, тонгга яқин уйга қайтармишсан? Нима ишлар қилиб юрибсан? — дея гап бошлади.

— Отажон, ҳар куни ўртоқларим билан дарс тайёрлаяпман. Ахир ҳозирдан яхши ўқимасам, эртага ким бўламан?

— Тонггача дарс тайёрламаётгандирсизлар? — синчковлик билан сўради Бурхон.

— Йўғе, — деди Шерзод ҳайрон бўлгандек бош чайқаб. — Кечроқ келганим бувамга шундай туюлгандир.

Бурхон ўғлининг гапига ишонди. У эртаси куни яна ишга жўнади. Шерзод эса ўз билганидан қолмади.

Жамила навбатдаги сафардан қайтганида анча ўзгариб қолганди. Бурхон буни дарров пайқади.

— Энди савдо-сотиғингни тўхтат! — деди у пароканда бўлиб кетаётган оиласидан хавотирланиб. — Ўғлингнинг тарбияси билан шуғулланиб. Иккаламиз уйда бўлмаганимиздан Шерзод анча бебош бўлиб қолди.

— Нима, қорнингиз тўйиб, пулингиз кўпайиб қолдими? — жаврай бошлади Жамила. — Жон койитмай кўнглингиз тусаган нарсани еб, хоҳлаган нарсангизни кийиб юрган бўлсангиз. Рўзғорга ун тополмай ўтирган вақтларингиз эсингиздан чиқдими?!

Бурхон хотинига яна бир бор фарзанд тарбияси ҳақида тушунтиришга уринди. Аммо фойдаси бўлмади. Бундай қараса хотининнинг гаплари ҳам тўғри. Лекин унинг ойлаб оиласидан узоқда юрганига ор қилади. Негадир у илгариги Жамила эмасди. Ўйлай-ўйлай боши қотди. Нима қилиш керак? Ишдан қолиб, фарзанд тарбияси билан шуғуллансачи! Йўқ, хотининнинг миннатлари жонидан ўтди. Жамиланинг ҳам уйда ўтиргиси йўқ. У минг хил ўйхаёллар билан тонг оттирди.

— Жамила, мен ишга кетаяпман, — эрталаб хотинига яна ётиғи билан тушунтира бошлади Бурхон. — Энди уйда ўтир, ўғлингга қара. Саксондан ошган отамнинг дуосини ол. Иссиқ овқат, чой-нон тайёрлаб бер. Сен бозорга чиқмасанг ҳам қозонимиз қайнайди.

— Йўқ, — деди Жамила турмуш ўртоғининг гапини бўлиб. — Сизнинг арзимаган чойчақангизга қараб ўтиролмайман!

— Демак, қарорнинг қатъий, шундайми? — сўради Бурхон.

— Ҳа, — ўйламай-нетмай жавоб берди, Жамила.

— Ундай бўлса, тўрт томонинг қибла. Менинг сендек хотиним йўқ!

Бурхоннинг бу гапидан сўнг Жамила узоқ сафарга бормай, бозорда савдо-сотиқ қила бошлади. Шу-шу оиланинг тинчи бузилди. Ҳар куни жанжал. Шерзоднинг ўқиши, юриш-туриши билан ҳеч ким қизиқмай қўйди.

Кутилмаганда профилактика инспектори Бурхоннинг эшигини қоқди. Душанба куни бозор бўлмаганлиги сабабли Жамила ҳам Бурхон ҳам уйда эдилар.

— Ўғлингиз Шерзод ўғирлик қилишда гумон қилиниб ушланди, — деди профилактика инспектори. — Унинг шахсига тааллуқли ҳужжатларни олиб, ички ишлар бўлимига юрсангиз.

— Туҳмат, — деди Жамила ўзини тутолмай. — Менинг ўғлим бировнинг пулига зор эмас! Оғзидан чиққанини бераяпман...

— Бас қил! — Бурхон тинмай жавраётган хотинини тинчлантирмоқчи бўлди. — Нима гаплигини бафуржа эшитайлик.

Инспектор Шерзод ёмон болаларга қўшилиб ўғирлик қилганлиги, айбини бўйнига олганлиги, ўғирланган молларнинг бир қисмини топиб ҳам берганини маълум қилди.

Орадан кўп ўтмай суд бўлиб, балоғатга етмаганлиги сабабли Шерзод тарбия муассасасига юборилди. Орадан икки йил ўтди. Бу орада Жамила Бурхон билан ажрашиб, яна савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиб юрди. Амнистия туфайли муддатидан олдин уйига қайтган Шерзод онаси отаси билан ажрашиб кетгани, бувасининг оламдан ўтганини эшитиб, гўё бу мусибатларга чидолмагандек, баттар қутуриб кетди.

Бурхон қанча ҳаракат қилиб ҳам уни йўлга сололмади. Жамила эса ҳар куни ўғлига пул берарди.

Кўчада эркин юришнинг мазасини тотиган Шерзод уйдан қочиб кетди. У эски "қадрдон"лариникида яширинча яшаб юриб, ўғирлик молларни сотувчи Гулчеҳра исмли аёл билан танишиб қолди. Шерзод унинг ёлғиз яшашини билгач, тезда уйига кўчиб ўтди. У шу кундан бошлаб уй бекасининг ишончини қозониш мақсадида ўғирлик молларни излаб топиб, унга келтира бошлади. Шерзоднинг бу "сахий"лиги Гулчеҳрага ёқиб тушди. Арзон моллар бир зумда жарақ-жарақ пулларга айланиб, даромади ошиб борди. Бир куни Гулчеҳра иш билан Тошкентга кетди. Уйда ёлғиз қолган Шерзод эса вақтни ғанимат билиб, уйни "тозалаб", жуфтакни ростлади. Тошкент сафаридан қайтган Гулчеҳра анчагина молмулкидан ажралганидан куйсада ҳеч кимга лом-лим демади. Гап чиқарса ўғриларга шериклиги ошкор бўлиб қолишидан қўрқди...

Пули тугаган Шерзод онасининг уйига қайтди. Ўғлининг бағрига қайтганидан Жамиланинг боши осмонга етди. У эртаси куниёқ:

— Энди мен билан бозорга чиқасан. Иккаламиз савдо қиладиган бўлсак, даромадимиз зўр бўлади — деди.

Шерзод рози бўлди. Эртаси куни онаси бозорга кетганда сандиқдаги барча пулларни олди-да, ғойиб бўлди.

Жамила шундагина ўғли нопок йўлга кириб кетганига ишонди ва тилини тишлаганча қолаверди.

Текин даромад топишга ўрганиб қолган Шерзод калитлар ёрдамида қулфларни очишни ўрганди. У ўз қобилиятини Урганч шаҳрида яшовчи Муяссар Ёқубованинг хонадонида синаб кўрмоқчи бўлди. Шерзод аввал кўча эшик кўнғироғи тугмасини босиб кўрди. Ҳеч ким эшикни очмади. Демак, уйда одам йўқ. У чўнтагидаги калитлар ёрдамида осонгина уйга кириб олди ва хонадон эгаси яшириб қўйган пул ҳамда тилла тақинчоқларни излай бошлади. Кўп ўтмай 3 миллион 828 минг сўм пулни топиб, уйни тарк этди. Шерзод дастлабки "ов"и бароридан келганидан беҳад севинди. Орадан ўн олти кун ўтди. У қулфларни очиш бўйича "малака"сини янада бойитди.

Туш пайти. Шерзод шаҳар марказидаги Бахтигул Ражабова яшайдиган хонадон эшигининг кўнғирогини босди. Ҳар галгидек ичкаридан ҳеч ким жавоб бермади. Шерзод қўлидаги калитлар тўпламини ишга солиб, бир зумда эшикни очди. У 500 минг сўмлик "HITANCI" русумли видеокамера, 60 минг сўмлик "SONI" русумли диктафон ҳамда баҳоси 96 минг сўмлик 24 метр ипак матони ўғирлаб, уйдан чиқиб кетаётганида хонадон соҳибасига дуч келиб қолди.

(Давоми бор).

Худойберган ЖАББОРОВ.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва фахрийлар кенгаши истеъфодаги полковник

Милен АЗИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририятнинг фаол иштирокчиси Миробид Иноятовга волидаи муҳтарамаси

НАЗМИНИСО аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарма ёнғин техник лабораторияси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Собир Жўраевга падари бузруквори

МИРЗО отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЖҚ ва ТҚКБ бошлиғининг 1-ўринбосари, подполковник

Бахтиёр НАЗАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Шайхонтоҳур тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ катта инспектори, майор

Эркин МУҲАММЕДОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИВ тезкор алоқа тармоғи оператори

Машҳура НОРПЎЛАТОВАнинг

бевақт вафот этганини маълум қилиб, марҳуманинг қариндошлари ва яқинларига таъзия изҳор этадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Оҳангарон шаҳар ИИБ бўлинма бошлиғи, капитан Абдумутал Абдукаримовга отаси

ҲАЙИТБОЙ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма жазони ижро этиш муассасаси бўлим бошлиғи, капитан

Хусен АСАДОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.



Пойтахтимиздаги "ISTIQLOL" ресторанида "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган "Ўзбек пазандалик санъати" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ



Тарвуз, қовоқ ва бошқа мевалардан тайёрланган чиройли «гулдаста».



«Мустақиллик майдони» торти.

Байрамона безатилган ресторан ҳовлисига шаҳримиздаги нуфузли меҳмонхоналар, ресторанларда иш олиб бораётган ошпаз – қандолатчиларнинг ҳам ташриф буюриши тадбирга файз бағишлади. Улар ўзлари тайёрлаган торт, турли хил қандолат маҳсулотлари сабзавот, полиз маҳсулотларидан маҳорат билан ясалган безакларни намойиш этишди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов, таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафутдинов ҳамда ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал майор Ғофуржон Раҳимовлар иштирок этиб "Ўзбек пазандалик санъати" китобига юқори баҳо беришди.

Йиғилганларни республикамизнинг таниқли санъаткорлари ўз куй-қўшиқлари билан хушнуд қилишди.

Абу КЕНЖАЕВ.
Муаллиф олган суратлар.

КИМНИНГ ТЎЙИ ҚАНАҚА?

Миллий одатларимизга биноан тўй маросимида ёр-ёр айтиш қанчалик қонимизга сингиб кетган ва бусиз тўй ўтмаслигига ишонсак-да, курраи заминимиздаги сон-саноқсиз халқларда ҳам ғаройиб тўй удумлари борлигини гоҳида хаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

ШЕР КЕРАКМИ, ЭР?!

Масалан, Африканинг Кения ва Танзания мамлакатларида истиқомат қилувчи масаи қабиласи аъзоси бўлишни ҳар ким ҳам орзу қилавермаса керак. (Албатта, масаилардан бошқа). Бу халқ таомилига кўра, куёв бўлмиш келиннинг оёғи остига шер терисини тўшаши керак. Шерни яккама-якка жангда найза билан ўлдириш шарт қилинганига нима дейсиз. Бу ҳам майли-я, келинкуёвнинг тўшаги ҳам ўша шернинг териси бўлиши лозим. Қизиқ, бу қабила қизларига шер керакми ёки эр?!

Янги Гвинеяда яшовчи папауасларни роса ёввойи деб аташса-да уларда масаилардагидек одатлар йўқ. Уларнинг куёвлари келинга тўй совғаси сифатида 20 дона чиғаноқ, 20 та қуш териси ва 20 та чўчқа ҳадя қилади (чўчқа – папауасларнинг "муқаддас" ҳайвони). Папауас келинларининг масаиларга ўхшаш яна антиқа одатини эшитиб беихтиёр ёқа ушлайсиз. Тўйда келиннинг бошига совға қилинган чўчқалардан бирининг тескари қилинган қорнини қўйишади. Ҳа, уларнинг бу одатларига ҳеч тушуна олмаслигингиз аниқ. Биз ҳам тушунмадик.

Соҳиба ҲАЙИТБОЕВА.

КРИПТОГРАММА

2	1	10	0	4	1	-
5	9	7	1	2	8	
3	9	10	0	6	9	-
11	1	2	8	.		

1. Марказий Осиёдаги водий. 2. Шиддатли ёғин. 3. Идрок. 4. Ҳақиқий. 5. Сайёра. 6. Материя тузилиши ва ҳаракати илми. 7. Жануб қуши. 8. Қимматбаҳо тош. 9. МДҲ таркибидаги давлат. 10. "Шашмақом" муаллифи. 11. Бухородаги обида. 12. Аёл исми. 13. Тоғ чўққиси. 14. Қалб. 15. Кимёвий элемент. 16. Чинни идиш. 17. Самарқандниг қадимий харобаси. 18. Истиҳола. 19. Шоҳлик рамзи. 20. Ранг. 21. Туя емиши, чўл гиёҳи. 22. Бинодаги тик ёғоч. 23. Тиниш белги. 24. Сув (тожикча). 25. Марказий Америкадаги давлат. 26. Мато пардози. 27. Газ модда. 28. Миллат. 29. Сабаб. 30. Рангли металл. 31. Нон тури.

1. Шарафиддин Али Яздий асари. 2. Фарғона водийсидаги шаҳар.
3. Миллий маросим. 4. МДҲдаги давлат пойтахти. 5. Улкан,
6. "...Кўрагоний" – Улуғбек тузган жадвал. 7. Пўлат олиш иншооти.
8. Ўрмон йиртқичи. 9. Бўёқ ашё. 10. Чидам, бардош.
11. Маълумот юбориш воситаси. 12. Давлат рамзи. 13. Лавозим.
14. Ранг. 15. Рангдор, қимматбаҳо маъдан.
16. Сибирдаги ўлка. 17. Россиядаги вилоят. 18. Вақт асбоби.
19. Автомобиль маркаси. 20. Японияда шаҳар.
21. Кўчатни сийраклаштириб қайта экиш. 22. Узбек ёзувчиси.
23. Томон. 24. Ширинлик тури. 25. Молия муассасаси.
26. Ўркачли жонивор. 27. Пианино қисми. 28. Мусулмонлик фарзи.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: **Масала. Тил. Мензурка. Ватан. Авлиё. Газета. Ота. Ва. Ол. Зира. Атом. Дока. Обид. Ой. Қанд. Назм. Адолат. Озор. Онг. Ре. Амал. Овқат. Рукн. Раъно. "АН". Завжа. Шона.**

БЎЙИГА: **Тим. Гул. Ел Лар. Арава. Мардон. Вал. Алифбо. Бета. Ойнома. Ватанпарвар. Ола. Давр. Геродот. Шак. Мақом. Ор. Туш. Он. Ал. Азал. Неон.**

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir o'rinbosari Erkin SATTOROV
Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV
Navbatchi Shahzoda XUDOYBERDIYEVA
Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 54-37-91. Kotibiyat 139-73-88. Muxbirlar 59-27-15. 139-77-23. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.

E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

● Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart
● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun muallifiar javobgardirlar.
● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-001386. Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 6 bosma taboq. 52161 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Bosishga topshirish vaqti — 23.00. Bosishga topshirildi — 23.00.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi, Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

(N) — Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.